



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Дарахтлар қавмида

шикоятчи йўқ...



ШАВКАТ РАҲМОН ДЕГАН...

Парда ўсайми ё ўсмайми деган
Дарахтдан кўзларим тўсайтгандай
Кўклами ё ерда бир буюк дарахт
Чинқириб тинимсиз ўсайтгандай.

Пўлатдай эшилган гирияларини
Кўксимизга қуйиб, ўтларда ёқиб
Элнинг саёз тортган дарёларини
Жаннатий сувларга тўлдириб, оқиб

Банди оғочларнинг узиб бандини
Майдонларга чиқиб келаётгандай.
Нишонга олиб ҳар нодон, андини
Кўзин қаттиқ тикиб келаётгандай.

Миллатим деб элга юз бурган чоқлар
Баҳайбат умиди тошдай қотганда
Халоскор чечаклар, қора чечаклар
Гуркираб осмонга ўрлаётгандай.

“Жувонмарг бўлгурлар, жўмардинг борми?”
Қиличдай бу садо кўксингни тешса
Ўз ўрнингда кўрсанг бир буюк сорни
Сенинг-да қонларинг вулқондай жўшса.

Демак шундай дарахт ўсайтибди!
Шавкат Раҳмон деган, суйиб жонларни.
Илдизи Туронга илдиз отибди
Шохлари кўтарар мусулмонларни!
Шавкат Раҳмон деган
Бир буюк дарахт...

24.11.04

Ўрта ёшим ойлардай тўлди
Қалам билан йўлни солдим тик.

Балоғатнинг ботирларини
Сарсон қилдим. Оввора қилдим
Қуриб қолган булоқларни-да
Кўзин очдим, фаввора қилдим.

Қуз қовжираб бермоқда нишон
Шеърда йиғлаб “кўклаб” оламан.
Мен бунда ҳам қадимни, ишон
Қалам билан тиклаб оламан.

24.11.04

ВАТАН САРИ ЙЎЛ...

Бир тонг боғлар куртаклар, гуллар
Қишнинг аҳволи танг қолади.
Шовқин-сурон ичра гувиллаб
Биз кетамиз, Ватан қолади.

Тағин бойиб аслан бойлари
Боз баландлаб баланд ойлари
Тиниқ тортиб лойқа сойлари
Биз кетамиз, Ватан қолади.

Асли бор йўл – Ватан сари йўл
Асли бор йўл – ўтмоққа томон
Ватан томон борар бари йўл
Асли бор йўл-тупроққа томон.

Ерда юриб, чирмашиб тоққа
Сўнг қун... Ҳаққа етар эканмиз
Биз тупроғин обод қилмоққа
Биз Ватанга кетар эканмиз.

Асли бор йўл
Ватан сари йўл...

24.11.04

САРСОН ОЙ...

Худойим-эй, Худойим
Кўп бўлди-ку хатойим.
Кўкингдан жой бермасанг
Ерларингда ётойин.

Худойим-эй, Худойим
Бўлди қиёмат қойим.
Чиққан эдим ой каби
Энди қайга ботойин?!

Ўтга солиб руҳни, танини
Кераксиз сўз демаганини
Кўза ёғингиз емаганини
Ҳам қош билинг. Ҳам кўз билинг.





Ётсирамай бошин қўша
 Ёвфонингта ошин қўша
 Кўз ёшинга ёшин қўша
 Ўзгаларни ҳам ўз билинг.

Букилганлар, ёйланганлар
 Лек осмонга бойланганлар
 Кўнгли қушга айланганлар
 Учар қушларни дўст билинг.

Агар вафо топмасангиз
 Кўкда бахтни ўймасангиз
 Тупроқ сари қайтаверинг
 Қорни, музларни дўст билинг.

24.11.04

БИЗЛАР БОР...

Кўкламлар олиб келса-да
 Олиб кетувчи қушлар бор.
 Кўклам минг чарақламасин
 Ҳолиб кетувчи қушлар бор.
 Эй, нима бўлганида ҳам
 Қуш, титрама,
 Сўлмагил гул!
 Биз ҳали ўлганимиз йўқ
 Дунёда ҳали бизлар бор!

7.11.02

СИЗ КЕЛМАДИНГИЗ

Сувлар қайғиб тушди тагин тоғлардан
 Дўғлар қайғиб келди. Сиз келмадингиз.
 Улоқиб-улоқиб ўзга ёқлардан
 Йўллар қайғиб келди. Сиз келмадингиз.

Тўзғин куйлақларин кўклаб, янгориб
 Бири қиёғи яшил, бири зангори
 Яратувчинингми олдиға бориб
 Гуллар қайғиб келди. Сиз келмадингиз.

Баъзан бетартибу, баъзан ботартиб
 Бирин чанглаб, бирин чангларин артиб
 Маним сочларимни опноқ оқартиб
 Йиллар қайғиб келди. Сиз келмадингиз.

Чинқирдим. Дунёни бузолмадим мен
 Денгиз қаттол эди. Сузолмадим мен
 Оёғим занжирин узолмадим мен
 Сизам келмадингиз. Сиз келмадингиз.
 27.11.02

“ИНЖУЛАР” КИТОБИДАН:

Тушундим дунинг кўп одамларини
 Алақачон ўчган бахт, шамларини.
 Улар умр бўйи кун-тунни улаб
 Майхонада ювар кир, ғамларини.

* * *

Кўзимдан отилди қайноқ ёшларим
 Ўзимга қаратдим иллат тошларин.
 Ўнг кўзи чап кўзин ўяётганлар
 Шулар мусулмонми, миллатдошларим?!

* * *

Рангларимни артди ранги йўқ ранглар
 Бошимни қабартиди санги йўқ санглар.
 Дунё жангтоҳ экан лашкар, аскарсиз
 Мени чарчатди бу сўнги йўқ жанглар.

* * *

Бурро воизлар кўп, бир оятчи йўқ
 Дарахтлар қавмида шикоятчи йўқ.
 Умрим бўйи кезиб, бир сирни уқдим:
 Ҳимоя талаб кўп, ҳимоятчи йўқ.
 24.11.04

* * *

Қуёш, сув бергансан дала, тузга ҳам
 Дашту сахрога ҳам, қумлоқ, бўзга ҳам
 Эй Худо, дунёда яшашни учун
 Бир парча умид бер, умидсизга ҳам.

* * *

Шуҳрат томон. Ким айтди
 “гуллик томон борасиз”
 Ич талош-у, сиртингиз силлиқ
 томон борасиз.
 Шуҳрат бозорларининг ҳар
 ҳоқонлари бордир,
 Ўз оёғингиз билан қуллик
 томон борасиз.

* * *

Ҳаётимни таҳлил қилиб бир лаҳза тиндим
 Қамшини кузатиб туриб, қаттиқ ўқиндим.
 У бўронда юз эгилиб, юз тикланарди,
 Шу қамшича тадбирим йўқ, эгилмай сиздим.

* * *

Киритсанг руҳоний бир онни кирит
 Ўзи йўқ, сўзи бор қурбонни кирит.



Фарқи йўқ, сиртингда ҳирқами ё тўн
 Фақат ичингда сен Қуръонни кирит.

* * *

Мардикор аёллар—тош тўкадиган
 Бу не кунлар ору, ош тўкадиган.
 Биби Фотимамга жигар-қу булар
 “Воҳ, Хусайн” деб даштда ёш тўкадиган.

* * *

Сўзладим. Сўлим дур, асллар келди
 Сўзимдан бир чечак, бир гуллар келди.
 Энди боққа кирсам шовуллар хазон
 Менга ҳам ўй сураф фасллар келди.

25.11.04

* * *

Воҳ, дунёнинг ғамларидан шароб қилдим мен
 Дилмини куйдириб олов, ҳам об қилдим мен.
 Гоҳ дунёда асронлардан йўлни тере солдим
 Итларни дўст билдим. Ўзни хароб қилдим мен.

* * *

Менам ўз-ўзимча роз айтдим, кетдим
 Не айтдим. Ўзимга хос айтдим. Кетдим.
 Бу дунёга келиб бор қилган ишим —
 Бир-икки сўз айтдим. Рост айтдим, кетдим.

* * *

Нола қил, ёр турсин сен тургунингча
 Пойига гуллар эк, улгургунингча.
 Дудоғингни ёри содиққа ўптир,
 Бир кунни тупроққа ўптиргунингча.
 26.11.04

* * *

Қайтадан босилмас бизларнинг бу из
 Қайтадан бу отда елолмаймиз биз.
 Қайтадан навбатга тизилолмаймиз
 Қайтадан бахт сўраб келолмаймиз биз.

* * *

Дунёсига боқсам уқиб сирларни,
 Кўнгли кирлар топар кўнгли кирларни.
 Беш кун мусофиримиз бу дунёда, лек
 Мусофирлар талар мусофирларни.

* * *

Кетган кетаверар қатор олдида
 Бор созлар чекингай бир тор олдида.
 Дунёнинг бор аттор, савдогарлари
 Ҳеч ким... Фаридиддин Аттор олдида.



* * *

Тўртта дўст. Бир-бирин хушлашди улар
Бир-бирини маҳкам ушлашди улар.
Ўртага бир суяк ташлашди, ёра-аб,
Қопағон итлардай тишлашди улар.

* * *

Бу хаёл босган толми, теракмиди, Худойим
Бу шамолларам ғамдан даракмиди, Худойим
Икки кўзим булоғи тинмай оққани оққан
Менга шу икки булоқ керакмиди, Худойим.

* * *

Дарё, сен ёйлиб оқ. Мен ёйишолмадим ҳеч
Менга гул узатмади бу дунёи қадим ҳеч.
Шайхга қанча эгилсам шунча ерга киргизди
Муридэмас, қул бўлдим, тикланмади қадим ҳеч.

* * *

Кетсам, дунёнинг оққуш, турналарига кетсам
Ё етти қават зиндон, ернинг қаърига кетсам.
Келдим, ҳар хужайрамни ўтга
қалаб қул қилдинг,

Энди мен кетсам бўлди. Сендан
нарига кетсам.
26.11.04

Асқар Маҳкамга

Машраб дорда кетди. Шеър қолди. Из
Шеър қолди. Нодира кетди, чўкмай тиз.
Кимга суянасан халқи нодоним,
Иймон асолари—шоирларингиз.

* * *

Пиримқул Қодировга

Бири кам дунёда “Ё хув!”чиларим,
Фикрга ташнага нон, сувчиларим.
Озгин, рангги синиқ саҳобалардай,
Шайхул-машойихдай ёзувчиларим.

* * *

Гарчанд ҳар сатрни дилимга ўйдим
Уйғон, уйғон дейман сен бўлсанг ҳам ким.



Тоза инжу тондим уйқу аралаш
Турдим. Эслолмадим. Йўқотиб қўйдим.

* * *

*Ҳазрат Яссавий зиёратига
борганимда кўрган*

Бу қудуқда рост бор. Ёлғон йўқ, қув йўқ
Сув торттичларда ҳам бир ёлғон ув йўқ.
Кимга лим челақ сув, бир туширишда
Ким юз бор туширар, бир томчи сув йўқ.

* * *

Уйдан чиқинг. Ёзинг чигилингизни
Зиёрат қилдингиз бир-бирингизни
Қўл-оёққа ажал занжири тушмай
Зиёрат қилингиз бир-бирингизни.

* * *

Ер ҳасратга чўкиб айланар. Кўринг
Одам қусиб, бўкиб айланар, кўринг.
Ҳар барги ўшғулик бу хиёбонда
Итлар пешоб тўкиб айланар, кўринг.

* * *

Қувончу қайғуни қорганим бўлди
Дўсту ёрларим бор. Бор ғаним, бўлди.
Бу дунёда қилган энг яхши ишим —
Сенга зиёратга борганим бўлди.

* * *

Булар одамликни хор қиладилар
Булар маним сочим қор қиладилар.
Кучук етаклаган бу одам қавми
Одам етаклашдан ор қиладилар.
27.11.04

* * *

Баъзан бошинг тиклаб, силкиб барингни
Бир чақмоқ ёритиб келар қаърингни.
Эй қодир Худойим, юбориб тургин
Шундай дунё силкир чақмоқларингни.

* * *

Боримни гумон ер. Ҳатто қилдим йўқ
Чекиб хумор ёзай десам чилим йўқ.
Емаган сомсага тўлаб тугатдим,
Ёнимда бир тийин, бошқа пулим йўқ.

* * *

Ишқли одамлар кам. От-да, хар-да бор
Бугун ишқ кам. Дўқ бор. Гумон. Зарда бор
Бугунги Мажнунлар зимдан текширар
Мажнун ишқи ўтган, ўтганларда бор.

* * *

Тиллаш. Ишим келсин десанг ўнг
Ер тилга киради, чимдан сўнг
Жовдиради. Мен тиллашмадим
Шу гул йиғлар кетганимдан сўнг.

* * *

Фалак болга доим заҳарни қотган
Кўрдим... Темур шоҳлик шаробин тотган.
Кейин Кўқон. Кейин Нодира боши,
Қундага қўйилган, чошлаётган...

28.11.04

* * *

Садақа, сарпо, эҳсон берар хоқон
Кимга мансаб, кимга шон берар хоқон
Қай қул “қулингман” деб тиз чўкаверса
Шу қулнинг қўлида жон берар Хоқон.

* * *

Сиртим шоён, ич—хўрсиниқ, тутунлигим кўр
Ғужгон юдузлар-да синиқ, бир тулнлигим кўр
Харсанг тегиб минг бўлакка бўлишган жом мен
Аммо юрганымда тиклик, бутунлигим кўр!

* * *

Хушёрлар кўп тепкилади. Қирланган чим мен
Хушёрлар кўп сўроқ қилар. Соқов мен, жим мен
Агар Хайём қайтиб келса дўст тутинардим
Майхонада шароб билан ювинардим мен.
29.11.04

Кўп одамнинг сурати бор, сийрат, сўзи йўқ
Муздони бор, туздони бор, аммо тузи йўқ.
Кўп одамлар майхонада айш сурар бугун
Лек Хайём йўқ, Хайёмнинг бир босан изи йўқ.
29.11.04

* * *

Бошнинг устида пул, оёқ остда пул
Энг ишончли дўстдир, хушёр, мастда пул.
Не-не олтин бошни балчиққа қориб
Шиқирлаб кулади даста-даста пул.

* * *

Дунёда бир пулдай ғаддор дўст чиқди
Ҳамма уни кутар, ҳар хил сўз чиқди.
Бировни у келмай саргардон қилса
Бировни у келиб... гўрларга тикди.

* * *


Кўкларингдан тушдим, чиқдим қаърингдан
Аммо сўрамадим олтин, зарингдан.
Худо, менгаям бир донагина бер
Паҳлавонга¹ берган инжуларингдан.

29.11.2004



¹ Паҳлавон Маҳмуд назарда тутилапти

Луқмон БҶРИХОН



СИРЛИ МУАЛЛИМ

Қисса

*Муаллим ҳақида сўзим ушбуди:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Абдулла Орипов*

Нажот Файбулла деганлари ҳақидаги миш-миш бизнинг таҳририятга ҳам етиб келди.

— Эртагаёқ сафарга чиқасиз, — деди бош муҳаррир мени ҳузурга чорлаб. — Бориб билинг-чи, нима гап? Қаламга илашгулик ҳоли бўлса, шартта бирор нарса қоралаб келинг. У ёқларни сиз яхши биласиз.

Ҳа, ҳа, каминага у тарафлар тузуккина таниш. Роп-па-роса икки йил аввал овлоқ чўл қўйнидаги ўша харобгина 41-посёлкада бўлганман. Бу ҳарбийликда ҳалок бўлган қаҳрамон аскар — Умрзоқов Ўроқ туғилиб-ўсган масканда; маҳаллий мактаб шу жасур ўғлон номи билан аталади. Ҳатто қаҳрамонга ёдгорлик-бюст ўрнатишган экан.

Хуллас, қадрдон дўстим, шоир ва ёзувчи, журналист (ва ҳоказо) Шунқор Ҳобилнинг кутқусига учиб Ўроқ Умрзоқ ҳақида очерк битиш илинжида ўша овлоқ посёлкага бориб келганман.

Ўшанда баҳорнинг илиқ кунлари эди. Ўнгу сўлда экин-тикинга ҳозирланган жигартус пайкаллар ястаниб ётибди. Ўйдим-чуқур йўл бўйлаб тизилиб кетган дов-дараклар қийғоч япроқлай бошлаган. Осмон ҳозиргина артилган шишадай топ-тоза, кўм-кўк.

Посёлканинг сертупроқ, қинғир-қийшиқ кўчаларида одам сийрак. У ер-бу ерда ўзини ҳувоқда топлаб ўтирган қари-қартанглар, қий-чув билан ўйнашаётган болакайлар кўзга ташланади. Ҳойнаҳой, ҳамма кўклам ташвишлари билан андармон, дала-даштга сочилиб кетган.

Ҳамроҳим, туман ҳокимиятининг масъул ходими машинасини ярми панжара, ярми бетон девор билан ўралган мактаб ҳовлисига тақаб тўхтатди.

— Етиб келдик, — деди у энгил тин олиб. — Ана, мактаб директорининг ўзлари, Қалқонов муаллим.

Рост, мактаб ҳовлисида ёши олтмишларни қоралаган киши паришон турар эди. У машинани кўрдию дарҳол ҳушёр тортиб, биз томон илдам юрди. Ялпоқ юзлари хавотиру ҳадикдан баттар ялпайган, митти, қийиқ

кўзлари пир-пир учади, куюқ оқ оралаган сочлари тўзгин, эгнидаги кулранг костюми, дудама ханжардай галстуги шалвирабгина турибди.

— Ассалому алайкум, оғажонлар.

Қалқонов муаллим биз билан бирма-бир қўшқўлаб кўришди.

— Чарчамайгина етиб келдиларингизми?

— Домилла, танишинг, — дея масъул ходим мен томон ишора қилди. — ...пойтахтдан келган журналист. Шунқор Ҳобилнинг ошнаси. Ўроқ бечора ҳақида асар ёзмоқчи.

— Яхши, яхши, — дея бош ирғади Қалқонов муаллим. — Қани, ичкарига кирамиз.

Мактаб ҳовлиси кенг ва озода эди. Ҳайҳотдек майдонда кўр тўкиб турган ўқув бинноси анчайин таъмирталаб бўлса-да, файзли ва шинамгина кўринади. Иморат пештоқида иссиғу совуқдан ранги униққан байроқ мағрур қилпираб турибди. Ҳовлидаги дарахт шох-бутоқларида чумчуқлар чуғурлашади.

— Дарслар қизгинми дейман-а, — деди масъул ходим у ён-бу ён аланглаб. — Ҳаммаёқ жим-жит. Зоғ учмайди.

Қалқонов муаллим бош ирғади:

— Ҳа, ҳозиргина учинчи дарс бошланди, — сўнг мен томон юзланиб эҳтиром билан мавзуга кўчди. — Умрзоқов Ўроқ ўзимиздан, бугалтер бованинг ўғли. Аскарликда Ватан учун ҳалок бўлган. Сўнг... биз идорама-идора елиб-югуриб номини мактабимизга қўйдик.

— Домилла, — деди масъул ходим вазиятга жиддий ва расмий тус беришга уриниб. — Анъанамизни тарк этмаймиз. Ишни қаҳрамоннинг ёдгорлигини зиёрат қилишдан бошлайлик, ҳайкал ёнида беш-олти минут сукут сақлайлик.

Мактаб директори туйқус таққа тўхтади. Ранг-қути ўчганча бир менга, бир ҳамроҳимга жонсарак тикилди.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради масъул ходим таажжубланиб.

— Йў-ў, ўзим...

Қалқонов муаллим ғудранганича ўқув биноси рў-парасидаги майдонча томон бошлади.

Жорий йилнинг аввалида халқ таълими вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда мактаб ҳамда устоз—мураббийлар ҳаётини бадиий мукамал ёритган йирик жанрдаги адабий асарлар учун махсус конкурс эълон қилган эди. Конкурс 2005 йилнинг май ойида давом этади. Мазкур конкурсга келган наслик асарлардан бир нечасини журналимизда чоп этмоқдамиз. Бадиий жиҳатдан юксак асарларга доимо эҳтиёж мавжуд. Шу туфайли конкурсга қатнашиши иштиёқида бўлган шоир, ёзувчи ва драматургларнинг асарларини кутиб қоламиз.

Дарҳақиқат, улкан қайрағоч ёнига қизғиш гишдан баландгина устун қурилган экан. Бироқ... пойтахтда Шунқор Ҳобил, йўл-йўлакай масъул ходим фахр билан тилга олган ёдгорлик – бюстдан ном-нишон йўқ.

– Ҳайкалча қани? – сўрадим ҳайрону лол.

Хижолатдан ияк қашлаб турган Қалқонов муаллим дудуқланди.

– Бор эди... ўрнатганмиз... Бир ҳафтача илгари ўғирлаб кетишибди.

– Ўғирлаб?! – беихтиёр чинқириб юборди масъул ходим. – Ким?! Кимга керак экан шу... бюст-калла?

– Билмадим... мисми, алюминми, ишқилиб, шундай қимматбаҳо нарсадан ясалган экан ўша бюст. Ўғирлар кўпориб кетишибди.

Масъул ходим баттар тутоқди:

– Дарров органга хабар бермадиларингми, а?!

– Бердик, участковойга айтгандик...

– Хўш-ш...

– Кулди. Қўйинглар-е, уят бўлади, деди. Бир ясама калла учун тўрт-беш тирик каллани кундага қўйишни истамас эмиш.

– Участкани назорат қилиш ўрнига каллаларнинг ғамини еб юрган қанақа мелиса ўзи?

– Ҳалим Норбўта ўғли.

– Ия, ўшами?! Отаси зўр мелиса эди-ку, суяк сурмабди-да, ярамас.

Қалқонов муаллим туйқус участка назоратчисини сотиб қўйганидан баттар каловланган эди. Масъул ходим эса асабий тарзда бош чайқаб, қўл силтаб тагин хийла вақт жаврағач, мен томон хижолатли юзланди.

– Узр. Кутилмаган муаммо...

– Ҳечқиси йўқ, – дедим уларни юпатган бўлиб. – Бўп туради. Янги бюст заказ қиласизлар.

Хуллас, аллақандай қароқчиларнинг фитнасига учмай ўша сафардан ватанпарварлик, фидойилик тараннум этилган туппа-тузук очерк ёзиб қайтдим. Бош муҳарриримиз хўб мақтади.

Мана, нон-насиба чорлаб яна ўша ёқларга чоғлаиб турибман.

– Чўлма-чўл санғиб юрманг, – дея бот-бот тайинлади бош муҳарриримиз. – Ҳойнаҳой, Нажот Ғайбулла деганларига жинойт иши очилган. Тўппа-тўғри бориб аввал терговчига учрашинг, кейин вазиятга қарайсиз...

* * *

Идорама идора кириб-чиқиб, сўраб-суриштириб, охири керакли терговчига дуч бўлдим.

– Ҳа, – деди у олдимга устига “Дело” деб ёзилган папкани суриб. – Ўша нусханинг иши менда. Икки-уч марта посёлкага бориб келдим. Мактаб жамоаси билан учрашдим. Баъзи бирлари тушунтириш хати ёзиб берган, марҳамат, истасангиз танишиб чиқинг.

– Раҳмат.

Терговчи шоша-пиша қўл соатига кўз ташлаб олди.

– Зарил ишим бор эди-да, бир ерга бориб келсам майлими? Дарров қайтаман.

– Хўп, бемалол.

– Сиз ишни бемалол ўқиб чиқаверинг, – деди терговчи эшик томон юраркан. – Сиздан яширадиган сиримиз йўқ.

Мен қалингина папкани очиб шошилмай ўқишга тушдим.

* * *

(Мактаб директори Қ.Қалқоновнинг тушунтириш хати)

Суягим мактабда қотди. Йигирма ёшимдан бери муаллимлик қиламан. Болаларнинг қий-чувини эшитиб тур-

масам бошим оғрийдиган бўлиб қолган. Бир пайтлар жомадон кўтариб ўқишга отланган чоғим учувчиликни орзу қилганман. (Орзу-истаклар қанотида хўб учиб-қўниб юрган пайтларимиз экан-да) Йўқ, тақдир тақозосига кўра рус тили мутахассиси бўлдик. Ишладик. Мана, ишляп-миз. Ўқитувчиликнинг этагидан тутганимиз учун ҳеч ким бизни ёмонотлиғ қилган эмас. Давраларнинг тўрини беришмаса-да, ҳар нечук пойгакка тушириб ташлашмайди. Ҳозирги ёшларга қараб ҳайрон бўламан, муаллимликдан ор қилишадими-ей... Айниқса, ўғил болалар.

Қай бир кун олтинчи синфда ўқийдиган уч-тўрт боланинг гурунги тасодифан қулоғимга чалиниб қолди.

“Келажакда прокурор бўламан, – дерди улардан бири виқор билан, – ҳамма мендан кўрқади, ҳурмат қилади. Бойликка кўмилиб яшайман”.

“Прокурор кўп ойлик оладими?” – деб сўради тағир бир соддароғи.

Дўсти аввал мириқиб кулди, сўнг ишонч билан деди: “Йў-ўқ, гап ойликдамас. Жинойтчилар қамалиб кетмаслиги учун чўнтагинга жарақлатиб солиб қўяди”.

“Мен мафия бўламан!” – дея тантанали ҳайқирди болалардан бири.

Ҳалиги соддароғи яна сўради:

“Мафия?! Нима у?”

Тантанали овоз эгаси, ҳойнаҳой мафия нималигини тузукроқ англамас керак, бироз тараддуланиб аранг тилга кирди:

“Мафияни киноларда кўрмаганмисан? Улардан керак бўлса прокурорлар ҳам кўрқишади”.

“Мен кўрқмайман! – қонун ҳимоячиси бўлиш орзусидаги ўқувчи дик этиб ўрнидан турди. – Мен ҳамма мафияни зирилламан!”

“Мафия” у томон хезланди:

“Ўчир овозингни, қўлингдан ҳеч нарса келмайди”.

Улар бир-бирининг ёқаларига чанг солиштиди. Шу орада томоқ қириб панадан чиқдим. Болакайлар олишувни бас қилиб, жой-жойига ўтириштиди. Ўзларича узунқисқа салом беришган ҳам бўлиштиди.

Мен уларни бир зум кузатиб турдим. Ич-ичимдан алланечук изтироб, ғусса қўзғалди.

Болалар ҳануз ҳансирашган қўйи бир-бирига ўқрайишар эди. Мафия орзусидаги бола-участка назоратчисининг ўғли Зокир. Ўқишлари аъло, хулқи ҳам бинойигина. Шахсан мен унинг келажакига катта умид боғлаганман. Шу сабаб болалар тўпидан уни имлаб чақирдим. Довдирабгина ёнимга келди.

“Зокирбой, – дедим қўлидан тутиб, – нима у мафия-пафия? Унақа бемаъни гапларни қўйинг, болам. Сиз аълочи ўқувчисиз-ку, келажакда олимми, билимдон ўқитувчимиз бўласиз, деган умиддамиз”.

Орқада шумшайиб-шумшайиб турган болалар пиқ-пиқ кула бошлашди.

Зокир қўлимдан юлқиниб чиқди.

“Барибир мафия бўламан!”

Шу воқеадан сўнг бирор ҳафта ўтар-ўтмас Зокирнинг онаси Моҳигул, ҳув, Сафармурод чавандознинг қизи мактабга бостириб келди:

“Ўв, ўртоқ Қалқоний, нега менинг боламга муаллим бўласан дедингиз? Ўғлим бечора неча кундан бери қаҳшаб йиғлаб юрибди”.

Мен ҳангу манг қотиб қолган эдим. Тилим аранг калимага айланди.

“Нега йиғлайди?! Нима, ёмон тилак билдирибманми?”

“Жўралари устидан кулиб юришибди экан. Нега ундай дедингиз? Болам кимдан кам, нега у муаллим бўлар экан!?”

Мен жўяли бир жавоб топгунимча Моҳигул қарғана-қарғана хонамдан чиқиб кетди.

Юрак бағрим зирқираганча хийла вақт ўтириб қолдим. Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди.

Ё, Худо, ўқитувчи бўласан дейиш ҳақоратми?! Нега шундай табаррук касбдан ор қилишади? Муаллим қачон уларнинг арпасини хом ўрди, қачон бировнинг оштобоғига қўл чўзди? Ё, ўқитувчи отнинг калласидай маош олиб, булар қуруқ қолишдими? Ўқитувчи дангиллама уйлар қуриб, гижинглаган машинада юрибдими? Ахир, ҳамма-ҳаммаси эл қатори-ку, йўғини яшириб, борини ошириб кун кўряпти-ку?! Ё, худо, ё, Фуломхон пирим, бу қандай нафрат, бу қандай кўргулик?

Ўша куни кечгача идорада биқиниб, шундай оғир ўйларга ем бўлиб ўтирдим. Умуман, мен мактабдан кеч қайтаман. Иложи бўлса, шу ерда ётиб қолсам, хувуллаган уйимга бормасам, дейман. Сўққабошнинг ҳаёти шу экан-да. Қизларим уй-жойли бўлиб кетишган. Кичик қизим кўшни. Шу бечора рўзгоримга қараб туради. Ну... барибир раҳматли хотинимнинг ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса босолмас экан.

Йўқ, мен нолимайман, мен йиғламайман. Аллақандай сентиментал кайфият бизга ёт. Мингта моҳигуллар аюҳаннос солиб, шангиллаб келишса-да, касбимга бўлган меҳримни сўндиролмайди. Ҳа, мен ўқитувчиман, муаллимман, бу касбим билан фахрланаман! Қолаверса, неча бир моҳигуллар ҳақорат деб биладиган, неча бир тўралар менсимай қарайдиган хизматда бўлишнинг ўзи жасорат-ку?!

Лекин қувончи кунларимиз ҳам кўп. Ўқитувчи ўз меҳнатининг мевасини кўрганда ўн ёшга яшаради, балқийди. “Меҳнатнинг меваси” деганда, ҳойнаҳой, уч-тўрт ойда аранг қўлга етиб келадиган маошни ўйласангиз, адашасиз. Муаллим меҳнатининг меваси бу – тиришқоқ, омадли ўқувчилар! Ўз ўқувчисининг камолини, обрў-эътиборини кўрган қайси муаллим лоқайд қўл силтаб қўя қолади? Ҳеч қандай. Мен шундай азамат кадрлар бизнинг мактабдан ҳам етишиб чиққанини мамнуният билан қайд этишим мумкин. Масалан, Қоржов полвон. Ҳозир у Қоржов Чоршанбиевич бўлиб кетган. Пойтахтда яшайди. Баъзи бировлар полвон шаҳарлик хотинининг орқасидан кўтарилиб кетди, деган сассиқ гап тарқатиб юришибди. Лекин бу фирт ёлғон. Қоржовжон ўзи омадли йигит, Хизр кўрганлардан. Яна бир фахрли шоғирдимиз – Дўланов Самад. У ҳам зўр бир илмий текшириш институтида ишлайди ҳозир. Қолаверса, Ватан учун ҳалок бўлган Умрзоқов Ўроқ ҳам бизнинг мактабда таълим олган. У ҳақда Улаш агроном шоир дoston битишга чоғланиб, баъзи бир сабабларга кўра режалари барбод бўлган эди. Улашбойни танисангиз керак-а? Кўзингиз тушгандир: хумкалла, тиканак соч, япасқи бурун, қоп-қора киши. Хув, аъробий биродарларни эслатиб юборади. У киши совхозимизнинг кичик агрономи, лекин катта шоири. Мен ҳазиллашиб “чўллик Пушкин” деб атайман. Ҳозирги кунда бу ижодкор Қоржов Чоршанбиевич ҳаётидан бир эпик асар ёзиш таралдудиди. Хуллас, ҳаёт-фаолияти минг бир дoston бўладиган шоғирдиларимиз талайгина. Яна бир такрорлайман, улар билан фахрланамиз, кўринганга мақтанамиз.

Ҳурматли терговчи, энди сизни қизиқтирган масалага ўтсак. Бу ёғи бир тушга ўхшайди.

Роппа-роса тўрт ойча аввал эди. Уч ойлик пахта ҳашаридан қайтиб эндигина ўқишни бошлаган кунлар. Дарсга кўнғироқ чалиниб, мактабнинг ичу ташида шовқин-сурон андак босилган бир пайт.

Мен хонамнинг эшигини ланг очиб, ўз ёзув столимда ишлаб ўтирибман. Пастки синфлар учун грамматикан кўргазма тайёрлаётган эдим. Синфхоналарда дарс ўтаётган муаллимларнинг паст-баланд товушлари эшитилиб турибди. Қай бир синфда мусиқа сабоғи бўлса

керак, рубобнинг тингиллаган саси қулоққа чалинади. Мен кўргазма билан банд бўлсам-да, мактабнинг йўлагини ҳушёр кузатиб турибман. Эшикни ҳам шунинг учун атай ланг очиб қўйган эдим. Тўғриси, дарс пайти бехуда санғиб юрган ўқувчию ўқитувчини жиним суймайди. Шунанқаларга кўзим тушса дарров тўхтатиб сўраб-суриштираман, жўяли баҳонаси бўлмаса озгина койиб, озгина эркалаб дарсга киргизиб юбораман.

Бир пайт бўсағамга бир шарпа кўндаланг бўлди. Шартга бош кўтариб қарадим. Қарадиму беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

“Тафтишчи-ёв?! – лип этиб ўтди хаёлимдан. Бундай ўй калламга бехуда урилмади. Ахир, бўсағада баланд бўйли, келишган, яп-янги, қимматбаҳо костюм-шим, оппоқ кўйлак кийган йигит турар эди. Юз-кўзларидан алланечук нур ёғилади.

– Ассалому алайкум, домла, – деди у кироат билан. – Киришга мумкинми?

– Келинг, келинг...

Кўзларимни нотаниш йигитдан узолмай қолдим. Ҳалиги... Ҳолливудми-ей, Голливудми-ей, деган жойларнинг киноартистларига ўхшайди. Кўзлари чақнаб турибди, лабларида нимтабассум. Ёши нари борса ўттизларда. Мени хаёл курғур ҳарёқларга олиб қочади.

Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да! Ким экан бу? Чет элликми дейман? Бизнинг овлоқ посёлкамизда нима қилиб юрибди? Ё ижарага жой излаб юрган талбиркормикан? Бирор кичик корхона очмоқчидир? Ана, туман марказидаги қайсидир мактаб шундай ишбилармонларга ўқув корпусининг бир бўлагини ижарага топшириб маза қилиб юришибди-ку! Раҳбарият ҳам ўшаларни мақтайди. Худо бизга ҳам “ол, қулим” деб, юбордимикан?!

Йигит мен ишора қилган стулга ўтириб қўлини кўксига қўйди.

– Узр, домла, безовта қилдим. Сиз директор бўлсангиз керак-а?

Мен ҳаяжон билан бош ирғаб, ўзимни таништирдим.

– Мен Нажот Файбулламан, – дея гап бошлади йигит. – Туман марказидан келдим.

– Хуш келибсиз, хуш кўрдик.

– Мен... – Нажот Файбулла бир оз каловланиб ерга қаради. – Мен иш излаб келдим. Ўқитувчиман.

“Фу-у...” – шу лаҳзадаёқ ҳафсалам пир бўлди-қолди; эс-хушим дарров жойига қайтиб, ҳадик-ҳаяжонлар тарқади-кетди.

– Мутахассислик қанақа, ука? – сўрадим раҳбарларга хос совуққонлик билан.

– Жуғрофия.

– Маълумот олийми?

– Олий.

– Илгари қаерда ишлагансиз?

– Икки йил пойтахтда ишладим. Сўнг оилавий ша-роитга кўра ўзимизнинг туманга қайтиб келдим. Бир йилдан ошди, бекорчиман.

– Нима, марказда иш тополмадингизми?

– Сўраб-суриштирдим, – Нажот Файбулла бир зум саросималаниб қолди. – Икки-уч мактабга кириб чиқдим. Жуғрофия ўқитувчиси керак эмас экан. Маориф бўлимидагилар шу ёққа юборишди.

Биламан, маорифдагилар йигитни бехуда бу ёққа юборишмаган. Улар бизнинг бош оғриқдан анча-мунча хабардор. Кўпдан бери жуғрофия муаллимига ялчимай юрганимизни жуда яхши билишади. Илгари бу фандан Райҳон муаллима сабоқ берарди. Ўрта-махсус таълимотли бу қизимизнинг сулувлигию хулқ атвори ҳам ўртаги-на. Совчиларни ўпоқ-сўпоқ, дея-дея охири қари қиз бў-

либ ўтириб қолган. Ана шу муаллимамизни малака оширишга юбордигу ундан айрилдик-қолдик. Вилоят марказидан қайтмади. Биров билан суюшиб қолиб кетди. Отанаси ими-жимиди тўй қилиб берди. Шу-шу жуғрофия ўқитувчисига зор-интизор эдик. Мана, ниҳоят кўнглимиздаги кадр ўз оёғи билан келди. Ишқилиб, Райҳоннинг ҳам, бизнинг ҳам бахтимиз очилгани чин бўлсинда, билимдон йигитга ўхшайди.

Шундай йилар билан Нажот Файбуллага синчков кўз ташлади.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа, — қимтинибгина жавоб берди йигит. — Яқинда фарзандли бўлдик.

Жавобдан кейин енгил тортдим. Бироқ ич-ичимдан галати бир ишонсизлик гимирлаб турар эди. Бу ишонсизлик Нажот Файбулланинг пўрим уст-бошига, келишган қадди-бастига, ирода ва виқор ёғилиб турган юз кўзига тикилиб-тикилиб қараганим сайин кучаяр эди. Охири, чидаёлмай яна сўрадим.

— Чини билан муаллимисиз, ука?

Нажот Файбулла костюмининг ён чўнтагидан ҳужжатларини чиқариб ёзув столи устига қўйди: паспорт, диплом, меҳнат дафтарчаси.

Ҳужжатларни бир-бир қўлга олиб, синчиклаб-синчиклаб кўздан кечирдим. Ҳаммаси рисоладагидек. Фақат фамилияси бироз галати туюлди: Файбулла. Файбуллаев бўлиши керак эди шекилли? Ё, бу ҳам ёзувчи-шоирларга ўхшаб “ов”, “ев”-қўшимчалардан воз кечдимикан?

— Биз мустақил миллатмиз, — деб қолди йигит дабурустан. Ҳойнаҳой, таажжубланганимни пайқаб. — Миллий мустақиллик энг аввал исм-шарифимизда бўлиши керак.

— Тўғри, — бош ирғадим мен ҳам.

Хуллас, Нажот Файбуллани ишга олмаслигим учун ҳеч бир асос қолмаган эди.

— Марказдан қатнаб ишламоқчимисиз?

— Ҳозирча. Кейинроқ кўрамиз, шу атрофдан бирор бир бошпана топилиб қолар.

— Агар ниятингиз холис бўлса, — дедим мен унинг ҳужжатларини қўлига тутқазиб. — Ишга оламиз. Лекин майнавозчилик билан бошни қотираётган бўлсангиз...

— Эс-хушим жойида, домила, — деди Нажот Файбулла алланечук ҳаяжондан энтикиб. — Ишонинг менга.

— Ўқитувчиликка қаттиқ қизиқасизми дейман?

Нажот Файбулла ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Муаллимлик жону дилим. Болалар орасида бўлишни жуда-жуда ёқтираман. Ишонинг, домла. Мана шу орзу мени бу ёққа бошлаб келди. Болаларсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман. Болалар менинг тақдирим. Улар билан юз соатлаб шуғуллансам ҳам чарчамайман. Ишонинг, домла.

Йигит ҳаяжон билан гапираркан, назаримда, унинг хушбичим юз-кўзидан чиндан-да нур ёғилаётгандек эди. Баландпарвоз гап-сўзлар ҳам унга алланечук ярашиб турарди.

Шундай қилиб Нажот Файбуллани ишга олдик. Жуғрофия ўқитувчиси. Навбатдан ташқари педкенгаш чақириб янги муаллимни мактаб жамоасига таништирдим. Нажот Файбуллани кўрган ўқитувчилар мендан баттар ҳайратланишди. Кўркем йигит эса қувончдан ял-ял товланиб, гоҳ бош ирғаб, гоҳ қўл бериб ҳамма билан саломлашиб, сўрашиб чиқди.

Ҳа, зўр кадрли бўлдик деган хаёлда эдим. Нажот Файбулла бир ҳафта ичидаёқ ўқувчиларнинг кўнглига кирди. Ўқитувчилар жамоаси унга ҳавасманд қарашарди. Янги муаллимни кўринганга мақтаб юрардик. Оқибати

бундай бўлишини қайдан билибман?! Атиги бир кунда ҳамма ишнинг пачаваси чиқди. Устига устак, худди атайлагандай, ҳужжатлари яна ўз қўлига тушиб қолгани-чи? Бунда анави тарихчи муаллимимизнинг ҳам айби бор. Анқов, ҳовлиқма. Мана, энди... қўлимизда Нажот Файбулланинг ҳеч бир ҳужжати йўқ. Афғ-башарасини ҳоҳлаганингизча таърифлаб беришим мумкин холос. Таваба, ҳаммаси тушдагидай.

Хурматли терговчи, билиб турибсиз, бу ерда менинг ҳеч қандай айбим йўқ. Холисман. Ҳамма-ҳаммасини мактаб учун, ўқувчилар учун қилдим.

* * *

(Улаш агроном-шоирнинг тушунтириш хати)

Уэр, “Портвейн” виносидан қоғозга икки томчигина томиб кетди. Мени танисангиз кераг-а? Шу совхознинг атоқли шоириман. Ёзганларимнинг хатоси бўлса, кечиринг, резинка билан ўчириш. А, қалай?

Хурматли терговчи, бир неча кундан бери мактабимизга қатнаб юрганингиздан хабарим бор. Ташрифингизнинг сабаблари ҳам каминага маълум. Шу нуқтаи назардан олиб қарасам, ҳақиқат қарор топишига ҳисса қўлишни ўз шарафли бурчим деб биламан. Ҳойнаҳой, каминанинг камтарин қораламаси бир гуруҳ муттаҳам муаллимларнинг тушунтириш хатлари орасига қандай тушиб қолганига қизиқаётган бўлсангиз керак. Э, сира сўраманг, бу ҳам бир ташвиш, юз грамм оқига чиқимдор бўлдик. Эрталаб мактабга келдиму Қалқонов муаллимга жиндек-жиндек куйиб бериб, гапга овунтириб, ёзув столи устига тахлаб қўйилган тушунтириш хатлари орасига ўзимникини тиқштириб қўйдим. Эс-дарди ичкиликда бўлган директор сезмай қолди. Ишончим комилки, биттикларим сизнинг муборак қўлингизга етиб боради.

Хурматли терговчи, сизга қуйидагиларни баён қилоқчиман. Аввало, манави муттаҳам Қалқонов муаллимнинг дийдиёларига ишонманг. Фирт ичкиликбоз. Неча-неча йиллардан бери директорлик лавозимидан тушмай, мактабни еб ётибди. Бунга керагидан ортиқ далилларим бор. Ўзимни улфат кўрсатиб кўп сирларини билиб олганман. Қалқонов муаллим — хотинбоз. Тўғрироғи, анча илгари шундай эди. Унинг ишқий саргузаштларга ишқибозлигини исботлаш учун бундан беш-олти йил аввал бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай. Зеро, ҳақиқат эскирмайди. (Хурматли терговчи, каминанинг қаламига мансуб ушбу ҳикматни ён дафтарчангизга кўчириб олишингизга қарши эмасман).

Хуллас, воқеа бундай бўлганди ўшанда.

Домла икковимиз баъзи бир ташвишлар билан туман марказига отландик. Ўша кунлар марказдан қатнайдиган автобус дом-дараксиз эди. Кутиш бефойда. Домла, давай, катта трассагача пиёда борамиз, у ердан бирор бир кўликка илашиб кетамиз, деб қолди. Жўнадик секин-секин, гурунглаши-иб. Катта йўлга етай-етай деганимизда олдимиздан бир аёл чиқиб қолса бўладими?! Ана аёлу мана аёл! Унинг таърифини фақат шоирларгина келтира олади: сап-сарик сочлари шалолалай қуйилган, кўм-кўк кўзлар, қалам қошлар ҳорғин-ҳорғин уюлган. Қўйлаги қўйлакмас бир парча латта, кесиб ташланган тиззадан шартта, оппоқ билак, оппоқ болдилар, юракларга кутқу солдилар...

Хуллас, аёл “привет” деди бизга жилмайиб. Қўлида катта бир сумка. Сўнг яна русчалаб бу ердан геологлар қўналғасига қандай бориш мумкин, деб сўради. Тушиниб турибман. Лекин тил қурғур ҳеч айланмайди-да, армия хизматида ҳам бир батолён ўзбек эдик, рус тили кўп керак бўлмаган-да. Ана, энди хўп зарил-да! Қани

энди булбулигүё бўлиб кетсанг! Шу пайт ёнгинамда рус тили ўқитувчиси қаққайиб тургани лоп этиб эсимга тушиб қолди. Ўртоқ Қалқоновнинг биқинига секин туртидим, “домилла, икки оғиз бир нима деворинг”, деб шипшидим. “Нима, сенга бу ер синфхонами”, деб тўнғиллаб берди домла, қарангки, унинг ҳам ранги оқариб кетган. Лекин без бўлиб, жим туриш ҳам мумкин эмас. Анови сулув жилмайибгина жавоб кутяпти. Охири Қалқонов ҳам тиржайиб “привет” деди. Сўнг кўлларини гоҳ геологлар томон, гоҳ посёлка ёққа пахса қилиб, силкита-силкита, оғзидан тупик сачратиб, тегиримондай гулдираб ўзича русчалаб алламбалолар дея кетди. Ҳалиги жувон эса андак чўчиб, андак ажабланиб домланинг оғзига анграйиб турар эди. Бир пайт домла гапини тугатар-тугатмас, “теперь, по русски обесни, пожалуйста”, деб қолса бўладими?! Қалқонов оғзини каппа-каппа очиб қолди. Бечора нажот излаб менга тикилди. Уялмасин деб гапни тўғриладим, “домла қўяверинг, ўзи гўзал бўлсаям, кулоғи кар экан”, дедим. Ҳалиги аёл гапимни эшитиб турган экан, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборса бўладими?! “Ве-ей, биласизми ўзбекча, гапиринг ўзбекча”, деб қолди-я бир маҳал! Қурғур, тилимизда булбулдай сайрар экан. Сўнг ҳаммаси маълум бўлди.

Маълумки, трасса ёқасидан қараганда геологлар посёлкамиз тубида жойлашгандай кўринади. Домлани анча-мунча қийнаб қўйган анави аёл ҳам автобус деразасидан қараб кела-кела, посёлкамиз биқинидаги узун-узун темир қурилмаларни кўриб, етиб келдим, деб ўйлаб, посёлка муюлишида автобусдан тушиб қолибди. Автобусда бирортасидан сўрамабди ҳам. Қараса, посёлка ҳам, геологлар кўналғаси ҳам жуда-жуда олис, адашдим, деб кўрқибди. Шу пайт посёлка йўлида биз кўришиб қолганмиз. Тўғриси, қурғур, шўх-шаддодгина экан! Айтганлари чинми, ё шунчаки ҳазилми билмадим. Хуллас, шоша-пиша бизга пешвоз юрган. Қараса, икки йўловчи ҳам туппа-тузук кийинган, ҳатто, бирининг қўлтиғида қалин чарм папка ҳам бор. “Сизларни геолог қидирувда ишловчи чет элликлардан, деб севиниб кетдим” деди аёл. Қурғур, домлани корейсга ўхшатибди, каминани эса... ҳа, майли бунинг аҳамияти йўқ. Хуллас, ўшанда Қалқонов муаллим ҳалиги аёлни етаклаб, ўз ишини ҳам унутиб геологлар ёққа йўл олди. Шу-шу ўша тараф қунаро қатнайдиған одат чиқарди. Бу ҳақда посёлкамизда хийла шов-шув бўлди. Ҳатто, уларнинг Кенг-сой даштида ачомлашиб юрганини кўрганлар бор.

Мана, сизга исбот. Мана, хотинбоз мактаб директорининг ҳақиқий башараси. У ҳозир ҳам қариб қуйилмаганлардан. Сезаман-да...

Мен сизга айтсам, ҳурматли терговчи, ушбу мактаб жамоасининг ҳаммаси ҳам бир гўр. Барчаси маънавий бузуқ, порахўр. Масалан, мактаб илмий мудири Норхол Хушбақовани олайлик. Анави юзида “индийский” холи бор, дўмбоққина аёл-да, танийсиз-а? Эри икки йил аввал Россияга кетиб қолган. “Тирикчилик курсин, хўжайиним пул топиш дардида сарсонгарчиликни бўйнига олди”, деган гап қилиб юрибди Норхой. Аслида-чи, эри ундан безиб кетган. Энди қайтмайди, айтишларича ўша ёқда бир гўзалга уйланиб олган эмиш. Ҳаммасига шу илмий мудирининг ўзи сабабчи. Ҳар хил мажлисларни баҳона қилиб марказга қунаро қатнайди, уйига кеч қайтади. Ёш бошига беҳуда илмий мудира бўлиб қолмаган бу, биламан-да.

Масалан, директор ўринбосари Боймурод серрига назар ташлайлик. Худо сал кам икки метрлик бўй берган, ҳунар-пунар деган нарсалардан ҳам қисмаган, лекин айнан муаллимлик укувини бермаган-да. Лекин бу

кишим ўқитувчилар. Алгебра, физика каби энг жиддий фанларни эгаллаб олган. Давлатнинг ойлигини қуртдек санаб олиб ётибди.

Умуман, ҳурматли терговчи, мактабда носоғлом муҳит бор. Қалқонов, Норхол, Боймуродлар ўзаро жинной гуруҳ. Ўқитувчи кадрлар етишмайди, деган баҳона остида дарс соатларини бўлиб олишган. Ҳали она сути оғзидан кетмаган, қай гўрдаги коллеж-моллежни амалтақал билан битириб келган қизларни ҳам ишга қабул қилган. Ҳаммаси шу уччовининг қариндоши, ҳаммаси кўрсавод.

Домла Хуррамович ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. У анақа... махсус идораларнинг хуфёна хизматида. Кўрқаман. Уни танийсиз-а: ёши элликлан ҳатлаб ўтган, сочлари меникидек сийрак, қировтус. Вазиятга қараб гоҳо шляпа, гоҳо дўппи кияди ва лек ҳеч қачон ялангбош юрмайди. Ҳойнаҳой, бор-йўқ эс-ақли бош кийимида, эсам гарансиб қолади. Кўзлари тарғил. Ранги униққан ёқаларидан қоп-қора галстуги ҳеч ечилмайди. Ўлсаям бир кун шу бўйинбоққа осилиб ўлишни ният қилган, шекилли. Бироқ домла ҳозирча дадил, ҳаётга хушёр қарайди. Саломат бўлсинлар.

Анчагина алжираб юбордим-ов, ўртоқ терговчи. Лекин мени маст деб ўйламанг. Илҳом учун аҳён-аҳён, қиттак-қиттак олишимни ҳисобламасак, мутлақо ичмайман. Шу сабаб ёзганларимга диққат қилишингизни элтмос қиламан.

Хўш-ш, устига устак мактабда дарсликлар етишмайди. Умуман, йўқ десам ҳам хато қилмайман. Бу кўргуликларнинг бошида совхозимиз директори Чинор Тоштемирович туришини сизга рўй-рост айтмоқчиман. (Узр, тагин уч-тўрт томчи вино қоғозга томиб кетди, минг бор узр) Чинор Тоштемирович – мутлоқ ҳоким, лекин кўрқоқ, каззоб одам. Кўрқоқ одам ёвуз бўлади! (Каминанинг қаламига мансуб ушбу ҳикматни ҳам кўчириб олишингизга розиман). Чинор Тоштемирович шунчаки золим, жоҳил. Ўз ҳукмидаги элдан кўрқали, кирдикорлари бир кун очилиб қолишидан чўчийди. Шу сабаб ҳеч кимни кўз очиргани қўймайди. Гапга етарман, каллали одамларни бадном қилади, қаматади, керак бўлса, ўлдириб юборишдан ҳам тоймайди. Чунончи, Умрзоқов Ўроқ аскарлик пайти одам ёллаб уни саранжомлатган. Чунки Ўроқбой катта институт талабаси, оққорани ажрата бошлаган зукко йигит эди. Афсус, орамиздан эрта кетди. (Ўртоқ терговчи, қаҳрамон ўлони-мизнинг пок хотираси учун жиндек ҳўллаб юборсам... Мана, сизнинг номингиздан ҳам яна қиттак).

Хўш-ш, мана шу баттол раҳбар дарслик китоблар келтиришга ими-жимиди қаршилиқ қилади. Болаларнинг ўқимишли, зукко бўлиб кетишини истамайди. Бир кун келиб ёшлар совхоз раҳбарлигига даввогар бўлмасин, дейди-да. Шунинг учун мактабни қаттиқ назоратда сақлайди. Юқорининг буйруғи деган баҳона остида болаларни пахта теришга ҳайдаб чиқади. Болалар икки-уч ойлаб далаларда қолиб кетади, мактаб бетини кўрмайди. Муаллимларни атай овора қилиб қўяди. Финг деганининг бошига маломат ёғаверади. Қалқонов муаллимга ўхшаганлар эса оч қорним тинч қулоғим қабилида иш юритади. Шунинг касридан ўқув ишлари ўрта сарсон. Ана шундай пайт Нажот Файбуллага ўхшаганларнинг қуни туғади. Жамоа орасига суқилиб кириб билган номаъқулчилигини қилади. Ўртоқ терговчи, Қалқонов ва унинг ҳамтовоқлари албатта сизга ўзларини оппоқ кўрсатиб ёзиб беришлари тайин. Аммо мен гарантия бериб айтаманки, ишқал ишга шулар юз фоиз айбдор. Масалан, Қалқонов муаллим Нажот Файбуллани пора эвазига ишга



жойлаган. Исбот шулки, нотаниш йигит пайдо бўлган куннинг эртасига қувонч билан шаталоқ отиб кетаётган Қалқоновни учратиб қолдим. “Улашвой, юринг, бир эрийман, кеча зўр ўқитувчили бўлдик”, деди. Ҳолбуки, қайси кундир чўнтагида хемири йўқлигидан, кимдан қарз ундиришини билмай, гарантсиз юрган эди. Энди эса эримоқчи! Демак, қайдандир тушим тушган. Нежаб-ки, Нажот Ғайбулла ҳиммат қилган бўлса?!

Нажот Ғайбулла деганлари балои азим экан. Тўғриси, уни кўриб менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Пўрим уст-боши, виқорли юриш-туриши қойил қолдирди. Марказдан мактабга яп-янги “Нексия”да қатнашига нима дейсиз? Зарранинг заррасича бизнинг муаллимларга ўхшамайди.

Ҳатто посёлка эли ҳам янги ўқитувчини томоша қилгани ҳар хил баҳоналар билан мактаб теварагида ўралашадиган бўлиб қолди. Мактаб жамоасини-ку, қўяверинг. Муаллимчалар пардоз-андоздан бўшамай қолишди, у ён ўтса ҳам, бу ён ўтса ҳам “Нажот ака, Нажот ака”лаб энтиқишади. Дуппа-дуруст ўқитувчиларимиз ҳам онаси ортидан атак-чечак одимлашни ўрганаётган бўталоклардек Нажот Ғайбуллага тақлид қилишга тушишди. Аммо йўл бўлсин! Чўнтагида тилла червон ўйнаётган кишигина янги муаллимга тақлид қилса арзийди.

Мен эмоцияга берилмайдиган, воқеаларни ҳолис, совуққон таҳлил қиладиган одамман. Шу сабаб янги ўқитувчига бошқалардек анграйган кўйи қолиб кетмадим. Нажот Ғайбуллани обдон кузатиб, у ҳақда ўзимча хулосалар ясадим.

Нажот Ғайбулла қандайдир бойваччанинг тўқликка шўхлик қилиб юрган арзандаси. Авантюрист. Бунақаларни кино ва романларда кўп учратамиз. Улар ота-оналарининг бойликларига қаноат қилмай ҳар хил саргузаштлар иштиёқида юришади. Нажот Ғайбулла ҳам худди шундай. Муаллимликка кўнгилашлари суст кетган. Шу йўл билан ёш ўқувчи қизларнинг бокира юрагини забт этиб, ишқий майнавозчиликлар қилмоқчи бўлган.

Мана, нақадар тўғри хулосага келганимни ҳаётнинг ўзи кўрсатди! Яхшиям катта фалокатларнинг олди ўз вақтида олиб қолинди.

Ҳурматли терговчи, каминаи камтариннинг битиклари сизга асқотиб қолса ғоят мамнун бўлардим. Гапларим тухмату бўхтондан, ёлғон-яшиқдан холи. Эс-хушим ўзимда. Кўзим тиниб бошим айланаётгани, қўлимнинг қалтираши ҳаяжоннинг зўридан, холос. Бошқа хаёлларга борманг тагин. Мабодо зарурат чиқса бемалол чақиртиринг. Камина учиб боражак. Сизнинг чорлашингизга умид боғлаб ҳозирча ёзганларимга имзо чекмай тураман. Узр.

Дарвоқе, икки оғиз ўпка-гина қилишга рухсат берсангиз. Мен бундан хийла илгари мактабимиз муаллимлари Норхол ва Боймуроднинг гайри ахлоқий саргузаштлари ҳақида идорангизга тўрт энлик хат ташлаган эдим. Негадир ҳали-ҳануз жавоб бўлмади. Анови ўқитувчилар сўроқ-терговга тортилмади. Ё фурсат тополмадиларингизми? Мана, ўз оёғингиз билан мактабимизга келиб қолибсиз, балки ушбу долзарб масала юзасидан ҳам текширув ўтказарсиз? Умидларим катта. Қимматли вақтингизни ўғирлаганим учун яна бир карра узр сўрайман.

* * *

(Мактаб илмий мудираси Норхол Хушбоқованинг тушунтириш хати)

Уф-ф, бир камим тушунтириш хати ёзиш эди. Хўш, нимани тушунтирай? Ҳали ўзимга ҳам тушунуксиз, чигал турмушим, касби-корим ҳақида нима ҳам дейи-

шим мумкин? Бир пайтлар отам раҳматлик пединститут қошига етаклаб бориб, “Қизим, муаллимчиликка ўқий қол, аёллар боп иш, тўртта болани алдаб юраверасан”, деган эди. Афсуски, «тўртта ўқувчини алдаш» билан иш битмас экан. Мана, ёзув столим устида уюму юмуш кутиб ётибди: дарслар тақсимотини қайта кўриб, жадвални ўзгартиришим керак, туман ҳокимиятига, маориф бўлимига алоҳида-алоҳида ҳисобот тайёрлашим зарур. Ҳисоботда ўтган чорак якунлари, янги сининг режалари икир-чикрларига ақс этиши талаб этилган. Бундан ташқари, шу ой ичида қабул қилинган ҳукумат қарорлари асосида деворий газета тайёрлаб мактаб залига осишим керак. (Иложи бўлса ёнига ўзим-ниям)... Булар бугундан қолдирмай қилишим зарур бўлган юмушлар. Эртага яна қанча қоғозбозликлар ку-таётганини айтсам, ручкамнинг сиёҳи тугаб, қоғозларим адо бўлади.

Йўқ, мен тушунтиришим хати ёзмайман. Дабдрустан шундай қарорга келдим. Шоир айтгандай, юрагимни юлиб шундоққина қоғоз устига қўя қоламан. “Мактабнинг обрўсини ўйланглар, ўзларингизни эҳтиёт қилглар”, деб устоз Қалқонов неча-неча марта тайинланган бўлсалар-да, барибир кўнглимдагини ёзмасам чидаёлмайман.

Устига устак, ҳурматли терговчи, ўзингиз мени бир чеккага тортиб: “Хушбоқова, устингиздан шикоят хати тушган” дедингиз. Шикоят мазмуни билан қисқача таништирдингиз. Аъзои баданим музлаб кетди. Сиз аҳволимни пайқаб, ўзингизча юпатган бўлдингиз, аммо юмшоқлик билан кўшиб кўйдингиз: “Узр, шу масала хусусида ҳам алоҳида тушунтириш ёзиб беринг”.

Йўқ! Бунақа масалалар юзасидан алоҳида ҳеч нарса деёлмайман. Шу ёзганларим етарли бўлар, ҳойнаҳой.

Нажот Ғайбулла ишга қабул қилинган, бир ҳафта ичидаёқ мактабни сеҳр-жодуга кўмиб ташлагандай бўлди.

Устида ҳамиша оппоқ кўйлагу қоп-қора костюм, гулдор галстук. Қуюқ сочлари ювиб, орасталанган. Юзларида виқор, лабларида ниматабассум. Аввал бошида ўқитувчиларимиз Нажот Ғайбуллага нописанд, масхараомуз муомалада бўлдилар. “Худди тўйга келгандай кийинишини-чи” дейишарди энсалари қотиб. Кейинчалик ҳамма-ҳаммалари янги муаллимга қизиқсиниб-қизиқсиниб, андак ҳасад андак ҳавас, андак кўрқув ва андак ҳайрат билан қарашадиган бўлишди.

Нажот Ғайбулла дарсларга ўз вақтида етиб келар эди. У ичкари кираётган чоғ, назаримда, “Ўқитувчилар хона”сининг ёғсираб қолган эшиги одатдагидек аянчли гийқилламас, у қадам босган пайт, эски пол одатдагидек гичирламас эди.

— Ассалому алайкум!

Нажот Ғайбулланинг қироатли саломи давлат мадҳиясидай жанрлаганиданми хонадаги ўқитувчилар беихтиёр ўринларидан кўзғалиб, қўл бериб кўришишга чоғланишарди. Нажот Ғайбулла гўё йўқсиларга эҳсон улашгандай, ҳар бир ҳамкасабанинг илкани эҳтиром билан бир-бир ушлаб, самимий сўрашиб чиқар, сўнг устидаги қимматбаҳо, чарм камзулини бурчакдаги илгакка илардию кўзгу ёнида апил-тапил сочларини тараб, у ёқ-бу ёғини саришталаб оларди. Узундан узоқ телесериални ҳормай-толмай муҳокама қилаётган ўқитувчиларнинг ўз-ўзидан саси учиб, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона янги муаллимни кузатишар, гўёки қизиқарли, ҳаяжонли томошанинг галдаги қисми шундоққина кўз ўнглирида давом этар эди.

Бир куни Нажот Ғайбулла дарсга анча кечикиб қолди. У сабоқ бериши керак бўлган синф болалари одатдаги-

дек қий-чув кўтармай синфхона эшигидан умидвор-умидвор қараб қўйишар эди. Қалқонов муаллим ҳам безовта-ланиб мактаб ҳовлисига чиқди. Мен янги муаллимни боплаб қойишга баҳона топилганидан хурсанд. Бир пайт Нажот Ғайбулла ўз “Нексия”сида тўппа-тўғри ҳовлига кириб келди.

– Кечирасизлар, кечикиб кетдим, – деди у машинасида шоша-пиша тушиб.

Эндигина аччиқ-тиззиқ гапларга оғиз жуфтлаган мактаб директори ҳангу манг қолди. Унинг кўзи туйқус машина салонига даста-даста тахланган китобларга тушган эди.

– Нима опкелдингиз? – сўради у аранг.

Нажот Ғайбулла кулиб машина багажини ҳам очиб юборди. Багаж ҳам китобга лиқ тўла эди.

– Дарсликлар, устоз, – деди янги муаллим мамнун. – Ҳаммаси ўзимизга.

Мен ўқитувчини бетоқат кутаётган болалардан уч-тўрттасини ҳовлиққанча ҳовлига бошлаб чиқдим.

Қалқонов муаллим ҳам ҳаяжондан, ҳам ҳадикдан энтикиб деди:

– Буларни ҳозирча менинг хонамга киргизайлик. Кейин... кейин гаплашамиз.

Директорнинг кабинети китобга тўлиб кетди.

Нажот Ғайбулла ўқувчилар изидан синфхонага ошиқаркан шоша-пиша тушунтирган бўлди.

– Вилоят марказидан опкелдим. Шунақа махсус фонд бор.

Директор иккимиз гоҳ бир-биримизга, гоҳ уюм-уюм китобларга тикилганча қолавердик. Икковимиз ҳам таажубдан танг қотганмиз.

– Қизиқ, – деб гудранди Қалқонов муаллим. – Қанақа махсус фонд? Ҳеч эшитмаган эканман, ё, сенинг хабаринг борми, Норхол?

Мен ҳам бош чайқаб елка қисдим. Ўқув йили бошида туман маориф бўлимидагилар ҳар бир синф учун атиги беш-олтита дарслик ва беш-олти оғиз пўписа берганди: “Улушларинг шу. Финг-шинг билан шикоят қилиб юрганларингни эшитмайлик. Фонд тамом. Қолганини бозор-мозордан сотиб оласизлар”.

Биз икки ўт орасида қолдик. Хўш, эрта-индин муқаррар келадиган тафтишчилар, “Дарсликларни қайдан олдинглар” деб сўрашса нима деб жавоб берамиз.

Танаффус пайти Нажот Ғайбуллани директор икковимиз яна ўртага олдик. Мен ўтиб-қайтаётган ўқитувчиларнинг китобларга кўзи тушмаслиги учун эшикни зичлаб ёпиб қўйдим.

– Тўғриси айт, болам. Қаердан опкелдинг буларни? – деб сўради Қалқонов муаллим.

Нажот Ғайбулла хотиржамлик билан ўша гапларини қайтарди.

– Айтдим-ку...

– Туман раҳбариятидан биров-ярим сўраб қолса, бундай деёлмаймиз.

– Нега, устоз? Болалар дарсликли бўлганини эшитиб хурсанд бўлишди-ку?

– Йў-ўқ... Бошимизда ёнғоқ чақишади. Вилоятга арз қилиб боргансанлар, дейишади.

Мен ҳам ўзимча фикр билдирган бўлдим.

– Яхшиси, пул йиғиб бозордан опкелдик деймиз.

– Йўқ, – директор жаҳл билан ёзув столига муштлади. – Бўлмайди. Ҳар бир ўқувчи, ҳар бир муаллимга қандай тушунтириб чиқасан буни? Бирортаси оғзидан гуллаб қўйса, тамом.

Нажот Ғайбулла гуноҳқорона тарзда китобларга термулиб ўтирарди.

– Бирорта тадбиркор ҳада қилди деган қоғоз тўғриласак-чи? – деди Қалқонов муаллим чехраси андак ёришиб. У қисик кўзларини пирпиратиб бир менга, бир янги муаллимга тикилди.

Охири шу қарорга келдик. Ўша куниеқ катта танаффус пайти ўқитувчилар ўртасида савобталаб бир тадбиркор мактабимиз учун дарслик китоблар ҳада этгани ҳақида гапирдим.

– Эҳ, отасига раҳмат, – деб юборди Эшболта ака, кекса бошланғич синф ўқитувчиси. – Болажонлар жуда қийналиб юрганди-да.

Тагин бир бошланғич синф муаллимаси – Нозима чинқириб ўрндан туриб кетди.

– Дарсликлар?! Энди дарсликлар бўйича ўқитамизми?

– Э, чинқирма-е, – дея жеркиди уни Боймурод ака. – Нима, ҳалиям ойнага қараб-қараб ўқитмоқчимисан?

Боплади. Мен Боймурод акага миннатдорона бош ирғадим. У киши жилмайиб қўйди. Тўғриси, шу қиз менга ҳам сира ёқмайди. Балки илмий мудирга бунақа гап ножоиздир. Лекин барибир кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди-да! Унинг семиз, дум-думалоқ бичимига қарасам нафасим бўғилиб кетаверади.

Нозима бундан атиги икки йилча илгари шу мактабни аранг битириб кетган эди. Онаси тилли-жағли, шатта аёл. Бизда фаррош. У ёққа чопди, бу ёққа чопди, охири қизини аллақердаги педколлежга ўқишга киритди. Сўнг яна зир-зир югуриб, гоҳ ҳокимиятга, гоҳ прокуратурага арз қила-қила Нозимани тагин қўлимизга эсон-омон топширди. Бошланғич синф муаллималигини беришга мажбур бўлдик. Мен бир гал онасига алам билан юзланиб: “Нозима гирт саводсиз-ку? Болаларнинг уволлига қоласиз-а?!” дедим.

Фаррош аёл пинагини ҳам бузмади: “Яхши-да, қайта ўқиб олади, ўргилай...”

Хуллас ўша катта танаффус пайти тадбиркорнинг ҳадяси тузуккина муҳокама қилинди. Фақатгина домла Хуррамович гап-сўзларга аралашмай, тиришган башараси баттар тиришиб Нажот Ғайбуллани синчков-синчков кузатиб ўтирарди. Ўқитувчиларнинг кўписи дарсликларга ялчиб қолганимиздан қувониб, номаълум савобатпешани астойдил алқашди.

– Курумсоққина бойвачча экан-да, – деди кимё муаллимимиз Салимахон муҳокамага яқун ясаркан. – Пулгинасини қўлимизга бериб қўйса, ўзимиз олардик-да шу китоб-питобни.

Салимахон куйинчак, талабчан муаллимаю лекин “кимё” деганда кўпинча соч-тирноқ бўяшни тушуниши чатоқ, (Аёл-да) Билими ҳам ёмон эмас. Пойтахтда ўқиган, қип-қизил диплом эгаси. Баъзи бир мақтанишларига қараганда, амалиётни “Гўзаллик салон”ларида ўтаган. Энг ёмони, иш юзасидан озгина койисак, Салимахон дарров маориф мудирга югуриб боради. Шу боис фаол, интилувчан муаллима сифатида раҳбарият ҳам уни жуда яхши танишади.

Хуллас, ҳада дарсликлар шу куниеқ ўқувчиларга ими-жимиди тарқатилди. Сабоклардан бўшанқилигига китоб йўқлигини баҳона қилиб юрган болаларнинг пешоналари тиришиб кетди.

Бироқ китоб тўла машинани кўрганимиздаёқ ичимизга кириб олган ваҳима барибир бизни тарк этмади. Директор ҳам мен ҳам гўёки игна устида юрардик. Халларимиз бесаранжом. Йўқ, беҳуда азият чеккан эканмиз. Ўша ҳафта туман марказидан келган тафтишчилар тўпи туйқус ўқувчилар қўлида пайдо бўлиб қолган дарсликларга эътибор ҳам бермади. Хавотирдан терлаб турган Қалқонов муаллим бекордан-бекор уч шиша ароққа,



уч коса шўрвага чиқимдор бўлди. Дарсликларнинг қайдан, қандай пайдо бўлгани эса жумбоқлигича қолаверди. Директорни билмадим у мен шу сиру синоат ҳақида тинимсиз ўйлардим. Икки-уч марта Нажот Файбуллани чеккага тортиб гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил-хузил билан сўраб-суриштиришларим ҳам ҳеч наф бермади. Янги муаллим ўзига ярашиқли ҳамшиаги табассумлар билан тагин ўша гапида туриб олди: “Вилоятдаги махсус фонддан келтирдим...”

Йўқ, дарсликлардан сўнг ҳам “махсус фонд” машмашаси ҳали тугамаган экан!

Нажот Файбулла бир куни баҳайбат телевизор, алламбало видео ашқол-дашқоллар келтирди. Бунгача ҳам у жуғрофия кабинетини мисоли музей ясантирган, жиҳозлаган эди. Деворларда турли-туман харитаю кўргазмалар плакатлар. Стол устида селитрага бўккан улкан тарвуздай глобус. Ҳар бир партада иккитадан семиз, рангли китоб. Китобни варақласангиз дунёнинг бу чеккасидан кириб нариги тарафидан чиқасиз. Хонанинг у ербу ерига улкан кема ва самолёт макети қўйилганки, гўё шу транспортларда саёҳатга чоғлангандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Мана, шунча сеҳру жодуси етишмагандай Нажот Файбулла тагин ҳаммамизни ҳангу манг қолдириб телеаппаратуралар келтирди. У гаройиботларини жуғрофия кабинетига жойлаштираркан, ҳаяжону қувончдан энтикарди.

— Ҳаммаси болаларга! Ана энди дарс-дарсдай бўлади-да.

“Дарс-дарсдай бўларканми?! — ўйлардим мен гангиб.— Шу пайтгача унинг дарслари қанақа эди?”

Биз — мактаб раҳбарияти янги муаллим ишга келгандан бери унинг сабоқларини тез-тез кузатиб турардик. Бир гал ўзим расмий текширувчи сифатида синфхонага кириб орқа партага жойлашдим.

Ўқувчилар ўз ўринларида учишга шайланган қушлардек сергак ўтиришибди. Ҳамма Нажот Файбуллага хурмату эъоз билан тикилган. Синфхонада пашша учса билинади.

— Тинч океани дунёдаги энг катта уммон.

Нажот Файбулла қўлидаги синф журналию китобдафтарларини стол устига қўяр-қўймас томдан тараша тушгандай дарс бошлаб юборди.

Одатда биз ўқитувчилар синфхонага киргач, ўн-ўн беш дақиқа гала-говур, пичир-пичирларни тинчитиш билан овора бўламиз. Сўнг синф журналини очиб узундан-узун йўқлама ичида хийла вақт йўқолиб кетамиз. Кейин ўтган сабоқ юзасидан сўроқ-тергов бошланади. Тайин гапки, дарс тайёрламай келган ўқувчи унча-мунча партизандан баттар, миқ этмай тураверади. Хуноб бўлиб уни койиб-жеркиймиз. Икки-уч шунақа қайсарлар билан олишувдан сўнг ўзимизнинг тинкамиз қуриб, асабаримиз қақшайди. Буёғи танаффусга яқин. Шоша-пиша янги дарсни бошлаймиз. Ўқувчиларнинг беадоқ шивиршивир, пичир-пичирига қориштириб консепт қилиб келганларимизни амал-тақал билан айтиб берамиз.

— Тинч океани дунёдаги энг катта уммон!

Нажот Файбулланинг сокин, соҳир овози синфхона бўйлаб сирли-сирли кезинади. Ҳаммаёқ тинч уммонига фарқ бўлгандай жим-жит. Янги муаллим аҳён-аҳён доскага зарур рақаму атамаларни ёзиб қўяди, гоҳ стол устидаги глобуснинг керакли нуқталарига ишора қилади. Ўқувчилар аллақачон синфхонадан “учиб” кетишган. Улар устозларига қўшилиб олис-олис ороларда, сув дунёсининг гаройиботлари ичида сайр этиб юришибди.

Қўққис танаффусга қўнғироқ чалинди. Қўнғироқнинг беаёв чинқириви ҳамма-ҳаммани олис чўл посёл-

касининг овлоқ қўйнига яна қайтариб келди. Шундагина мен ҳам ўқувчилар сафида эканимни пайқаб қолдим. Ҳатто қулоқларим остида хийла вақт палма дарахти шовуллаб турди, уммон сувининг шўр таъми томоқларимни куйдириб ўтгандай бўлди. Бунақа аччиқ таъм одатда ич-ичимдан ўксиб йиғлаганим чоғ пайдо бўлади.

Наҳотки мен ўксидим?Нега?! Янги муаллимдай дарс беролмаслигимни англаб етдимми?

Текширувдан дилгир ва асабий кайфиятда чиқдим. Қалқонов муаллим дарров хузурига чорлади.

— Қалай?

— Ёмон.

— Нега?

— Ростданам дарс ўтаркан.

Қалқонов муаллим ерга қаради. Мен дераза ортида ястанган тип-тиниқ осмонга тикилдим.

— Хафа бўлма, — деб гап бошлади директор чуқур бир тин олгач. — Сизлар ҳам яхши муаллим. Баҳоли кудрат ўқитяпсизлар-ку?

— Бу бошқача-да.

— Нажотнинг шароити тузук шекилли. Кўриб турибмиз, моддий жиҳатдан ҳам бақувват. Бунақа бўлгандан кейин фақат дарсни ўйлайди-да. Ўз устида ишлайди. Сизлар ҳам...

Қалқонов муаллим гапини ичига ютиб яна ерга айбдорларча тикилди.

Мен томоқларимда тагин денгиз шўрини туйдим у беихтиёр ташқарига отилдим.

Шундай қилиб, Нажот Файбулланинг телеаппаратуралари яна бизни таҳликага ташлади. Гоҳ директор, гоҳ мен янги муаллимни сўроққа тутдик.

— Қаердан олдингиз бунақа қиммат нарсаларни?

Жавоб яна одатдагидай бўлди:

— Вилоят марказидан. Махсус фонд.

— Ўв-в... — Қўққис пайдо бўлган домла Хуррамович терговга аралашди. — Сен бола нега майнавозчилик қилиясан? Қанақа махсус фонд? — азбаройи жаҳдан Хуррамовичнинг сариқ қоппамали тишлари орасидан тупук сачради. — Хат-пати борми бу матоҳларнинг?

Нажот Файбулла хотиржам кулди.

— Устозлар, кечирасизлару... лекин фирт дунё беҳабар экансизлар. У ерда ҳеч қанақа қоғозбозлик йўқ. Шундай борасизу мактаб номидан ариза берасиз. Улар дарров компютер орқали текширишади. Ростданам мактабимизга шу нарсалар берилмагани аниқланса, тамом. Узр сўрашиб, икки соат ичида аризангизни ижобий ҳал қилиб беради. Керакли ҳужжатларни ўзлари тўғрилаб қўйишаверади. Улар ўқитувчиларнинг вақтини ўғирлаб, сарсон қилиб қўйишни жиноят деб ҳисоблашади.

— Текширамыз ҳали, — деб тўнғиллади домла Хуррамович чиқиб кетаркан. — Эртақ-чўпчагингни катта холангга айт.

Қалқонов муаллим ботинолмайгина деди:

— У ёқларга боришдан аввал сал-пал маслаҳат қилгин-да.

Нажот Файбулла бош чайқай-чайқай жилмайиб дарсга кетди.

Директор ва мен яна бир-биримизга таажжуб билан тикилдик.

— Чинмикин-а?..

— Билмадим...

— Чинга ўхшайди, — Қалқонов муаллим кўпни кўрган қарияларга хос мулоҳаза қила бошлади. — Ўз пулига сотиб олиб келса дарров кўкрагига урарди, мактаб учун ундоқ, мундоқ қилдим, деб дунёни бошига кўтарди. Йў-ўқ сотиб олмаган. Ё, ўғрилаб келдимикин-а?

Йў-ўқ, мактаб учун жонини хатарга қўйиб зарилми унга?! Норхол, шу боланинг гапи рост.

Ниҳоят, Нажот Файбулла бизни енгди. Аллақерда мактабларнинг хизматига ҳозир нозир, ўқитувчиларни сарсон қилишни жиноят деб биладиган махсус жамғарма борлигига ноилож ишондик.

Кунлардан бир кун янги муаллимнинг ишлари туман раҳбариятининг назарига тушди. Совхоздаги маънавий-маданий тадбирлар режаси билан танишиш учун келган ҳокимият вакили маънавий-маданий объект сифатида мактабимизга ҳам бош суқиб ўтган эди. Биз анчагина шошиб қолдик. Лекин вақилга Нажот Файбулла ясангириб қўйган кабинетни мамнуният билан кўрсатдик. Текширувчи бу ерда хийла вақт ивирсиб қолиб кетди. Янги муаллим қай гўрлардан топиб келтирган антиқа-антиқа жиҳозларни қизиқиб-қизиқиб томоша қилди. “Зўр дам олиш хонаси бўпти-да”, — деб хулоса ясади охири бизни тарк этаркан.

Ҳокимият вакили келиб кетгач, уч-тўрт кун ўтиб директор икковимизни туман маориф идорасига чорлашди. Бу чорловнинг бир баласи борлигини пайқаган тажрибали педагог Қалқонов бетоблигини баҳона қилиб марказга бормади. Ноилож Боймурод ака билан кетдик.

Маориф мудирини Эркабоев бетоқат кутиб турган экан.

— Бу нима гап, ҳамкасблар?! — дея аюҳаннос солди у стол муштлаб. — Нега мен билишим, шахсан бошида туришим керак бўлган ишларга ҳокимият вакили аралашиб юрибди?!

Кундоши кийиб ўзи қуруқ қолган аёлдай куйиб-ёнаётган маориф мудирининг ёзғиришларидан алланеларнидир гира-шира англаб етгандай бўлдик.

Ҳокимият вакили ўша кунийёқ ўзини ҳайратга солган жуғрофия кабинети ҳақида шахсан туман ҳокими га маълумот берибди. Албатта, маълумотда ушбу ҳайратанарли ишларда ўзини бош-қош ташкилотчи деб камтарлик билан кўрсатиб ўтган. Ҳоким эса маънавий-маданий тадбирлар юзасидан вилоят ҳокимиятига тайёрлаб ўтирган ҳисоботига жонкуяр вақилнинг маълумотномасини ҳам қистириб юборибди. У ёқда маънавий-маданий тадбирлар, мактаб ишлари бўйича жонкуяр кадрга зор бўлиб туришган экан, шекилли, жуғрофия кабинети учун фидоийлик кўрсатган вақилни дарҳол чақириб олишибди. Қарабсизки, уч-тўрт кун аввал аллақандай тадбирлар режаси деб овлоқ посёлкада сарсон юрган вақил вилоят ҳокимиятида бир бошқарма бошлиғи!

— Сотқинлар! Ичи қоралар! — деб ҳануз оҳ-воҳ чекарди Эркабоев. Охири у улоқни олдирган чавандоздай курсисига беҳол суяниб қолди. Уф кетидан уфлар тортиди. Бироз ўзига келгач менга юзланди. — Ўртоқ Хушбоқова, нега ҳисоботларда манави янгилик ишлар ҳақида лом-мим демагансиз?

Мен ҳам, Боймурод ака ҳам худди никоҳ ўқилаётгандек ерга тикилдик. Нажот Файбулланинг ибратли ишларини кўз-кўз қиладиган ҳисобот тайёрламаганимизнинг сабаблари ўзимизга аён. Сирли муаллимга биз келган кунидан бери шубҳаланиб қарардик. Унинг афт-ангориди, уст-бошида, иш фаолиятида алланечук бегоналик бор эди. Ана шу бегоналик бизни ҳуркитиб турарди. Биз Нажот Файбуллага ишонмасдик! Масалан, мен ҳаммаси туш, ҳозир уйғонаману барча машмашалар тугайди, ниҳоят, енгил тортаман, деб ўйлардим. Ҳатто, Қалқонов муаллим ўзини бир-икки дўхтурга кўрсатиб келди. Йўқ, ҳаммаси жойида экан. Ҳеч қанақа савдодийлик аломатларини пайқашмабди. Лекин тан олиш керак, Нажот Файбулланинг ҳайратомуз иш фаолияти

бутун дунёга жар солгулик эди. Биз директор билан келишиб, ҳис-ҳаяжонга берилмасликка, янги муаллимга нисбатан бироз совуққон бўлиб туришга қарор қилдик. Шу сабаб унинг кўрган кўзни, эшитган кулоқни қувонтирадиган иш фаолияти тўғрисида ҳисоботда лом-мим демаган эдим.

Хуллас ўша кунни маориф мудирини таъзимимизни берди. Судракланиб ташқари чиққанимизда хийла кеч бўлиб қолган эди. Кун совуқ. Гоҳ у, гоҳ бу йўловчи машинага илашиб амал-тақал билан посёлкага етиб келдик. Анчагина йўлни яёв ҳам босдик. Қоронгулик куюқлашиб борарди. Мен кўрққанимдан Боймурод аканинг иссиқ қўлларидан ушлаб олганман. Хийла яёв юганимизданми ё алланечук ҳаяжонданми тобора исиб кетмоқда эдим.

Боймурод ака кутганимдек ҳамишаги гапини бошлади.

— Норхол, — деди у товуши титраб. — Юр, бу ерлардан бош олиб кетамиз. Сени бошимда кўтариб юраман. Биз бахтли бўламиз. Мана, кўрасан...

Мен у кишини ҳамишагидек койидим.

— Қўйинг, бунақа гапларни, Боймурод ака. Икковимиз ҳам оилали, бола-чақалимиз. Янгам бошингизда парвона, яна нима керак сизга? Қўйинг, мени қийнаманг. Бизларга ярашмайди бунақа гаплар. Ўқитувчи номимиз бор-а. Қўйинг.

— Қўймайман, — деб энтикди Боймурод ака. — Нима, бола-чақали одамга севиш-севилиш мумкин эмасми? Ўқитувчининг юраги йўқми, муҳаббатга ҳаққи йўқми унинг! Норхол, кўрқма, маломатлардан чўчима, одамлар учун яшамаймиз-ку, ахир?! Икковимиз кетамиз, Норхол. Эринг барибир энди қайтмайди. Менинг... менинг болаларим дастёр бўлиб қолган. Оналарини ёлғизлатиб қўйишмас. Бир кун мени тушинишар...

Мен Боймурод аканинг иссиқ қўлларидан силтаниб чикдим. Қоронгулик қўйнига чошиб кетдим. Алланарса денгиз шўридай томоқларимни куйдириб-куйдириб келарди.

Ҳурматли терговчи, сизни қизиқтирган ўша юма-лоқ хат юзасидан ёзганларим шу. Алоҳида ҳеч нарса деёлмайман. Мени тушунасиз деган умиддаман. Янги муаллим билан боғлиқ машмашалар юзасидан эса истаганингизча ёзаман.

Хуллас, бизни чақириб адабимизни берган куннинг индинига Эркабоевнинг ўзи бир неча мулозимлари билан етиб келди. Янги муаллим ясангириган хона унда ҳам чуқур таассурот қолдирди.

— Бу кабинетни кўз қорачигидек асранглар, — деди у йиғилиш ўтказиб. — Районога комиссия келса намуна-ли ўқув хонаси сифатида шуни кўрсатамиз.

Мен гап орасида Нажот Файбулланинг дарс услубини мактаб, мудирни кузатувчиликка таклиф этдим. Бироқ ўша кунги алам-изтиробини ҳануз тарқаманган Эркабоев қайнаб кетди.

— Қуруқ гап керак эмас, Хушбоқова! Ҳисоботда кўрсатинг, ҳисоботда. Ўқитувчингиз ўз дарс режалари асосида методикасини ишлаб чиқиб районога тақдим этсин. Албатта, бисмиллосиям, фотиҳасиям кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан бўлсин. Хуллас, шу қоғозларни тайёрламасдан мени ҳеч қанақа мўъжизага ишонтир-ролмайсиз. Тушунарлими, ўртоқ Хушбоқова?

Тушундим. Эркабоев жўнаб кетгач, мудирнинг талаб ва хоҳишини Нажот Файбуллага етказдим. Бир пайт янги муаллимнинг ранг-рўйи бўзариб тўрга тушган балиқдек типирчилаб қолди. Фулдираб-фулдираб тушунтиришидан анладимки, ҳаммани ҳайратлантириб юрган бу сирли муал-



лим на ҳисобот ёзишни, на режа тузишни биларкан! Мен уни ниҳоят камчилигини топганимдан қувониб кетдим.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан хабардор-мисиз ўзи? — сўрадим қизиқсиниб.

Нажот Ғайбулла бўшашибгина ерга қаради.

Мен аччиғимни аранг босиб яна ҳужумга ўтдим.

— Таълим бўйича чиққан кейинги икки қарор билан танишмисиз?

Нажот Ғайбулла гоҳ қизариб, гоҳ бўзариб бош чайқади: тамом беҳабар.

— Ҳисобот ёзишни билмасангиз, — деб гапга аралашди Қалқонов муаллим меҳрибончилик билан, — ишингиз кўринмайди, болам. Анави ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқинг. Эсам бирон текширувчининг олдида уялтириб қўясиз.

Мен янги муаллимнинг қусурини топганимдан қанча қувонган бўлсам, унинг фавқуллода ростгўйлигидан шунча жигибийрон бўлдим: “Нега ҳаммасидан хабардорман деб қўя қолмади?! Ким текшириб ўтирибди унинг билар-билмаслигини? Менми? Қалқоновми ё Эркабоевми? Умуман, шунанга долзарб ҳужжатни бекаму кўст ўрганиб, ҳузурланган кас борми? Нега ҳеч қайсимизга ўхшамайди Нажот Ғайбулла ўлгур? Қанақа сирли муаллим бу?”

Йўқ, ниҳоят, Нажот Ғайбулланинг сирини очилди. Бир ҳафтача аввал “Ўқитувчилар хона”сига домла Хуррамович ўқдек отилиб кирдию ҳаммаси тамом бўлди.

— Ўқитувчиларни йиғинг! — деб ўшқирди у, гўё ҳаммасига мен айбдордай. — Анави муттаҳамнинг сирини фош қилдим, тез бўлинг. Унинг ўзиниям етаклаб келинг.

Сўнг ҳаммамизга маълум воқеалар бўлиб ўтди. Нажот Ғайбулла ичимиздаги бегона эди. Бегоналигича даф бўлди. Биз кутулдик... Билганларим шу. Мен кўнглимдагини очик-ойдин ёздим. Чўчидиган жойим йўқ. Олишса шу ўқитувчиликни олишар. Узр. Томоғимни денгиз шўридай бир нима куйдириб келяпти.

* * *

(Мақтаб директорининг ўринбосари Б.Б.Боймуроднинг тушунтириш хати)

Ёшим қирқдан ўтиб қолди. Беш болам, бир хотиним бор. Хотин касалманд: ошқозон ярасими-ей. Ҳар куни инқ-синқ. Болалар улгайган сайин қувониш ўрнига хавотирга тушяпман. Ҳаммасининг яхши еб-ичгиси, чиройли кийингиси келади. Қали тузукроқ институтларда ўқитиш, ўйли-жойли қилиш деган орзулар ҳам бор. Икки йилча аввал устоз Қалқонов кўрада қўймай ўзига муовин қилиб олди. Рад этолмадим. Кекса одам, ишонч билан мўлтираб тургандан кейин... Ойлигимга арзимас чақа, бир ташвишимга минг ташвиш қўшилди. Йўқ, мен ишдан нолимайман. Ўқитувчилик ҳам жону дилим. Юрагим, бутун ақлу фикримни бериб ишласам дейман. Лекин... ҳаммаёқда чигаллик.

Алгебра ўқитувчимиз—Хайрулла, жингалак соч, ҳушсурат, қувноққина йигит ишдан кетди. Жуда билимдон, ҳисоб-китоб илмини чуқур ўзлаштирган муаллим эди.

— Ака, — деди у бир кун уйимга келиб. — Бир қўшма корхона ишга чақирапти. Кетсаммикан-а? Кўряпсиз, иқтисод чатоқ. Рўзгоримиз катта.

— Қанча ойлик беришмоқчи улар?

Хайрулла ўзига ваъда қилинган маошни тилга олди. Зўр! Лекин мен дабдурустдан оқ йўл тилаёлмайман. Мақтабни ҳам ўйлашим керак-да, директор ўринбосари номим бор.

— Устоз Қалқонов билан би-ир маслаҳат қилиш керак-да, — деб масъулиятдан ўзимни опқочдим.

Хайрулла чайналди. Афтидан унинг мактабдан кетгиси йўқ.

— Ака, тўғриси, муаллимчилик ёқда ўзимга, — деди у ўйланиб. — Районо мудири билан гаплашиб кўрсакчи, балки қандайдир имкониятлар бордир. Балки, зарур кадр сифатида менинг ойликларимни ошириб қўйишар. Тинчгина шу ерда ишлайверардим.

Содда муаллимнинг хаёлларига қулибгина қўйдим. Ахир, ҳаммаёқда бир хил хўроз қичқирган, қанақа имконият? Шундай бўлса-да, эртаси куни Хайрулла иккимиз Эркабоевнинг қабулига кирдик.

Арзу ҳолимизни эшитиб мудирнинг фиғони фаллакка чикди.

— Кетсанг кетавер! Қани унақа жойга мени ҳам чақиринсаю жўнаворсам. Ёғли жойдан қолма, боравер!

Эркабоевнинг кесатиқларидан Хайрулла икковимиз мулзам тортиб қолдик. Мудир яхна чойдан бир хўллаб тагин ҳужумга ўтди.

— Мақтабда ҳар ким ишлаёлмайди, ука! Аввало ватан туйғуси керак, фидойилик зарур.

— Мен чет элга қочиб кетмоқчи эмасман, домла, — деди Хайрулла сал бош кўтариб.

Маориф мудири эътирозга эътибор бермай, ўз фикрини шеър билан яқунлаган бўлди.

— Эмас осон бу майдон ичра турмак, шер панжасига панжа урмак. Ана, вассалом!

Ана, вассалом. Хайрулла ишдан кетди. Унинг “алгебра”си менга қолди.

— Боймуроджон, ўзинг бир амаллаб тур, — деб ялинди Қалқонов. — Худо меҳрибон, бирор математикни бериб қолар.

Кўндим. Умуман, дарс соатларининг кўплиги яхшию, бироқ имконият деганларининг ҳам чегараси борда. Кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Алгебра — мураккаб фан. Айниқса сўнгги йилларда у баттар мураккаблашгандай. Алоҳида билим, тажриба талаб қилади. Лекин ноилож, виждонга килоф бир тарзда, устоз айтгандай амал-тақал қилишга киришдим.

Отам курувчи уста эди. Қон тортдим, ишқилиб шу ҳунардан менга ҳам юққан. Унча-мунча иморатларни пойдеворидан тортиб томигача қуриш кўлимдан келади. Тўғриси шу отамерос касб тирикчиликка асқотиб турибди. Таътил пайти асбоб-ускуна орқалаб мардикорчиликка кетаман. Албатта, узоқ-узоқ жойларга. Тирикчиликнинг айби йўқ дейишадую, бироқ мен бу ҳунаримни сир сақлашга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларим билмасин дейман. Ўзимни узоқ-узоқларга саёҳат қилиб, дам олиб келгандай кўрсатаман. Туман марказида бир-иккита уста йигитлар бор. Шерикмиз. Топишимиз ёмон эмас. Лекин ҳаммиша кўнглим хира, хаёлларим паришон.

Ўтган қишнинг адоғи эди. Ёгин йўғ-у, бироқ ҳаво совуқ. Кечки пайт қўй-қўзилар даштдан қайтди. Ҳисоблаб, текшириб кўрсам — бўғоз эчкимиз йўқ. Дарров ўша куни навбати бўйича чўпонлик қилган кишига учрашдим. У ҳам бош қашлаб тайинли жавоб айтолмади. Афтидан, эчки болалаб даштда қолиб кетган! Дарҳол Кенг-сойга югурдим. Бормаган жойим, сўрамаган кишим қолмади. Лекин эчкидан ном-нишон йўқ. Охири, тун ярмига яқин таълим тирриқ бўлганича уйга келдим. Ҳамишагидек электр узиб қўйилган. Бутун посёлка зим-зиё. Бола-чақа ҳам ухлаб қолган. Тимрскиланиб шам ёқдим. Лекин ичимга минг бир чироқ ёқилса-да ёришмайди. “Бутун бошли эчкидан ажралдим-а?!” — деб ўйлайман юрак-бағрим ўрганиб. Тунов куни меҳмонлардан қолган ярим шиша ароқни топиб ичдим. Газагига чакки яладим. Бир зум алам-изтиробларим босилиб, чарчоқларим тарқалгандай бўлди. Эртанги дарсларга тараддуд кўришим, конспект ёзишим керак эди. Ноилож, китоб-дафтарларимни хонтахта устига олдим. Бироқ на китоб ва-

рақлагим, на қоғоз қоралагим келади. Кўнглимнинг ярмида манави китоб-дафтар, ярмида йўқолган эчки. Ақл-шууримнинг ярмида эртанги дарслар ташвиши, ярмида эса молу жон қайғуси. Эчкимисан эчки эди-я ўзим, қайбир йили устачиликдан ортирган пулимга олгандим. Нукул эгиз тугарди, омон бўлгур. Дод солиб йиғла-сам дейман.

Бир пайт дарвоза тақиллагандай бўлди. Бирдан хушёр тортдим. “Бирортаси эчкини топиб келдимикан?! Ё, пирим...”

Елкамга чопонимни елвагай ташлаб ташқарига отилдим.

Дарвоза ёнида Норхол турган экан. Эгнида апил-тапил кийилган халат, дуррачаси сирғалиб бўйнига тушган.

— Ака, — деди у ҳиқ-ҳиқ йиғлаб. — Ёрдам беринг, қизим ўлиб қолади, иситмаси баланд.

Ҳовлиққанамча яна ичкари отилдим. Яхшиям хотин касалманд, яхшиям унинг дори-дармон қутчаси бор. Ишқилиб ичидан бирон-ярим таблетка топса бўлади. Қўни-қўшнилар ҳам шунга ўрганиб қолишган, вақт-бевақт у-бу малҳам сўраб чиқиб туришади.

Ўзимча зарур деб ўйлаган дориларни олдим у тагин ташқарига отилдим.

— Юр, Норхол, кўрқма. Ҳаммаси яхши бўлади.

Норхолнинг уйи бизникидан анча узоқда. Посёлканинг нариги чеккасида деса ҳам бўлаверади. Аслини суриштирганда, бу чала ҳовли Норхолнинг эрининг бир узоқ қариндошига тегишли. Узоқ қариндош ҳовлини бутлашга кучи етмай, ижарага топшириб қўя қолган. Норхолнинг эри эса икки йилдан бери бедарак. Иш излаб Россия томонларга кетганича қайтмади. Аёл икки нафар гўдаги билан қолиб кетди. Хайрият, тўнғичи бу йил биринчи синфга чиқди. Ҳар ҳолда онасининг кўз олдига бўлади. Қизчаси эндигина икки ёшдан ошди. Норхол уни гоҳ онасига, гоҳ сингисига ташлаб мактабга чопади. Иш-да. Ҳар нечук шу ердан топгани ўзига ва болаларига етиб турибди. У она тили ва адабиётдан дарс беради. Бир йилча аввал Норхолни илмий мудирликка кўтардик. Чунки бунақа ишга ҳуснихати чиройли, имлода қусури йўқ, сариштали, хушмуомала кадр керак. Анча ёш бўлишига қарамай, жамоамиз бир овоздан шу аёлни маъқул топди.

Ўша тунда Норхолда ҳеч бир илмий мудирлик нуқси йўқ эди. Теваракка телбавор-телбавор аланглаб, пиқ-пиқ, шўрқ-шўрқ йиғлаганича қоқила-сурила борар эди.

Ниҳоят, уникига етиб келдик. Икки хонали лойсувоқ уй. Ичкари муздек. Ўртадаги хонтахта устида бир бўлак шам тириша-буриша ёниб турибди. Унинг лип-лип ёруғи хона ичини гира-шира ёритади. Чаласувоқ девор бетига каттагина гилам осилган, бурчакда бир сандиқ. Сандиқ ёнида кийим жовон. Хона тўрига тўшалган ўринда икки боласи ётибди. Шарпамизни пайқаб қизча йиғлаганича ўридан турди. Чиндан-да иситмаси баланд.

Норхол икковимиз қизчанинг хархашасига қарамай дори ичирдик. Мен шиша тубида қолган ароқни ҳам олиб келган эдим. Шуни дарров гўдакнинг баданига суртиб ташладим. Сўнг кўрпачага ўраб ётқиздик.

— Нега печ ёқмагансан? — деб сўрадим ҳануз болалари билан андармон Норхолдан.

— Чалма соб бўлиба.

Мен яна ташқарига отилдим. Қоронғуликда тимирскиланиб хас-чўп йиғишга киришдим. Кўча бошида тарвақайлаб ўсган дарахтнинг қуруқ шохларидан синдириб-синдириб олдим. Шунга ҳам анчагина вақт кетди. Хуллас, бир амаллаб печ ёқдим. Аввалига тутаб-тутаб турган ўтин, охири гуриллаб ёнишга тушди.

Норхол гоҳ болаларига, гоҳ хонтахта устида сочилган китоб-дафтарларига ҳорғин термулиб ўтирарди.

— Иситмаси тушдими? — сўрадим ундан.

— Ҳа, — хира бир товушда жавоб берди Норхол. — Озгина терлади. Кечирасиз, Боймурод ака, сизни ҳам ташвишга қўйдим.

Теварагимга секин разм солдим. Худди менинг уйимдек шип-шийдам, тўзғиган хона, сочқин китоб-дафтарлар беихтиёр ўз дарду ташвишларимни яна миямга урди. Ич-ичида тагин алам-изтироб қўғзалди. Айни чоғда кўнглимдаги алғов-далғовлар Норхолнинг ҳам юракбағрини ўртаб турганини чуқур ҳис этдим.

Аёлнинг хушбичим юзида, маъюс кўзларида шамнинг лип-лип шуълалари ўйноқларди. Беихтиёр уни кучиб эркалагим, овутгим келиб кетди.

— Норхол, — дедим оҳиста унинг қўлидан тутиб. — Куйинма. Бизга ҳам боққан бахтли кунлар бордир, ахир.

Норхол беадоқ алам-изтироб билан кўзларимга тикилди. Ҳа, бу алам-изтироб менга жуда-жуда таниш эди. Нимадир томоғимга тикилиб келди.

— Норхол, ўзимнинг жоним, — дедим уни оҳиста бағримга тортиб.

Аёл қўққис хўнграб кўксимга бошини қўйди.

Ўша тун тонгга яқин уйга қайтдим. Юрагимда бир ўт ёнар эди, бу муҳаббат ўти эканини сал кейинроқ англадим. Мен Норхолнинг ўзимникидек дард-ғусса қалққан юз-кўзларини севиб қолдим. Ёш бир ерга бориб етганда ногоҳ бунақа туйғуга дуч келиш... Аввалига уялдим, ўз-ўзимни койидим, сўқдим. Одоб-ахлоқнинг бутун авлиёлари номидан ўз-ўзимга насихатлар қилдим. Бироқ бари бефойда. Норхолнинг юз-кўзларидаги ўша таниш изтироб-қайғу мени ўзига оҳанграбодек тортар эди.

Хурматли терговчи, мени бир чеккага тортиб, аллақандай юмалоқ хат юзасидан сўраганларингизга жавобим шу. Сиз истагандай алоҳида тушунтириш хати ёзмайман. Тўғрироғи, ёзолмайман. Анови Нажот Файбулла ҳақида эса истаганингизча сўранг. Керагидан ортиқ қилиб ёзиб бераман.

Худди ўша телбавор ҳисларга қоришиб юрган кунларим Нажот Файбулла пайдо бўлди. Унинг пўрим устбоши, мағрур ва сипо юриш-туришлари аввалига менинг ҳам энсамни қотирди. Сўнг янги муаллимга ҳавас қила бошладим. Бу ҳавас, чуқур ўйлаб қарасам, кейинчалик беаёв ҳасадга айланиб қолган экан. Нажот Файбулла икки-уч ҳафта ичидаёқ мактаб жамоасининг қалбига, руҳига кириб олди. Ўқитувчилар бир-биридан яшириб-яшириб, тортиниб-тортиниб беихтиёр унга тақлид қила бошлашди. Ҳафталаб соқол қиртишламайдиган баъзи бир муаллимлар кунора қириниб, сочларини орасталаб, ҳатто енгил-елпи хушбўйлар сепиб келар бўлишди. Айрим ҳазилкаш, хушчақчақ ҳамкасблар виқор ва салобат илнжида қош-қовоқ уйиб юришга тиришардилар. (Муаллима хотинларнинг пардоз-андозлари қуюқлашгандан-қуюқлашганини айтмай қўя қолай.) Бироқ буларнинг бари беҳуда эди, беҳуда! Минг тараниб-минг ясансак-да, минг гўддайиб — минг чимрилсак-да барибир бизда нимадир етишмасди. Ҳатто бир гал Нажот Файбулла соқоллари ўсик, одмигина, фижимтоб кийимда ишга келди. Ҳайҳот, шугина аҳволда ҳам у барчамиздан ўктам, барчамиздан хушсурат кўринар эди. Ҳа, бизларда мактабга ярашиқсиз аллақандай қусур борлигини тобора англаб борардим. Гўё суд курсисига тизилишган айбдорлардек “Ўқитувчилар хона”сида паришон ўтирган ҳамкасбларимга қараб кўпинча ўша қусурларини излаб қоламан.



Ўқувчилар ҳам ўзгариб қолишгандек эди назаримда. Айниқса, Нажот Файбулла дарс ўтадиган синф болалари. Унча-мунча муаллимларни туртиб-суртиб кетадиган, ерга урсанг кўкка сапчийдиган безори ўқувчилар ҳам Нажот Файбулла кўринганда ипакдек майинлашиб одоб сақлашар эди.

Бир гал катта танаффус пайти биология муаллими Ҳасанов билан ҳовлида суҳбатлашиб турардик. Нажот Файбулла ҳам ёнимизга келди.

— Кеча телевизорда футболни томоша қилдингизми? — дея Ҳасанов янги муаллимни суҳбат мавзусига тортди.

Нажот Файбулла бош ирғади:

— Ҳа, роса зўр ўйин бўлди.

Ҳасанов ўйинда ютқазган жамоанинг хайрихоҳи экан. Асабийлашган кўйи бўшанг футболчиларни биринкетин сўкиб, танқид қила кетди. Шу орада тўққизинчи синфнинг безори ўқувчиларидан бири ёнгинамиздан ўтиб қолди.

— Эй, Жумаеп! — дея Ҳасанов муаллим ўқувчини тўхтатди. — Носвойингдан бир отим бер-чи! Миянинг қатиғи чиқиб кетди.

Тиржайганча чўнтак қовлашга чоғланган ўқувчи ногоҳ орамизда турган Нажот Файбуллани пайқаб қолдию тек қотди. Сўнг жиддий қиёфада биология муаллимига юзланди:

— Кечирасиз, устоз. Мен унақа нарса чекмайман. Бошқа бировга ўхшатдингиз.

Ўқувчи минг бир хижолат билан биздан узоқлашди.

Нажот Файбулла бизга эл бўлолмади. Лекин у ўқувчилар тугул ўқитувчиларнинг ҳам кўнглини топишга астойдил интилар эди. Ҳатто, бир гал муаллимларни ўзининг жуғрофия кабинетига йиғиб, дунё гаройиботларига оид кассеталар кўйиб берди. Хужжатли фильмларнинг кўпи инглиз тилида экан. Янги муаллимнинг ўзи илҳом билан шарҳлаб, тушунтириб турди. Икки соат мириқиб экранга тикилган жамоа, ниҳоят, мексика сериалларидан-да ажойиб томошалар борлигига иқроқ бўлишди.

Февралнинг бошларида фанлар бўйича туман олимпиадаси бошланди. Сараланган ўқувчиларни марказга олиб боришим керак эди.

— Устоз, менинг машинада борамиз, — деб қолди Нажот Файбулла.

Бу таклиф менга ҳам маъқул тушди. Қалқонов муаллим ташаббускор янги муаллимнинг дуои жонини қилиб чарчамади.

Эрталаб йўлга тушдик. Яп-янги “Нексия”нинг орқа ўриндиғига ястанишган болаларнинг қувончига таъриф йўқ. Гўё билимларига билим, иқтидорларига иқтидор қўшилгандай. Ҳаво совуқ. Тун бўйи ёмғир аралаш ёғиб ўтган қор дала-даштда ола-қуроқ тўшалган. Машина посёлканинг ўйдим-чуқур йўлидан оҳиста елиб катта трассага чиқиб олди. Нажот Файбулланинг жағи-жағига тегмай, иқлим, тупроқ ҳақида болаларга алланималарни астойдил тушунтириб борарди. Болалар ҳам завқ-шавқ билан қулоқ солишган. Бироқ менинг негадир кўнглим ғаш, таъбим тирриқ эди. Назаримда ўқувчилар мен ва Нажот Файбуллани зимдан-зимдан таққослаб баҳслашаётгандай: Нажот “Нексия” ҳайдаб боряпти, мен эса тиришибгина ўтирибман. Кундузи телпак, чарм камзул уники, боғичи шалвирарган қуён тери телпак, эскигина плаш меники, Нажотнинг болаларга айтар гапи жуда кўп, мен эса ҳатто дарсда керакли сўзни тополмай гангийман.

Туман марказига етиб келдик. Олимпиада ўтказиладиган мактаб ҳовлиси гавжум. Болалар, ота-оналар,

ўқитувчилар. Машинадан тушиб бир чеккада уймаллашиб турдик. Нажот Файбулла йўлнинг нариги бетигадаги сомсапазни кўзлаб кетди. “Яхшилаб овқатланиб олишларинг керак, — деганди у йўлда болаларга. — Эсам каллаларинг ишламай қолади”. Янги муаллимни кута бошладик. Шу пайт пўрим кийинган йўғон бир киши ўтиб қолди. Ёнидаги қизи шекилли. Кўзимга жуда иссиқ кўринди. Тикилиб турганимни пайқади ҳойнаҳой, йўғон киши мен томон қаради. Қарадио жойида таққа тўхтади. Мен ҳам уни дарров танидим. Туманнинг донги кетган бойларидан бири. Ёзда данғиллама уйининг томини ёпиб берган эдик. Гап орасида у менинг ўқитувчилигимни билиб қолиб алоҳида хурмат-эъзоз кўрсатган. Ҳатто келишилган хизмат ҳақиға анчагина кўшиб ҳам берган эди.

— Ҳа, домла ўзларими, — деди йўғон кимса мен томон юриб. Семиз башараси тўла истеҳзо. — Какраз сиз керак эдингиз менга.

Шоша пиша салом бериб қўл узатдим.

— Бу... томдан чакки ўтиб кетди-ку, уста домилла, — деди у истар-истамас кўришаркан. — Ҳақни ҳалоллаб олиш керак-да. Сизга ишонгандик.

Назаримда унинг товуши гулдираб бутун теваракка эшитиларди. Шу сабаб беихтиёр ўшқириб юбордим.

— Бақирманг, ака! Кар...

Гапим бўғзимда қолди. Таниш мижоз бир интилиб ёқамга чанг солди.

— Ия, жаҳлимиз ҳам борми ҳали?! Ўх, кўрнамак!

Йўғон кимса бир силтаб тортдию муз қатрон ерга чўккалаб қолдим. Қуён тери телпак бошимдан учиб кетди.

— Мактабдаги болаларни алдайсан, менимас! — ҳануз ўшқирарди эски мижоз. — Сендан бошқа уста мардикорларни ҳам кўрганмиз. Ҳеч бири нонкўрлик қилмаган! Тагин домилла эмиш бу...

Ҳайриятки, шу пайт Нажот Файбулла ўқдек учиб келди. Келдию йўғон кимсанинг нақ қаншаримга йўллаган гурзидек муштани ҳавода тутиб қолди.

— Нима гап? Қўйворинг! — халоскор ҳамкасбимнинг товуши босиб, бироқ алланечук амирона эди.

Эски мижоз орқага тисарила-тисарила Нажот Файбуллани бир қур кўздан кечириб чиқди.

— Кечирасиз, катта бува, — деди беўхшов илжайиб. — Озгина қизишиб кетдик. Манави нонкўр асабимни бузди.

Эски мижоз Нажот Файбуллани алақандай амалдор ҳаёл қилди, шекилли, узр кетидан узр сўраб биздан узоқлашди.

Мактаб майдонида йиғилганлар ҳангу манг қараб туришарди. Уяту аламдан юзим мисдек қизиби, кўзларим хира тортиб кетди. Ўқувчиларимдан бири сал нарида ерпарчин бўлиб ётган телпагимни олиб узатди.

Ўша куни олимпиадани қандай ўтказиб, қандай уйга қайтганимизни эслаёлмайман. Кун бўйи уяту алам алангасида алаҳида юрдим. Устига-устак, Нажот Файбулла жанжал ҳақида бир оғиз ҳам сўрамади, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ҳамшағидек болалар билан завқ-шавқла суҳбатини давом эттирарди. Мен уни буткул ёмон кўриб қолдим. Кўнглимдаги ҳавас алақачон ҳасадга айланиб улгурган эди!

Ҳаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди. Эски мижознинг истеҳзоли юзи, муаллақ қолган мушти мени кечаю кундуз таъқиб қилиб юрарди. Юрсам ҳам, турсам ҳам у ҳақида ўйлардим. Ўйлаганим сайин ўзимни ўша бойвачча олдида гуноҳкор санайман. Чин-да, иззат-икром кўрсатиб, кўйин-кўнжимни тўлдириб жўнатганди-ку?! Бир ойлик меҳнатимга берган ҳақи рўзгоримнинг бир йиллик каму кўстини бутлади-ку, бола-чақа бир

қур яйради-ку? Лекин астойдил ишлагандик. Нима жин тегди экан томга?

Шундай алғов-далғов хаёллар исқанжасида уч кун ўтди. Пайшанбадан жумага ўтар кечаси ёмғир ёға бошлади. Жума куни эргалаб, ёмғир қорга айлана бошлаган бир пайтда мен саккизинчи синфда эдим. Физика дарси. Синфхона хийла совуқ. Ўқувчилар устки кийимларига бурканиб, бесаранжом ўтиришибди: ўзаро пичирлашган, шарақлатиб китоб-дафтар варақлашган, алланималарни талашган... Айниқса, қай бир бурчакда ўтирган ўқувчининг қув-қув йўтали асабларимни баттар эговлайди.

Бир амаллаб йўқлама қилиб бўлгач, дераза тараф хомуш тикилиб ўтирган қизни чорладим:

— Болтаева, ўтган дарс қанақа мавзуни ўргангандик?

Қиз норизо чимрилганича ўрнидан турди.

— Ньютоннинг биринчи қонуни.

— Ўтир. Искандарова! — шивир-шивири ҳам ҳеч тугаётган, озгингина ўқувчини чорладим. — Доскага кел. Ўтган мавзу бўйича би-ир сўйлаб бер-чи.

Искандарова кунишибгина доска ёнига келди.

— Ньютоннинг биринчи қонуни, — ҳар қандай жисм унга бошқа жисмлар таъсир қилиб...

Мен дераза ортида чарх уриб ёғаётган қор учкунларига термулганча хаёлга чўмдим: “Анавнинг томидан роса чакка ўтган бўлса керак...”

Бир пайт ҳушёр тортиб ўтирилсам, ўқувчи қиз жимибгина ҳукмимни кутиб турибди. Қулоқларимнинг шанғиллаб туришига қараганда тузук жавоб берганга ўхшайди...

— Яхши. Ўтир, Искандарова, — дедим хижолатланиб.

Сўнг синф журналига қараб, анчадан бери баҳоланмаган Хўжамов Нурматни чорладим. Аммо, бу ўқувчининг ҳам жавоблари қулоғимга кирмади, ҳисоб. Бетизгин хаёллар беихтиёр олиб қочарди: “...ҳақни ҳалоллаб олиш керак... тешиб чиқади...”

Охири, чидаёлмадим. Ўқувчиларга навбатдаги сабоғни шоша-пиша тушунтирган бўлдим мақсадга кўчдим.

— Болалар! — овозим алланечук титраб чиқди. — Илтимос, тўполон кўтармай, жимгина ўтириб туринлар. Зарил бир ишим бор, бормасам бўлмайди...

Шунда мен... шунда мен кўзимга ҳамдардлик билан термулиб турган йигирма жуфт беғубор содда кўзларни кўрдим!

Эскигина пальтога бурканиб ўтирган синфбоши Алишер ўрнидан турди.

— Устоз, — деди у суяклари бўртган, серқадок қўларини кўксига қўйиб. — Сиз бемалол. Биз жимгина дарс қилиб ўтирамыз. Ишонинг.

Томоғимга алланима тикилиб ташқарига отилдим. Аҳдим қатъий эди. Ўша чиқишда тўппа-тўғри уйга бордим асбоб-ускунани орқалаб туман марказига кетдим. Эски мижознинг уйини топиш осон эди. Чошгоҳга яқин ёмғир-қорда ивиган қўйи данғиллама ҳовлига кириб бордим.

“Ҳаққимни ҳалоллагани келдим”, — дедим ҳангу манг қотган ўша йўғон кимсага.

У хижолатланиб мени меҳмонхонага бошлаб кирди. “Э, домилла, аллақачон тузаттирганман уни, — деди, — беқор овора бўлибсиз-да”.

Ўша куни азиз меҳмон бўлдим. Бойвачча кун пешиндан оққан бир пайт ўз машинасида мени мактабгача олиб келиб қўйди. “Домилла, шугинани олиб қўйинг — деди йўл-йўлакай чўнтагимга пул тикиштириб. — Узр, оз бўп қолди, биз ҳукумат эмас-да, кўп-кўп узатгани”. Қувноқ хайрлашдик. Руҳим енгил, димоғим чоғ эди. Дарслар тугаб қий-чув билан қайтаётган ўқувчилар орасидан синфбоши Алишерни топиб вазият ҳақида сўраб-суриштирдим. Ҳаммаси жойида. Асбоб-ускуна солинган қопни ўғлимдан бериб юборгач, мактабга кирдим.

“Ўқитувчилар хонаси”да Қалқонов муллим, Норхол ва Нажот Файбулла ўтиришган экан. Норхол мен томон ташвишланиб кўз ташладию димоғим чоғлигини кўриб чеҳраси ёришиб кетди. Жилмайди.

Нажот Файбулла алланималар ҳақдадир куйиб-пишиб гапирар эди. Унинг эҳтиросли гап-сўзларидан англадимки, у Самарқанду Бухоро томонларга саёҳат уюштироқчи экан. Улов масаласи ҳал бўлар эмиш.

— Яна пул йиғарканмиз-да? — дея ҳуркибгина сўради директор.

Нажот Файбулла енгил кулиб, елка учирди:

— Нега энди? Махсус фонд...

— Нажотжон, — беихтиёр зорланиб юборди Қалқонов муаллим. — Тинч қўяйлик шу ғамхўр фондни! Билдик, кўрдик, жуда меҳрибон, таълим-тарбияга жонку-

НАЗМ

БУЮҚ БИР МУҲАББАТ

Достон

Ўзбекистон мустақиллигига

Омон МУХТОР



Ёр — Ҳақ.
Ёр — Ватан.
Ёр — Халқ.
Сезаман.

Буларни ёримдан
Мен кўпроқ
Севаман.

* * *


Минбар тўғри ҳолат.
Лекин ниятим
Эмасдир қилмоқлик
Бугун минбар-гап.
Соддароқ сўзлашга мос кайфиятим,
Қалбдан чиққанида —
қалбга сингар гап.

Шу кунлар,
Мен бердим ўз-ўзимга чап,
Сўзлашдан —
Йимгина юрмоқлик осон.
Лекин бирдан гўё аччиқ май ютдим,
Кўздаги ёш каби
қуйилди достон.

* * * *

Ёр — Ҳақ.
Ёр — Ватан.
Ёр — Халқ.
Сезаман.

Дардим кўп. Нимани
Айтайин
Сенга ман?!



яр экан! Илтимос, болам, оч қорнимиз, тинч қулоғимиз. Шу Самарқандни Худо хоҳласа, бир кун томоша қилармиз.

Енгилгина кулишдик. Нажот Файбулла ўйчан тўнгилади:

– Болаларга ваъда берганман-да.

Орадан бир ҳафта ўтиб хушxabар олдик. Физика бўйича олимпиадага борган ўқувчи биринчи ўринни олибди!

– Табриклайман, устоз, – дея ҳаяжон билан қўлимни қисди Нажот Файбулла. – Бу сизнинг меҳнатингиз! Кам бўлманг.

Қалқонов муаллимнинг ҳам қувончлари чексиз эди.

– Боймуродбой, насиб бўлса, районнинг навбатдаги фахрий ёрлиғи сизники! Қани, қарз бўлиб тураверинг-чи, кейинроқ юварсиз.

Мен... мен аввалига жуда қувондим. Шундай тиришқоқ, илмсевар, машаққатларга қарамай, ўз устида ишлайдиган ўқувчиларимиз борлигидан бошим осмонга етди. Сўнг туйқус кўнглим ғашланди: “Устозман деб керилишга ҳаққим борми? Шу ўқувчининг камолига қанча ҳисса қўшганман ўзи? Синфхонага кириб-чиқиб туриш, мавзунни бир амаллаб тушунтириш етарлимикан?..”

Ўша кунни Нажот Файбулла қувончдан ял-ял ёниб биқинимдан нари кетмади. Унинг бировлар ютуғидан бунчалар ҳаяжонланиши жуда ғалати туюлди менга. Гоҳ ажабланиб, гоҳ энсам қотди.

– Устоз, насиб бўлса, вилоят мусобақасига ҳам бирга борамиз, – деди у яна қўлимни қисиб.

Йўқ, Нажот Файбулла билан вилоятга бориш насиб этмаган экан. Кўп ўтмай, домла Хуррамовичнинг фидокорона меҳнати туфайли янги муаллимнинг сирлари фош бўлди. Ниҳоят, ундан кутилиб енгил тортидик!

Нажот Файбулла бизга бегона эди. Биз-чи?! Бу ёғини ўйласам, тўғриси, тубсиз жар лабида тургандек ҳис қиламан ўзимни. Бироқ айнан шу савол хаёлимда тегирмон тошидек бот-бот айланаверади. “Биз-чи?! Ишқилиб, биз мактабга бегона эмасми?..”

Ўз қўлим билан ёзганларим шу. Кўнглимдаги туйқус шаррос қуйилиб кетганидан ўзим ҳам ҳайрону долман.

Мана, битикларимни яна бир карра ўқиб чиқдим. Бироқ кўнглимда на қўрқув, на севинч, на афсус, на-да умид. Юрагим, хаёллариим алланечук бўм-бўш.

* * *

(Домла Х.Х.Хуррамовичнинг тушунтириш хати)

Олий тоифали ўқитувчиман. Тарих, ҳуқуқ каминанинг қўлида. “Тарих қўлингдами, демак келажак ҳам сеники”, деган пурмаёно ҳикмат бор. Раҳмат, доноларнинг юксак ишончи учун, раҳмат. Халқ номидан, юрт номидан қўлимдан келганини қиламан.

Текширувчилар, кузатувчилар кўп келади мактабимизга. Ҳаммалари каминанинг камтарона фаолиятига юксак баҳо беришган. Тарих, Ҳуқуқшунослик ўта мураккаб, ўта масъулиятли. Бу фанлардан сабоқ бериш учун нафақат билим, нафақат тажриба, балки талант ҳам керак экан. Минг шукрлар бўлсинки, бу хислатларнинг ҳеч биридан табиат каминани қисмаган. Менинг ҳар бир дарсим – санъат. Мана, ўқувчиларим гувоҳ. Улар сабоқларимни парталарга қапишиб, нафас олмай тинглашади. Ўзим ҳам беихтиёр дарс дунёсига шўнгиб кетаман-да: гоҳ мисли Темур бобо, гоҳ ҳазрати Жорж Вашингтон бўлиб ҳайқираман. Зарбу зўримдан баъзан доска, баъзан стол-стул шикаст топган пайтлар ҳам бўлган. Менинг сабоқларим таъсиридан жуда кўп ўқувчилар ҳуқуқшунос, қонуншунос бўлмоқни орзу этишади. Бунга ҳам мисоллар кўп.

Мактабимизда пайдо бўлган Нажот Файбулла бир гал жуғрофия кабинетида видеокассета қўйиб берди. Аглақайси мамлакатнинг маориф тизими ҳақида экан. Кўриб-эшитиб на куларимни, на йиғларимни билмай қолдим. Ўша мамлакатда болаларни ўн саккиз ёшигача қора меҳнатга жалб этиш жиноят экан. Мактаблари нақ жаҳонгирларнинг қасридай. Егулик, ичкилик муҳайё. Ҳатто бемалол уйқуни урадиган хобхоналари бор, гўё у ерга ўқишгамас, дам олишга боришади бу арзандалар. Болаларни кўрдик. Ҳаммаси қоғозга ўралган попук қанддек.

“Йўқ, – дедим ич-ичимда, – бунақа йўл-йўриқ бизга тўғри келмайди”. Чин-да, унақа тайёрга айёр, инжиқ болалардан худо сақласин. Биз соғлом авлод учун курашяпмиз. Анавиларникига ўхшаш шарт-шароитларда болаларимиз мўрт, иродасиз, заиф бир тўдага айланиб қолади. Шунинг учун уларни тўдаклигиданоқ ҳаёт хўрликларини

* * *

Ёрни излаганман,
Тошганман. Аммо
Яна муҳаббатга етмоқ истаги –
Учаётган, темир издаги
Поезд каби муаммо.

Кўнглининг абадий ёшлигимикан?!
Чегара йўқдир, деб қилмоқда хитоб.
Буюк бир муҳаббат ташналигидан –
Жисми-жонимда азоб.

* * *

Мен унга етай, деб,
Ўзни бахш этай, деб.
Сўнг, майли, кетай, деб
Турган бир йўловчи.

Беролмай кунга зеб,
Қорайган тунга зеб,
Унгаю бунга зеб –
Юрган бир йўловчи.

* * *

Оғирми, енгилми дунёнинг кори,
Кўксимда туяман гоҳида оғриқ.
Айри бир ҳаёт йўқ, қисмат йўқ, бори –
Мен учун
Муҳаббат йўлига боғлиқ.

Ўйлайман, эскидан буюк аждодлар,
Кимнио нимани Ёр, деб танлаган?!
Мажнунга айланиб, чекиб фарёдлар –
Улар муҳаббатни қандай англаган?!

Айланиб,
қанотин ёзган шамолга,
Тоғлар, уммонлардан гўёки ҳатлаб
Мен учун,
Аждодлар етган Камолга –
Озгина бўлса-да,
Яқинлик матлаб.

* * *

Ёр – Ҳақ.
Ёр – Ватан.

Ёр – Халқ.
Сезаман.

Бу йўлда ўртанган –
Бир юрак
Нега ман?!

* * *

Ёлғизим! Ўқинма. Инжима.
Мен сени сезганман. Ёгон фидо.
Лекин бу – шахсий дард. Жимжима.
Интиҳо бор, ахир. Ибтидо!

Тарих бор. Наздимда, занжирлар
Жисм эмас, юракни боғлаган.
Эркинлик истаган фақирлар
Ҳеч қачон, ҳеч кимга ёқмаган.

Йўлларда судралиб саргардон,
Ичига ютганлар “оҳ”ини.
Уларга йўл берган гоҳ, Замон –
Букага тутгандек шохини.

да, қора-оқ меҳнатларда чиниқтириш зарур. (Бу борда пахта пайкалларимиз ҳўб қўл келади-да!) Оғир меҳнатдан, очлик-муҳтожликдан ҳали ҳеч ким ўлмаган. Мана, масалан биз. Шўро даврининг барча кўргуликларини кўрдик. Бошимизда қилич ўйнаб турарди-я?! Йўқ, ўсиб-улғайдик, ҳеч кимдан камимиз йўқ. Муҳтожлик фаровонлигининг, меҳнат роҳатнинг қадрига етишга ўргатади. Машаққатлар ёшларни курашга чорлайди, иродали, интилувчан авлодга айлантиради. Мана, мисол учун кўп узоққа бормай, куни кеча олимпиада мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган ўқувчини олайлик. Шугина ҳам пахта пайкалидан декабрнинг бошларида қайтди. Бутун бошли синф уч-тўрт дарсликни галма-гал ўқишади. Устига устак посёлкада кечаси соат тўққиздан сўнг электр узиб қўйилади. Қадрдон шам, лампа чироқ ишга тушади. Шундай қийинчиликлар ҳалиги голиб ўқувчимизни букиб-енгиб қўймаган-ку?! У илм учун интилиди, тиришди. Натижа эса аъло. Мана, сизга соғлом авлод!

Менким, олий тоифали ўқитувчи, тарих, ҳуқуқ илмида бўлган зот қатъий айтаманки, турмушимизда учраб турган айрим камчилик ва қийинчиликлар эртаиндин барҳам топади. Арзимас хато, арзимас машаққат деб дунёга аюҳаннос солиш марднинг иши эмас. Майда-чуйда қусурларга чалғимамай кўзимизни каттароқ очайлик, ҳушёр ва огоҳ бўлайлик, бошимизда бошқа жиддий хавф-хатарлар айланмоқда. Мустақиллигимизнинг ҳар хил ёвлари теварагимизда изғиб қолган. Динни қалқон қилган ёт унсурлар ўз гоёларига ёшларимизни эргаштириб кетишяпти. Ана ўшаларнинг гоёсига қарши гоё билан курашиб, пешонасидан дарча очиб қўйишимиз керак. Юрагида ватан туйғуси бор ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи бу. Бунақа туйғу каминага ҳам ёт эмас, албатта. Дарсда ва даредан бўш вақтларимда жамоат ишлари билан фаол шуғулланаман. Шу сабаб на фақат мактаб аҳли, балки маҳалла-қўйдагилар ҳам мен яқинлашган дам огоҳ ва ҳушёр бўлиб қолишади. Кўзларида душманга нисбатан нафрат ва ғазаб учқунлари порлайди, теваракка безовта-безовта аланглашади. Мен эса тинчлик-хотиржамлик учун камтарона улуш қўшаётганимдан қувонаман.

Шундай кунларнинг бирида Нажот Файбулла — янги муаллим пайдо бўлди. Кўриниб турибди — бирорта бойваччанинг инжиқ эркатойи. Тагида машина, сарупо-си қимматбаҳо, юз-кўзида бойваччаларга хос ғурур,

ўзига ишонч. Бунақа қиёфа мактабдек камтар-камсуқумлар масканига мутлақо ёт. Сирли ва хатарли нусха пайдо бўлганини юраккинам дарҳол сезди. Янги муаллим ҳақида зудлик билан совхозимиз хўжайини Чинор Тоштемировични огоҳлантирдим.

“Эринмасангиз кузатаверинг уни”, — деди хўжайин ижирганиб. Албатта, бунақа шубҳали нусхалар ҳақида эшитганда ул зот ижирғанади-да. Хуллас, Чинор Тоштемировичдан фатво олиб, енг шимариб ишга киришдим. Нажот Файбулланинг ҳар босган қадамини кўздан қочирмай, ҳар айтган сўзини ҳижжалаб мулоҳаза қилдим. Аҳён-аҳён ўзини илмоқли-сиртмоқли сўхбатларга тортиб кўрдим. Йўқ, бу ҳам тулки экан. Осонликча ён берадиганларга ўхшамайди. Кузатиб, тусмоллаб билдимки, бошқа муаллимлар ҳам Нажот Файбуллага бегонасираб-бегонасираб қарашяпти. Фурсатни бой бермай, дуч келган ҳамкасабани чеккага тортаман: “Хушёр бўлайлик... жипсликни қўлдан бермайлик, сал галати йигит экан-да, а?!”

Ҳамкасблар ҳушёрлик билан ҳуркиб кетишади. Кўрқоқлар.

Аммо тан олиш керак, Нажот Файбулла болаларга жонкуяр, дарс ўтишга устаси фаранг экан. Ҳеч қайсимизга ўхшамайди-я?! Менким, олий тоифали ўқитувчи ҳам янги муаллимга беихтиёр мойил бўлиб қолган кезлар ҳам топилади. Лекин дарҳол ўз муқаддас бурчимни эслаб, ҳушёрлик калимасини бот-бот қайтардим.

Учинчи дарс қизгин бораётган пайт эди. Тўққизинчи синф билан шуғулланыпман. Зерикиб деразадан мундоқ қарасам, Нажот Файбулла ҳовлида. Қўлларини белига тираб мактаб биносини синчков-синчков кўздан кечиришяпти. “Бомбага жой мўлжаллашяпти-ёв” — лип этиб ўтди хаёлимдан. Бош оғриғини баҳона қилиб ташқарига чиқдим.

Нажот Файбулла таажжуб билан қўл соатига кўз ташлади:

— Ия, танаффус бўлдими, устоз?

— Йўғ-е, сал кўнглим айнишяпти, безовта бўлдим.

— Бирор ёмон нарса егандирсиз-да.

— Қайдам, — деди илмоқли гап қилиб. — Уйда тишга босгулик нарса йўғ-у.

Нажот Файбулла жавоб бермай мактаб пештоқига тикилиб қолди. Мен ҳам зимдан ўша ёққа кўз ташладим.

— Устоз, — деди у пештоқдаги байроққа имо қилиб. — Байроқни алмаштириш керак, ҳилвираб қолибди.

Бизда ҳар кўчада, қадамда
ўлмаган исмлар. Ўтганлар!
Уларга бош эгиб оламда —
Уларни байроқдек тутганлар!

Бу шундай. Аммо биз машаққат,
Қўлфатдан эгилдик минг чандон.
Топмадик бирон пайт беминнат —
Ҳаттоки коса сув, парча нон.

Тўпланса бир ерга, тарихда
Тўкилган бутун-бор кўз ёшлар —
Сизмайди энг катта ариққа,
Дарёлар томонга йўл бошлар.

* * *

Қай
Замон —
Кўз ташлаб ўнгу сўлига,
Келтирмаса агар мискин Халққа бахт —
Ўзимни ташлайман
Унинг йўлига,
Гўё арра кесиб, қулаган дарахт.

* * *
Яшайман
Сизиниб, топиниб Ҳаққа,
Ватан, деб ўтгуси умрим, шубҳасиз.
Халқим, юксалгин, деб айтаман Халққа,
Менда тушунча йўқ
Булардан азиз.

* * *
Ёр — Ҳақ,
Ёр — Ватан.
Ёр — Халқ.
Сезаман.

Муҳаббат қулиман
ва унга
эга ман!

* * *
Эй ёр! Сенсиз жаҳон қоронғи.
Ёр қоронғи. Осмон қоронғи.

Шиддат бор, деб от суриш бекор,
Кириб келган майдон қоронғи.

Буйруқ бериб бўлмас юракка,
Ҳатто ёлғиз макон қоронғи.

Сен келгунча дармон қаёқда,
Орзу билан армон қоронғи.

* * *

Биз ясаб келганмиз
Кимлардан Худо,
Ватанни кимларга ташладик боғлаб.
Халқни ўз йўлидан қилганча жудо,
Миллатмас,
Иллатни
Юрдик ардоқлаб.

Тўхта!
Бир дам сукут! Дўшнини бошдан
Олганча ўйлайлик
хаётни жиддий.
Гарчи дунё бизга
туюлар оддий,
Тозалаш пайтидир
Гуручни тошдан.



Яна гапни илмоқ қилиб отдим:

– Э, хаёл жойидами, ука? Байроқ ҳа деб алмашти-рилаварадиган нарсами?

– Ия, эскирса ҳам алмаштирамайсизми? – Нажот Файбулла юзимга таажжуб билан тикилди. – Топилмас матоҳ эмас-ку, ана, ҳамма ёқда сотилади. Арзимас пул туради ўзи.

Шу пайт танаффусга қўнғироқ чалинди. Ноилож синфхонага югурдим. Нажот Файбулла сиртмоқларимдан кутилиб қолди, аммо шу-шу эл қатори мендан хуркиб, ҳурматимни сақлаб юрадиган бўлди. Илк зарбадан оқ ёмон натижага эришмадим.

Нажот Файбуллага бу овлоқ чўл қўйнидаги овлоқ мактабда пишириб қўйибдими? Мақсади нима унинг? Шунчалар муаллимликни севаркан, ана, катта-катта шаҳарларда, чин бўлмаса, туман марказида мактаб юридими? Қизиқ, нега айнан хилват жойни танлаган у? Дарвоқе, икки йилча пойтахтда ҳам ишлаган экан-ку, нега ишдан кетган, қувилганми, қочганми?

Шундой беадоқ шода-шода саволлардан бошим ғовлаб кетади. Тунлари уйқум қочиб юриниб чиқаман. Ниҳоят, чуқур-чуқур мулоҳазалардан сўнг ўзимча жумбоқларга ечим топгандай бўлдим.

Нажот Файбулла ашадий нашафуруш! Уни чақмоқдай қилиб қўйган бойлиги ҳам шунинг орқасидан. Қайбиркун телевизорда кўрсатишган эди. Россияда “қора дори” савдоси билан шуғулланадиган тўда қўлга олинибди. Энг даҳшати, улар захри қотилни болалар орасида тарқатар экан. Аввалига татиб кўриш учун бепул, сўнг арзонроқ, охир-оқибат, чинакамига пуллашга тушишган. Бангиликка мубтало бўлган болалар зиғирдеккина захри қотил сотиб олиш учун ота-оналарининг қимматбаҳо нарсаларини оғуфурушларга келтириб беришган, ўғрилиқлар қилишган.

Нажот Файбулламиз ҳам ўшандай ёвуз тўдадан бўлса ажабмас. Ўзини болапарвар, илмпарвар кўрсатиб мактаб жамоасининг ишончини қозонишга астойдил бел боғлаган! Ҳатто, қайгўрдандир дарсликлар олиб келди, кейинроқ аллақандай телеаппаратуралар келтирди. Биламан, буларнинг барчаси ўз харажатидан. Ишонадики, бу арзимас сарф-харажатлари бир куни жарақ-жарақ тилла танга бўлиб қайтади. Аллақандай махсус фонд ҳақидаги гаплари чўпчак. Ҳатто, унинг айнан шу уйдирмаси менда шубҳа уйғотди. Нажот Файбулла теле-

аппаратуралар келтирган куннинг индинига, “махсус фонд” ҳақида сўраб-суриштиргали туман маориф бўлимига бордим.

Домла Эркабоев мени жуда илиқ кутиб олди. Хийла вақт у ёқ-буёқдан ҳангомалашиб ўтирдик. Сўнг секин-аста мақсадга кўчдим.

– Домла, шу... вилоят марказида мактаблар учун аллақандай махсус фонд бор экан-а? Эшитишимча, муаллимларга жуда ғамхўр эмиш. Нима камчилик, нима зарураат бўлса дарров ҳал қилиб берармиш...

Мен маориф мудирининг хоҳолаб кулиб юборишини кутиб турардим. Эркабоев дам қизариб, дам бўзариб жаҳл билан ўрнидан туриб кетди.

– Домла Хуррамович! Нима, етмаяпти сизга, а, нима?! Энди вилоятга шикоят қилмоқчимисиз?! Олий тоифа дедингиз, бердик, икки-уч марта мукофот дедингиз, тўғирладик, икки марта Чортоққа йўлланма қилиб бердик! Мен сизни сира тушунмадим, домла. Нима керак тагин, жаноби олийлари, а, нима?!

Кутилмаган зарбадан эсанкираб қолдим. Ўзимни оқлаш учун, асл мақсадимни англатиш учун қилган уринишларим беҳуда кетди, беҳуда! Эркабоев гапирганим сайин туюқиб, оғзидан боди кириб шоди чиқиб мени кўз очиргани қўймади. Охири, бир амаллаб қочиб қутилдим.

Ана шунақа! Лоқайдлик ва қўрқоқлик касридан “махсус фонд” сирини очолмай қолдим. Лекин руҳан тушганим йўқ. Арқонни узун ташлаб кузатув-текширувларни давом эттирдим. Дарс пайтлари аҳён-аҳён мактаб йўлагига чиқиб, Нажот Файбулла шуғилланаётган синфхонанинг тирқишидан-мўралаб келаман. Очиғи, янги муаллимнинг дарс ўтиш услубини кўриб, соҳир овозини эшитиб ҳузурланган қўйи беш-олти дақиқа эшик ёнида қолиб кетаман. Ҳатто бир гал мени шу ҳолда Қалқонов муаллим кўриб қолди. Бироқ ҳеч бир шубҳага борма тагин кабинетига кириб кетди. Афтидан у ўқитувчиларнинг Нажот Файбулла эшиги ёнида тез-тез пайдо бўлишига ўрганиб қолган эди.

Мен баъзи бир баҳоналар билан юқори синф ўқувчиларининг папкаларини текшириб чиқишга ҳам муваффақ бўлдим. Бироқ қотган нон ушоқларидан бўлак ҳеч қанақа шубҳали кукун тополмай ҳафсалам пир бўлди. Ҳатто айрим ўқувчиларни алдаб-сулдаб гапга солиб кўрдим. Еса, чекса сархуш қиладиган моддаларни татиб қў-

* * *

Дилбарим! Кўркамим!
Кўксимда топганим!
Майли, кел, кўр камим,
Сен фақат, шопмагин.

Яхшими, ёмонми
Тингла сўз то охир –
Тортдимми камонни
Ўқ узай мен, ахир!

* * *

Озодлик ва тенглик,
Минг йиллик орзу.
Ҳатто армон эди. Умрлар ғариб,
Кўтариб юрмасдан тошу тарозу,
Дунёни
бир эпкин отди ағдариб.
Бировдан яшириб,
бировдан чўчиб.
Худо, деганларга
ногоҳ кирди жон.

Мамлакат раҳбари минбарга кўчиб,
Илк қасамёд қилди. Қўлида Қуръон.

Ақлга сиғмаган ишлар берди рўй,
Улуғвор ҳайкаллар
Қулади ерга.
Ўрнидан –
Оламга кўрсатай деб бўй –
Ўзбекистон кўчди. Синган қовурға.

Ассалом алайкум! Янгидан
Дунё
Минг йиллик Бир Ерни
Таний бошлади.
Кимнинг дарди эди ғаразми, рўй,
Уларнинг айланиб қолди
Бошлари.
Шаҳарлар боғларга кўмилиб кетди,
Кўчаларда қатор
Олий қасрлар.
Тезда қотар экан кишининг бети,
Гарчи бўлмаганди бу ҳол
Асрлар.

* * *

Кенгайди тафаккур.
Кенгайди дунёимиз, –
Қайтдик
унутилган қадриятларга.
Энди ғашланамиз ва –
қиламиз ному
Ким қуддек эгилса бадниятларга.

Энди, бу мен, деган,
ғурурланган учун –
Бошда ўйнамайди ҳар ҳолда, қамчи.
Довонлар ўтган
Йўлдор кенг ва узун,
Мисолми?! Шунчаки бир мисол –
Қамчиқ!

Бирон ёдгорликми, бирон кўприкка
Боқиб
Ҳис этасан
Кўп улкан ишлар.
Бундай пайт
Ўзингни гўё кўприкка –

ришга қизиқтирган-қизиқтирмагани ҳақида усталик билан сўраб-суриштирдим. Болалар аввалига ҳеч вақога тушунмай анграйиб туришди, сўнг кескин бош чайқашди.

“Ҳечқиси йўқ, — деб ўйладим мен бўшашмай, — ҳали улгурмаган, ё болаларни кўрқитган”.

Бир кун синфхона эшигининг тирқишидан кузатарканман Нажот Файбулла ўқувчиларга алланималарнидир тарқатиб чиқаётганини илғаб қолдим! Муаллим улашаётган нарсаларни айрим ўқувчилар ажабсиниб, айримлари қувона-қувона олишарди. Бутун вужудимга севинч ва ҳаяжон ўрмалади. “Ниҳоят...!”

Мен синфхонага қўққис бостириб киришни мўлжалладим-у, бироқ дарҳол фикримдан қайтдим. Бунақа оламшумул тафтишда раҳбарлардан биров-ярим бўлиши керак-да. Қонун шунақа, ҳуқуқ шунақа!

Мен Қалқонов муаллим бақира-чақира дарс ўтаётган синфхона эшигини бориб тақиллатдим. Ҳаял ўтмай, директор пайдо бўлди.

— Чў, тақой? — деди у норизо чимрилиб, ҳойнаҳой, рус тили дарсининг белига тепганимни уқтириб қўймоқчи бўлди у.

Мен шоша-пиша вазиятни тушунтирдим.

Директорнинг қийиқ кўзларига таҳлика оралади.

— Норхолниям чақирайлик, — деди у ботинмайгина.

Илмий мудира “Ўқитувчилар хонаси”да асабийлашган кўйи Вазирлар Маҳкамасининг яқинда чиққан Қарори бўйича ўқув режаси тайёрлаб ўтирган экан. Воқеа ҳақида эшитиб ҳовлиққанича ўрндан туриб кетди.

— Қани, кўрайлик-чи.

Узун-қисқа Нажот Файбулланинг жуғрофия кабинетига яқинлашдик. Аввал мен, сўнг раҳбарлар эшик тирқишидан ичкари мўралади.

Янги муаллим сокин, ширали бир товущда, жуғрофий бир мавзу ҳақида гапирмоқда. Ўқувчилар эса алланималарнидир ҳузур билан чайнаб, дарс тинглашяпти.

— Чин, бир гап бор-ов, — деб шивирлади директор, — болаларнинг оғзи тўла алланима.

Норхол қатъий имо қилди:

— Кирамиз.

Туйқус синфхонага бостириб кирдик.

Янги муаллимнинг уни ўчиб, бизга ҳангу манг тикилиб қолди. Ўқувчилар чала чайнаган нарсаларини шоша-пиша ютиб юборишди.

Вазиятни дарҳол қўлга олдим.

— Болаларнинг оғзида нима бор?! Билсак бўладими?

Нажот Файбулла қимтиниб-қимтиниб сас берди:

— Банан.

— Банан?! Нима у? — сўради Қалқонов парталар оралаб юраркан.

— Тропик мева, — деб илжайди Нажот Файбулла. — Бугунги дарсимиз тропик мамлакатлар ҳақида, устоз. Болалар мавзунини чуқурроқ ҳис қилсин, деб банан улашиб чиққандим. Бу ҳам бир тажриба-да.

— Кўрсак бўладими? — деб сўрадим мен, сир бой бермай.

Нажот Файбулла дераза тоқчасидаги қоғоз қутига интилди.

— Марҳамат. Роппа-роса уч дона қолган. Сизларнинг насибангиз, устозлар.

— Кечирасиз, ҳамкасаба, — дея ўнғайсизликни ҳайдаган бўлди Норхол. — Ҳамма синфларни текшириб юрибмиз. Юқоридан шундай буйруқ келди.

Синфхонадан чиқарканман, чув туширган бўлсам-да ўзимни мардона тутдим. Раҳбарлар муқаррар берадиган танбеҳларга ҳаёлан жавоб ҳозирладим. Йўқ, хуш таъм мева жонимга оро кирди.

— Раҳмат сизга, домла Хуррамович, — деди Қалқонов муаллим ҳузурланиб банан чайнаркан. — Тез-тез кузатувда давом этинг. Япон сакесидан ҳам қуруқ қолмайлик тагин.

Норхол пиқиллаб кулиб юборди.

Майли масхара қилса қилаверишсин, мен барибир, бўш келмайман Аллақандай кўнгилсизлик, англашилмовчилик олдида чекинаверсак, юрт тинчлик-хотиржамлиги, болалар ҳимояси учун ким курашади, ким?!

Кузатув-текширувларда яна давом этдим. Аммо Нажот Файбулла ҳам илоннинг ёғини ялаганлардан экан. Ҳеч тутқич бермади. Қайтанга обрўси ошиб, жуғрофия кабинетининг шов-шуви юқори идораларгача бориб етди. Тақдирнинг бундай аччиқ ҳазилига ортиқ чидаб бўлмас эди. Чора-тадбирлар кетидан чора-тадбирлар излаб топилдан чарчамадим. Қани энди қурғур захрли қотилнинг куқунидан уч-тўрт чимдим топиб келсангу анавнинг чўнтагига солиб қўсанг, дарров қўлига кишан кийгизсанг?! Хайрли ишнинг эртароқ битгани яхши-да!

Тунларнинг бирида бедор уйғониб ётар эканман,

Қўйгандек туюлар
бор-йўқ
ташвишлар.

* * *

Ёр — Ҳақ.
Ёр — Ватан.
Ёр — Халқ.
Сезаман.

Бу келган неъматдан
Яйрайман.
Эсаман.

* * *

Чекингандек бўлди дунё андуҳи,
Ёнди очик турган
аждардек комин.
Ўзликни истаган шахидлар
руҳи —
Қўлласин бизларни.
Мақсад шу!
Омин.

* * *

Ҳаққа ибодатни билмаган,
Халққа итбатни билмаган, —
Ватан! Сендан нафас олгану
Сенга садоқатни билмаган —
Кимсаларнинг аҳволи аянч!
Бундан фақат туйиш мумкин ранж.

* * *

Яна нималар дей?!
Йиллар бу банд
Кўрдим муҳтожлигу камситиш, ғурбат.
Шу боис, бахт расмин ҳаёт чизганда,
Кўнглимда туғилди байрамга ҳурмат.

Мен асрагим келар бу байрамни. Нақ
Ғамгин кўзларимнинг қорачиғида.
Тилайман, умидлар оқлансин. Музлақ
Жизғанақ бўлмасин офтоб тиғида.


Тилайман, нур излаб юрагида Ҳақ,
Ҳар ерда қотмасдан гўёки тахта —
Асрлар эзилган бағри кенг бир Халқ,
Ниҳоят, эришини чинакам бахтта.

Қайда хизматчими,
қайдадир сарқор,
Буқаламун каби гоҳ турланишга
Тушмасдан, ниҳоят,
Ўрганиш дарқор —
Ўз-ўзи билан ғурурланишга!

Мен айтишим керак, етар қурбатим,
Неки, бор шу асно
Бағрим қатида.
Сўниб қолганим йўқ
Менинг журъятим —
Ҳаётнинг қундалиқ
Машаққатида.

* * *

Албатта, инсонга безак шон-шараф,
Албатта, инсонда
Бордир манфаат.
Одам югурмайди бекор тўрт тараф,
Нимадир туюлар
Кўзига қаҳат.



илоҳий бир сас қулоғимга эшитилгандай бўлди: “Хужжатларини текшир, хужжатларини...” Худди шу сас тонга қадар калламда, юрагимда акс-садо бериб турди.

Эртаси куниёқ Қалқонов муаллимни бир чеккага тортдим. Гапни дунёнинг нотинчлигидан бошлаб Россияда қўлга олинган нашафурушлар тўдаси ҳақида айтдим. Қарангки, рус тили муаллими бўлса-да жаноб директор Россиядаги воқеалардан беҳабар экан.

— Янги муаллимдан шубҳам бор, — дедим, ниҳоят, мақсадга ўтиб. — Ўшанақа гуруҳлардан бўлса ажабмас.

— Яхшигина ишлаб юрибдию, — деб тўнғиллади директор истамайгина.

— Кўза кунда эмас, кунда синади, домилла.

— Нима қилишим керак, ахир?

— Хужжатларини текшириш зарур.

— Синчиклаб қараганман, ҳаммаси бинойидекки-на.

— Э, махсус текширув керак, масалан, дипломи ҳақиқийми? Ростданам ўқиганми ё сотиб олганми?

Қалқонов муаллимнинг энсаси қотиб тўнғиллади:

— Домла Хуррамович, кимга зарил ортиқча ташвиш. Ана, зўр ишлаб юрибди-ку?!

— Сиз, хушёрликни бой беряпсиз. Бирор кор ҳол бўлса бошингиз кетади-я?!

Қатор ижтимоий-сиёсий кўрсатмаларни пеш қилиб дадил-дадил талаб қилганимдан сўнг, ниҳоят, Қалқонов кўнди. Наҳот Файбулланинг хужжатларини бир ҳафталик муддат билан қўлимга топширадиган бўлди.

— Домла Хуррамович, сизга ишондик, — деб зорланди директор, — Мени сарсон қилмай, ўзингиз текширтираверинг. Қари одамман...

Албатта-да. Кексаларимиз ҳурмат-иззатда бўлиши керак. Бу ёғини ўзимиз тўғрилаймиз.

Наҳот Файбулланинг хужжатлари солинган сарғиш папка қўлга теккач, гўё унинг ўзи чангалимга тушгандек бошгинам мағрур кўтарилди. Кучимга куч, ақлимга ақл кўшилди. Ичимда бир сас текширувни дипломдан бошлаш кераклигини тинмай уқтирарди. Охири қалбимга қулоқ солдим. Бироқ мен хужжатни махсус идоралар орқали текширтириш ниятидан воз кечдим. Бирламчидан, улар жуда банд, фурсат топиб сўровнома, талабнома қилгунларича хийла вақт ўтади. Иккинчидан, янги муаллимнинг дипломидан қусур топилмаса шов-

шув кўтарилиб, шарманда бўламан. Керак бўлса, асосиз даъволар билан масъул кишиларни чапгитиб, вақтини ўғирлаганим учун бошимда ёнғоқ чақишади.

Мен пойтахтга ўзим бориб келишга қарор қилдим. Атиги беш-олти соатлик йўл. Шу баҳона ҳаво алмаштириб, у ёқ-бу ёқни томоша қилиб келаман. Жўнадим.

Вой-бў-ўй! Ана шаҳару мана шаҳар! Ани пойтахту мана пойтахт! Кўчаларда одам қайнайди. Кенг, текис йўлларда машиналар қатор-қатор, чинқириб елишади. Бозору дўконлар, идораю маҳаллалар бир-биридан серҳашам, гўзал. Ишқилиб, пойтахти азим камина кўрмагандан бери жуда ўзгариб, серфайз, жозибалор бўлиб кетибди.

Мен ўтирган автобус кун пешиндан оққан бир пайт етиб келди. Сон-саноқсиз киракашларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай тушасолиб ўзимни метрога урдим. Наҳот Файбулланинг дипломида кўрсатилган институтнинг қаерда жойлашганини яхши биламан. Қийналмай топишга кўзим етади. Чин бўлмаса, биров яримдан сўраб суриштираман. Қолган юмушлар осон. Институт раҳбариятига кирамиз. Керакли маълумотларни текшириб оламан. Мабодо, бахтга қарши, ҳаммаси жойида бўлса, гулдир-гуп. Қайтиб бораману директорга хужжатни қайтиб бераман. “Ҳозирча текширувчининг имкони йўқ экан”, деб баҳона қиламан-қўяман. Қолганини вақт кўрсатади.

Шундай таскинбахш хаёллар оғушида, одамлар издиҳомига аралашиб метро йўлагига кирган пайтим кимдир елкамга нуқиди. Қарасам, юз кўзларида хушёрлик, салобат балқиб турган милиционер!

— Ака, хужжатларингизни бир кўриб қўяйлик, — деди у эҳтиром кўрсатиб.

— Хўп, командир, хўп.

Чўнтагимдан паспортимни чиқариб узатдим.

Милиционер хужжатимни очиб кўриб:

— Ортимдан юринг-чи, — деди.

Хайрону лол аҳволда посбонга эргашдим. Стол-стуллар қўйилган, электр чироғидан чароғон бир хужрага кирдик. Ичкарида яна бир милиционер алланималарнидир ёзиб-чибиб ўтирибди.

— Мана, яна биттаси!

Мен бошлаб борган посбон қўлидаги паспортимни шеригининг олдига ташлади.

Кўп ўтмай икки милиционер бири қўйиб, бири олиб сўроққа тута кетди. Сўроқ-тергов жону дилим бўлса-да, айни чоғ посбонларга малолланиб-малолланиб жавоб бердим.

Албатта, бу дунё баланду пастлик,
Ҳар ким ёнавермас, ҳаёт деса, ён.
Гоҳо мулкпарастлик, шахспарастлик,
Гоҳида ўрмалаб юради
Ёлғон.

* * *

Чўнтак баробари
Бош,
қалб
тўладими,
Вадаванг ўйини
Саботсизлик билан?!
Ёруғ бу оламда
Мақтаниб бўладими —
Китоб ўқимаслик,
Саводсизлик билан?!

Мақтаниб бўладими
Меҳрсизлик билан
Шафқатсиз бир дамда
Оқибат оғизда?!
Соҳир бу оламда

Сеҳрсизлик билан —
Яшаб бўладими
Ўз-ўздан олисда?!

* * *

Хўп. Жоним!
Яшашнинг бордир ўз тарзи!
Умрни байрамга бағишлаш қийин.
Инсоннинг дунёда жуда кўп қарзи,
Гоҳ:
— Кейин! — деймиз-ку,
Бекор гап:
— Кейин!

Мумкин яшамоқлик
Озод, мустақил,
Аммо тез ва енгил
Кўчмас экан у.
Йўлда керак экан
Мустаҳкам ақл,
Инсоф ва диёнат.
Соғлом бир тўйғу!

Ҳаётда табиий меҳнатми, заҳмат,
Ҳар кун қайнаши керакдир қозон,
Қимирлаб турибмиз, ишқилиб. Раҳмат!
Лекин
Ҳаққа эмас
етмоқлик
осон.

Осон эмас
Ҳеч ким
Ватанга яраш,
Сендан талаб қилар
Терламоқни зап.
Одий бир ишми, деб
Халқ учун яшаш, —
Яна келиб қолди
Мўҳаббатга гап.

* * *

Лайлини келтириб Мажнун олдига —
Мана, у! — деганда, бечора Мажнун
Буюк бир мўҳаббат тушиб ёдига,
Қолаверган экан юрак-барги хун.

– Қаердан келдингиз?
 – 41-посёлкадан.
 – Нима иш қиласиз?
 – Ҳукуматдан.
 – Нима мақсадда келдингиз пойтахтга?
 – Зарил бир иш. Вазирликка маслаҳатга чақирган!
 – Вазирликка, маслаҳатга?! Шикоят билан келган-ман деб тўғриси айтиб қўя қолсангиз-чи? Ҳозир ҳеч ким осонликча пойтахтга оёқ босмайди. Ё бировнинг дастидан дод солиб келади, ё ўладиган касал, дўхтурга кўрсатиш керак.

– Мен тўғриси айтдим.
 – Яхши... А, пойтахтда пропускасиз юриш мумкин эмаслигини биласизми?

– Билмайман. Чет эллик эмасман-ку, мумкиндир-е?
 – Чет вилоятдансиз-ку?! Хуллас, гап бундай, биз сизни уч кунлик ҳибсда тутамиз. Яшаш жойингизга сўровнома жўнатамиз. Жавоб келгунча панжара ичида ўтириб турасиз. Мабодро ҳаммаси яхши бўлса, сизни шаҳардан чиқариб юборамиз. Кетаверасиз юртингизга.

Қарасам, посбонларнинг юз-кўзида ҳеч бир ҳазил-хузул аломати йўқ. Бири дарров қоғоз-қалам олиб аллақандай хужжат тўлдириб чиришди.

Бейхитёр қўлига ёпишдим.
 – Укалар, ҳозироқ қайтиб кетаман! Илтимос, қоғоз-поғоз тўлдириб ўтирманглар.

– Қаршилиқ қилинмасин, ўртоқ! – ёнимда тик турган милиционер қўлларимни силтаб ташлади. – Органга қаршилиқ қилмоқчимисиз?

Шу пайт эшикдан тагин бир қоп-қора милиционер кириб келди. Унга кўзим тушдию қувончдан ирғишлаб туриб кетдим.

– Абрай?! Ҳазир мисан, ука?
 Ҳа, бу чиндан ҳам Қобил тракторчининг ўғли Абрай! Ҳазирнинг шогирдларимдан. Мактабни амал-тақал битиргач прокурор бўлиш орзусида пойтахтга бош олиб кетган эди. Мана учрашдик. Бошланиши чакимас – резина тайёғи ярашиб турибди, димоғи ҳам баланд.

– Ҳа, домилла, – деб кўришди Абрай мен билан. – Нима қилиб юрибсиз бу ёқларда.

Узоқ ҳол-аҳвол сўрашгач, шогирдимга вазиятни тушунтирдим, аммо бир сир бой бермай, унга ҳам вазирликка келганимни айтдим.

Абрай норизо чимрилиб турган шерикларидан паспортиمنى олиб қўлимга тутқазаркан:

– Буларниқиям хизматчилик-да, домилла, – деди.
 – Совуқни совуқ, иссиқни-иссиқ демай кўриқчилик қилишади. Иш оғир, масъулиятли. Сиздай тушунган, жонкуяр биров-ярим фуқаролар қўяда-қўймай уч-тўрт танга тамаки пули ташлаб кетишади, меҳнатимизни қадрлашади-да. Баъзи бировлар эса...

– Албатта, албатта, – деб ўз ихтиёрим билан чўнтак қовлашга тушдим. – Биз баъзи бировлардан эмас, ука. Тинчлик-осойишталик учун қилинган хизмат тақдирланиши керак.

Абрай ва унинг шериклари мен узатган чой-чақани олишдан қатъий бош тортишди. Бир амаллаб кўндирдим.

Собиқ шогирд билан қуюқ хайрлашдик. У мени метро поездигача кузатиб қўйди.

Ишимнинг бу ёғи осон ва силлиқ кечди. Наҳот Файбулланнинг дипломида кўрсатилган институтни қийналмай топдим. Ҳойнаҳой фариштаю малоикалар мени етаклаб юришган экан. Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори мени илиқ кутиб олди.

Мақсадимни тушунтирдим:

– ...шуйтиб, дипломни би-ир текшириб келинг, деб мени бу ёққа жўнатишди. Ҳазирнинг маълум, замон қалти, дунё нотинч.

Сочу қош-киприклари оппоқ проректор мен узатган дипломни қўлига олар-олмас бош чайқади:

– Бунингиз қалбаки, ясама, домла. Юз фоиз ишонч билан айта оламан, қалбаки диплом. Бунақасини илгари ҳам кўрганмиз.

Қувончу ҳаяжонда қулоқларим шанғиллаб, томоқларим қуруқшаб қолди.

– Йўғ-е... наҳотки... – дея оламан зўрға.

Проректор ёрдамчи ходимини чақириб, каминанинг илтимосига кўра, Наҳот Файбуллага тегишли дипломнинг қалбаки, ясама эканлиги тўғрисида ёзма маълумот тайёрлашни тайинлади.

Бир соатлар чамаси вақт ичида иш битди! Чўнтагимда маълумотнома! Ҳовлиққанимдан пул бетига бормай киракаш ёллаб вокзалга ошиқдим. Хайрият, биз томонга юрар поезд ҳали кетиб улгурмаган экан. Шартта вагонларнинг бирига чиқиб олдим.

Поезд вилоят марказига эртаси кунни чошгоҳ маҳали етиб келди. Хуллас, тўппа-тўғри мактаб ҳовлисига кириб келганимда катта танаффусга атиги ўн дақиқача вақт қолган экан.

Мен унга қилмайман ўзимни қийс,
 Ҳар кимга бўйормас
 Бундай мажнунлик.
 Фақат, имконсизлик ҳаётимга хос,
 Менга ҳам ёт ҳисдир –
 Беҳад мамнунлик.

Тўғри, гоҳ-гоҳида сездим қаноат,
 Одамий умрни
 ўтқармоқдаман.
 Бироқ юрагимда чиқиллар соат,
 Олам бир ёқда-ю,
 мен бир ёқдаман.

Ҳаёт атрофимда
 Яшнаганидан
 Гарчи баъзан мағрур
 Кўтараман бош.

Буюк бир муҳаббат ташналигидан –
 Бехос айланади
 Кўзларимда ёш.

* * *
 Буюк бир муҳаббати бор инсонгина,
 Қўнучак жонгина:

– Кўнглида Ҳақни унутмайди.
 Жаҳолат йўлини тутмайди.
 – Ҳайлайди Ватан осойишталигини,
 бахтини,
 Шунга берар ҳар сония, бутун вақтни.
 – Ҳалқ аҳли, бир ёқадан чиқарсин, дер,
 бош...

Унга тилаш керак
 дунёда бардош

* * *
 Эй ёр! Кўнглида нур сендан,
 Озода, тиниқ шуур сендан.

Ҳечдир мен учун ҳаёт азоби,
 Ҳар лаҳзада бир сурур сендан.

Одобу самимият! Ажабмас –
 Дарс олса агарда ҳур сендан.

Не бахтки, йўлимда учрадинг сен,
 Кўксимдаги ўт-ғурур сендан.

* * *
 Эй ёр! Сенга керак
 Кўнгли баҳори,
 Аммо индамайсан.
 Сен – аёл, филсан!
 Мен бутун барчани,
 Барча қатори –
 Сени
 Байрам билан
 қутлайман дилдан!

* * *
 Кимки,
 Ҳеч вақт
 Рухим
 Бўлмасин, дер,
 қул –
 Ўз-ўзи ва ҳаёт олдида
 Масъул.



Шижоат билан “Ўқитувчилар хонаси”га кирдим. Хона тўридаги иш столида аллақандай ҳисоботлар билан овора Норхол Хушбоқова менга ҳангу манг тикилиб қолди.

— Тезда ўқитувчиларни йиғинг! — дедим тантана билан. — Анави Нажот Файбулланинг сири очилди! Фирт муттаҳам экан.

Мен ҳаяжону қувонч ичида Норхолнинг, нелар сўраганини, нелар деб жавоб берганимни эслай олмайман. Фақат бироздан сўнг катта хатога йўл қўйганимни англаб етдим. Мен биратўла орган ходимларини бошлаб келиб, анави муттаҳамнинг кўлига кишан урдишим керак эди. Ана шу ҳовлиқмалигимнинг оқибатидан Нажот Файбуллани қочириб қўйдик. У сири фош бўлганини сездию ими-жимиди “Нексия”сига ўтириб жўнаб кетди. Шу-шу мактабимиздан унинг қораси ўчди. Эртаси куниёқ бўлиб ўтган воқеалар юзасидан тегишли идораларга ёзма маълумот бердим. Нажот Файбулла устидан жиноий иш қўзғашларини талаб қилдим. Ҳақиқат бор, истак ва талаблар инобатга олинди. Мактабимизга икки марта терговчи келиб-кетди. Охири ташрифида “тушунтириш хати” ёзишимизни буюриб кетган эканлар. Мана, бажону дил битиб қўйдик. Озгина нокамтарлик қилган ўринларимиз бўлса, узр. Мен ўз бурчимни ўтадим, холос. Бир қаллобликни фош қилганимдан, катта фалокатларнинг олдини олиб қолганимдан мамнунман, албатта. Тўғри, ҳамкасблар орасида бироярим менга гижиниб, ўқрайиб қараётганлари ҳам учрайди. Бунинг ҳаммаси кўролмаслик, ичиқоралик оқибати. Шундай шарафли вазифани ёлғиз уддалаганим, машаққатлардан чўчимаганим ёқмаяпти уларга. Бироқ бошим баланд, кўкрагим тоғ, ғайирли нигоҳларни назарписанд қилмайман. Чунки мен ўз ишимдан фахрланаман. Чунки мен тарих, ҳуқуқ дарслари, машойихлар таъкидлаганидек, келажак дарслари кўлида бўлган олий тоифали ўқитувчиман.

* * *

(Бошланғич синф ўқитувчиси Эшболта аканинг тушунтириш хати)

Мен бир кекса ўқитувчиман. Тавба, нимани ҳам тушунтиришим мумкин. Ҳаммаси тушдагидек, ё, ширин бир хаёлдгидек. Нажот Файбулла деган янги муаллим мактабимизда пайдо бўлди. Туппа-тузук йигит, одоб-ах-

лоқи ҳам жойида. Сал кейинроқ ўқитувчиликни ҳам қойилмақом дўндиришини кўрдик. Масалан, мен унинг қаллоблигидан сира хабарим йўқ. Хув, бир гал дарсликлар топиб келтирганда роса хурсанд бўлганман. Кўп ҳамкасабалар шу йигитнинг дуои жонини қилганмиз. У ташкил этган жуғрофия кабинетини айтмайсизми? Маориф мудири Эрқабоев мактабимизга ташриф буюрганида янги муаллим ясантирган хонани кўриб оғзи очилиб қолган. “Эҳтиёт қилинглар, бизга жуда зарур бунақа кабинетлар”, — деди. Шунинг учун ҳам мактаб директори жуғрофия кабинетига калладай қулф остирди. Жуғрофия дарслари бошқа синфхоналарда ўтиладиган бўлди. Нажот Файбулла махсус жиҳозлаган хонани ундан тортиб олиб қўйганига бироз таажжубланди, холос.

“Меҳнатингизни юксак қадрлаяпмиз”, дея уни овутирган бўлди Қалқонов муаллим. Янги муаллим бошқа синфхоналарда ҳам бинойигина дарс ўта бошлади.

Эртаси куни, эрталаб домла Хуррамович тарихий тўнтарий ясаган ўша кун директорнинг хонасида Қалқонов муаллим ва Норхол суҳбатлашиб ўтиришган экан.

— Эшболта ака, бу ёққа киринг, — деб чақириб қолди илмий мудира менга кўзи тушиб.

Кирдик. Ўтирдик.

— Домилла, — деб гап бошлади Қалқонов муаллим. — Озгина маслаҳатингиз керак. Нажот Файбуллага беш-олти соат биология дарси берсак, нима дейсиз? Шу баҳона биология кабинетини ҳам ясашиб олардик-да!

Норхол ҳам директорни кўллаб-қувватлади.

— Кўриб турибсиз, раҳбарларнинг кабинетларга эътибори кучли.

Уларнинг фикри менга ҳам ёқди. Оқ фотиҳа бердим.

Афсус, режалар барбод бўлди. Катта танаффус пайти Норхол ранги кути ўчганча ўқитувчиларни шошилинч мажлисга йиғиб юрган экан. Мен андак кечикиб кирдим.

“Ўқитувчилар хонаси” ҳамкасабалар билан лиқ тўла. Кимдир ўтирган, кимдир тик турган кўйи ҳангу манг қотиб қолган. Дераза ёнида Нажот Файбулла бўшашибгина турибди. Ўртада домла Хуррамович, мағрур, тантанавор қиёфада, бир кўлини белига тираб, бир кўлини гоҳ-гоҳо ҳавода қиличдек сермаяпти.

— Қани, тушунтириб беринг-чи бизга, нега қалбаки диплом билан юрибсиз? Ҳукуматни, соддагина жа-

* * *

Бу дунёда бўлганлар, доим
Юксак,
Эзгу,
Гўзал
Инсонлар.
Бизга насиб этгин, Худоим! —
Улардаги каби
Имконлар.

Бизга насиб этгин, Худоим! —
Ўз-ўзига қарши
Исёнлар...
Борки, недир гуноҳ, хатоим
Покланишга муяссар
онлар!

* * *

Юксаклик аталган бир мурод,
Эзгулик аталган бир мурод,

Гўзаллик аталган бир мурод —
Ҳеч қачон билмайди ниҳоя.

Комиллик тоғлари умрбод —
Интилиб, изланган ҳикоя.

* * *

Шеър кўпдир.
Муҳаббат олдида, боқса —
Улар
Жўн танганинг
Енгил жаранги.
Табиатга қара!
Қулар
Ҳар ёқда —
Ўчмаган
Буюк Бир Муҳаббат
Ранги.

Дилкашим!
Изладим, излайман ҳамон —
Шу рангни сенда ҳам!
Сенда ҳам!
У бор...
Менинг йўлимдадир — Замину Замон.
Менинг кўнглимдадир —
Интиганим Ёр!

* * *

Ёр — Ҳақ.
Ёр — Ватан.
Ёр — Халқ.
Сезаман.

Буларни мен сендан —
ортиқроқ
севаман...

моамизни лақиллатишга ким ҳуқуқ берди сизга, ким?! Асл ниятингизни айтинг. Қанақа жиний гуруҳ билан ҳамкорсиз. Мақсад нима, мақсад?!

Домла Хуррамовичнинг қаҳрли ҳайқиригидан мактабнинг бетон деворлари ҳам зириллаб кетди. Йиғилганларнинг дами ичида. Хона ўртаси томон юраркан Нажот Файбулла чуқур-чуқур тин олди.

— Ҳа, менинг дипломим қалбаки, — дея гап бошлади у ўйчан қиёфада — Мен бу ҳақда ҳеч кимга айтолмасдим. Аввалги иш жойимда виждоним қийналиб сиримни директорга очиб қўйгандим. Балки мени тушунар деган ҳаёлда эдим. Йўқ, аюҳаннос солиб ишдан қувиб юборишди. Лекин, мен... лекин мен мактабсиз туролмайман, болаларсиз яшай олмайман. Биламан, ишонмайсиз, аммо ҳақиқат шундай. Болалар кулгусининг жарангидан завқ оламан, уларнинг кўзлари, сўзлари беғубор. Илмдан болаларгина ҳайратланишади. Мурғак онгига, ўй-хаёлига кириб келган озгина янгилик ҳам жажжиларни чинакамига қувонтиради, чинакамига ҳаяжонлантиради. Уларнинг севинчига, ҳайратига ҳайрат қўшишдан-да ортиқ қандай бахт бор? Болаларнинг беғубор қалбида янгидан-янги дунё очувчи кўнглига илм сеҳрини солувчи инсон — бу муаллимдир. Шу сабаб бу қутлуғ касб менинг эс-хушимни ўғрилаган. Шу сабаб ўқитувчилар сафига интилдим. Афсуски, ҳеч омадим юришмади. Уч-тўрт қарра пединститут остонасидан қайтдим. Бошқа соҳа бўйича ўқишга мажбур бўлдим. Лекин бари бир муаллимликнинг сеҳрли дунёси мени чорлайверди, охири, қалбаки дипломга куним қолди. Азиз устозлар — Нажот Файбулла қўлини кўксига қўйиб ҳангу-манг қотиб турган ҳамкасабаларга юзланди, унинг кўзларида жикқа-жикқа ёш айланар эди. — Азиз муаллимлар! Қисқагина фурсат бўлса-да сизлар билан олғна-ён ишлаганимдан, сизлар билан бир ҳаводан нафас олганимдан хурсандман. Сизлардан кўп нарсаларни ўргандим. Ирода, сабр-тоқат нелигини шу ерда билдим. Муаллим ҳаёти батамом жасорат, фидоийлик экан! Шунча ташвишу таҳликага қўйганим учун ҳаммаларингиздан узр сўрайман.

Нажот Файбулла хона бурчагидаги илгакдан чарм камзулини, қундузи телпагини олиб кийди-да, эшик томон юрди.

— Насиб бўлса мен ҳали қайтаман, — деди у бўсағада тўхтаб, юз-кўзига синиқ бир табассум ёйилди. — Ҳужжатларимни тўғирлаб яна сафингизга қайтаман. Мени кутинг, азиз биродарлар!

Нажот Файбулла шахд билан чиқиб кетди. “Ўқитувчилар хонаси”га оғир жимлик чўкди. Домла Хуррамович ҳануз ўртада керилиб турар, алланеларнидир зўр бериб режалаштирар эди.

— Об-бо, — дея пешонасига шапатилади у бир пайт. — Туллакни қочириб қўйдинг-ку?! Ҳаммамизни авраб кетди-я!! Мен ҳам бақадек қотиб қолибман!

Хона тўридаги стулида букчайибгина ўтирган Қалқонов муаллим ҳам зўра тилга кирди.

— Қочиб гўрга борармиди, домилла Хуррамович. Қани, унинг ҳужжатларини бу ёққа беринг.

Бир пайт домилла Хуррамович типирчилаб қолди. Дераза токчаларига, стол устига жонсарак-жонсарак аланглади.

— Ия, қани унинг ҳужжатлари?! Ҳозиргина стол устида турганди-ку?! Ким кўрди сариқ жилдли папкани? Ўқитувчилар орасига гала-говур, безовталиқ оралади.

— Нажот Файбулла олиб чиқиб кетди-ку! — овоз берди қай бир муаллим. — Рост, кўрдим. Ўзининг папка-сидир деб ўйлабман.

Домла Хуррамович гоҳ манглайига, гоҳ сонларига шаппатилаб ҳануз хона бўйлаб чарх урарди.

— Ах, туллак! Ҳужжатларини опқочиб кетибди-ку?! Энди нима қиламиз-а? Қочиб қутилиб кетди-я! Из қолдирмай кетди-я!

— Домла, — дея уни жеркиб ташлади Норхол. — Ўзингизни босинг. Ана, қўлингизда дипломи қолибди-ку, намунча чирқиллайсиз?

Чиндан-да Нажот Файбулланинг сохта дипломи домла Хуррамовичнинг қўлида эди. Домла бир зум аюҳанносдан тийилиб, ўзича алланималарни чамалади-да қалбаки ҳужжатни шоша-пиша чўнтагига солиб қўйди. Теварагига сирли бир кўз ташлаб тиржайди.

— Бўлари бўлди, бўёғи кўчди, — деб яна тилга кирди Қалқонов муаллим. — Шармандамиз чиқди. Энди у ер-бу ерда гапириб юрманглар бу воқеаларни. Биров-ярим қизиқсиниб сўраса, янги муаллимга иш ёқмади, бошқа соҳага ўтиб кетди, деб қўвверинглар.

Ҳеч кимсадан садо чиқмади. Навбатчи шоша-пиша дарсга кўнгирак чалдио ўқитувчилар бирин-кетин тарқашди.

Аммо домилла Хуррамович чидаёлмай барибир органга хабар берган экан. Мана шу баҳона тушунтириш хати ҳам ёздик. Бор гап шу. Ҳаммаси тушдагидек, ҳаммаси ҳаёлдек...

* * *

— Қалай, дело билан танишиб чиқдингизми? — деб сўради терговчи шоша-пиша хонага кираркан.

— Ҳа, ғирт қаллоб экан-ку, бу Нажот Файбулла деганлари.

— Э, нимасини гапирасиз, ҳаммани бошлаб лақиллатган. Давлат ҳужжатини қалбакилаштиргани учун унга жиноят иши кўзгадик. Ким билади, тагин қанча хунари бор, аста-секин очилаверди-да. Менимча ҳам у бирор бир жиний тўда одами, беҳуда бу ерларга санғиб келмаган.

— Ҳали ўзи топилмадими?

— Ҳозирча йўқ. Анави муаллимларнинг лақмалигидан фойдаланиб ҳужжатларини ҳам гум қилган. Жуда айёр экан, қойил. Оғзаки маълумотлар бўйича излаб юрибмиз ҳозирча. Қочиб қаерга ҳам борарди, барибир топамиз.

— Балки унинг پاسпорти ҳам қалбакидир? Балки Нажот Файбулла умуман бу ернинг одами эмасдир?

Терговчининг кўзига хавотир оралади.

— Йўғ-е, нафасингизни иссиғроқ қилинг-е, у ҳолда иш тоза чигаллашади.

* * *

Пойтахтга қайтдим. Бутун шууримни ғалати бир кайфият чулғаб олган эди.

“Нажот Файбулла қайтади, — деб ўйладим нафасимни иссиғроқ қилиб. — Ҳужжатларини тўғирлаб албатта қайтади. Ахир, у болаларсиз, болалар шундай муаллимсиз яшаёлмайди!..”

Мен автобус ўриндигига ястаниб, ҳорғин кўз юмдим.





Айро тушмас эдим сира сўзимдан

БУХОРО

Эй, “балдат ул омон”им*,
Жаҳон ичра жаҳоним,
Шеърлар айтгим келади
Қулоғингга, Бухоро!

Қўз очиб кўрганамсан,
Сўзимни терганамсан,
Ҳидлаб-ҳидлаб тўймасман
Тупроғингга, Бухоро!

Рухим кўкка учгандай,
Бор дардларим кўчгандай
Нақшбанддай эгилсам
Увоғингга, Бухоро!

Гуллар эгим келади,
Мехрим тўкгим келади.
Бухорийлар сизмаган
Қучоғингга, Бухоро!

Осмондайн омон бўл,
Замонда бир замон бўл,
Гард қўнмасин ҳеч қачон
Қароғингга, Бухоро!

Урим тугаб бир куни,
Тинганда ҳам дил уни
Жавоб бера олсам, бас,
Сўроғингга, Бухоро!

* * *

Қарашларим ёқмайди сенга
Хушламайсан кулгуларимни.
“Севаман!” деб айтганим билан
Тан олмайсан туйғуларимни.

Бўйинсунмай яшайсан хануз
Қўнгил деган ҳоқон ҳукмига.
У бир куни сени жазолаб
Қолдиради аччиқ кулгуга.

Шунда балки қалбинг ёришиб
Муҳаббатга эгарсан бўйин.
О, юрагим, дунё тўлишиб
Кетгандайин бўлади кейин.

* * *
Майли, мени севамагил, жоним,
Қулбамни сев, китобларни сев.
Нафасларинг кирсин бу уйга,
Ҳаяжонда бир нималар дей.

Бир зум ўлтир, бир лаҳза тин ол,
Мени озод эттил оламдан.
Қалбимда-ку бир умр борсан,
Қолдирмагин энди қаламдан.

Кейин... майли, ўз измингга юр,
Кетгин ҳатто кўкларга учиб.
Мен эса, оҳ, ором оларман,
Сен ушлаган китобни кучиб.

КЕНГЛИКЛАРНИ ҚЎМСАБ

Кенгликларга кўниккан кўнгил
Тор қулбага сизмайди сира.
Сўниб борар аста тафаккур
Хиёлатдан сиқилар юрак.

Мен кенгликка кўз очган кўйин
Яшолмадим жин кўчаларда.
Тўрт томонга бош уриб, сўнги
Мақон топдим жим кечалардан.

Аммо тинчим узоққа бормас
Қундуз тўзғиб ўтар туйғуни.
Фала-фовур шаҳарда ҳар кас
Топтаб кетар покиза руҳни.

Тарс ёрилай дейман шу палла
Оҳ, бунчалар бу пешонам шўр.
Вужудимнинг ҳар бир қатида
Жон беради норасида шеър.

Аммо... токи журъат бор экан
Парвоз этиб мисоли бир қуш.
Кенгликларга чиқиб кет, Чоршамъ,
Кенгликларда уйғонади ишқ!

* * *
Ажабтовур бир дўстим
Фикр сўраб толмайди.
Сўнгра... гапинг тўғри деб
Билганидан қолмайди.

Ажабтовур бу дунё,
Энди мен ҳам толмайман.
“Севма!” дема, севгилим,
Билганимдан қолмайман.

* * *

Қишлоқ кеч уйғотди туйғуларимни
Ҳайиқиб яшадим шадод қизлардан.
Пинҳон ёнишларни айтмаганимда
Айро тушмас эдим сира сўзимдан.

Бўйим ўсаверди кўнглимдан аввал,
Шарм кўтарилмай келди юзимдан.
Тунги кезишларни айтмаганимда,
Айро тушмас эдим сира изимдан.

Ғўр бола эканман ўшанда чоғи,
Энди англаяпман буни бўзимдан.
Ёшлик қайтмаса ҳам кўнглидан кечиб,
Айро тушгим келар баъзан ўзимдан.

БАҲОРНИ КУТИБ

Қаҳратон қиш олар забтига
Оқ бўлса ҳам қордан тўямиз.
Бойчечакни энди афтидан
Баҳор келсин, кейин кўрамыз.

Сукунат бор бу фасл аро,
Ёлғизликка мойил юрамыз.
Ширин-ширин кенг давраларга
Баҳор келсин, кейин кирамыз.

Арзитмайин ўзингни кўп ҳам,
Тезроқ ўта қол, аямакўз.
Ҳадик кетгайми кексалардан,
Баҳор келсин, кейин биламыз.

Рутубатда жунжукма, жоним,
Бахтни кутиб яшаш шевамыз.
Ҳислар жўшиб, қонлар кўпириб
Баҳор келсин, кейин... севамыз!

* Тинчлик шахри демак.



Зулфия ҚУРОЛБӨЙ қизи



Ҳикоя

Уч кунлик ойни кўрганмисиз?

Нозиккина, рангпар, хира ёғду сочиб турувчи уч кунлик ой... Бир қарасангиз ёрқин, яна бир қарасангиз заррин нурлари борлиқни ёритишга кучи етмаётгандек беҳол... Унга тикилаётганингизда кимдир ёдингизга тушмайдами? Йўқми?

Мен эса...

Мен эса ҳар доим ой янгиланганида қорамтир осмоннинг бир четида ийманибгина турган ҳилолни кўришим билан ёлғизгина дугонам Ҳилолани эсга оламан.

Ҳилола!

Уч кунлик ҳилол мисол нозик, рангпар, юпқа лаблари қонсиз... Қуюқ киприкли шаҳло кўзлари гоҳ маъсум, гоҳ қайғули, баъзи-баъзида, кайфияти аъло вақтларида шўхлик-муғомбирлик билан боқади. Сочини ҳар доим силлиқ тараб, турмақлаб юрарди. Ва бу унга жуда ярашарди. Ойимқизларга ҳам ўхшаб кетарди.

Мен у билан институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирганимдан кейин қишлоғимиздаги ўрта мактабда пионервожатий бўлиб ишлаб юрган вақтларим танишганман. Қизлар ўз тенгқурини, синфдошини одатда дугонам дейишади. Менинг дугонам эса... мендан роппа-роса 6 ёш катта эди. Ўқитувчилардан тажриба ўрганиш учун уларнинг дарсларига киргим, кузатгим келарди. Кўпчилиги рухсат бермасди. Рози бўлганлари ҳам қандайдир хавотир билан менга қараб кўярди. Ҳилоладан бир оғиз сўрашим билан у дарров рози бўларди. Дарсни зўр ўтарди. Ҳамма уни мақтарди. Дарси кўп эди. Икки сменалаб ишларди. Кун бўйи мактабда, ғала-ғовур ичида юрарди. Менинг ишим ҳам шу: кун бўйи мактабда юриш.

Бир куни тушлик вақтида хонамда Ҳилола билан чақчақлашиб, чой ичиб ўтиргандик, эшик очилиб ичкарига Шомаҳмуд деган физика ўқитувчиси кириб келди. Ниманидир сўрамоқчи шекилли, икки кўзи менда.

— Ҳа, Шомаҳмуд ака, кеча Заргарлик кўчасида нима қилиб юргандингиз? — деди туйқусдан Ҳилола қувлик билан менга кўзини қисиб кўяркан.

— Қ-қ-қачон? — Шомаҳмуд ака бундай саволни кутмаган шекилли, саросималаниб Ҳилолага қаради.

— К-кеча к-кечқурун, — деди Ҳилола ҳам дудуқланиб.

— Э, бекорларни айтибсиз, кеча кечқурун мен уйда эдим.

— Бекорларни сиз айтибсиз, кеча кечқурун Заргарлик кўчасида эдингиз. Ўзим, ўз кўзим билан кўрдим.

— Унақа деманг-е, янгангизнинг қулоғига ошса нақ ба-лога қоламан-а!

Шомаҳмуд ака нима учун келганини ҳам унутиб, эшикка ўзини урди. Ҳилола шарақлаб кулиб юборди. Унга мен ҳам қўшилдим. Мактабимиздаги эркак ўқитувчилар “Заргарлик”

кўчасининг номини эшитиши билан бир сесканиб кетишларини пайқаб юрардим. Лекин нима учун бундайлигини билмасдим. Шу боис кулиб бўлганимиздан кейин Ҳилоладан бунинг сабабини сўрадим.

— Ўша кўчада Ойсанам деган аёл яшайди. Эри йўқ, икита боласи бор. Хотинига кўнгли йўқ, хотини билан уришган эркакларни ўшаникидан топаверасан, — деди Ҳилола.

— Шомаҳмуд ака ҳам ўша ерга борадими?

— Шунақа деб эшитганман.

— Бечора хотинига қийин экан. Раҳмим келиб кетяпти.

— Менинг эса... ҳавасим келади, — деди Ҳилола дабдурустан.

— Йўғ-е, нима учун? — деб юбордим беихтиёр.

— Шунчаки, ўзим, — деди Ҳилола, унинг ҳозиргина кулиб турган чеҳраси тундлашиб, кўзларида аламли изтироб пайдо бўлганди.

Сухбатимиз ўз-ўзидан “совиган ош”га ўхшаб қолди. Ҳилоланинг кайфияти бузилган, сухбатни давом эттиришга иштиёқи ҳам сўнган эди.

— Яна чой қайнатайми? — дедим вазиятдан чиқиш, Ҳилоланинг хаёлини чалғитиш учун.

— Йўқ, бўлди. Ноннинг ўртасини менга бер. Ҳа, ҳа, шу ерини...

— Ноннинг ўртасини яхши кўрасизми?

Ҳилола ялт этиб менга қаради. Қайғули изтироб чўккан кўзлари кулимсирагандек бўлди.

— Жиннивой, эшитмаганмисан?..

— Нимани? — деб сўрадим ростакамига ҳайрон бўлиб.

Ҳилола муҳим сирни ошкор қилаётгандек мен томонга энгашиб, паст овозда деди:

— Ноннинг ўртасини еган қизларнинг куёви чиройли бўлармиш...

— Шунинг учун ҳар доим...

— Ҳа-да, — Ҳилоланинг юзига табассум югурди. — Энди иккаламиз роса талашсак керак-а ноннинг ўртасини.

— Йўғ-е, менга барибир, негр бўлмаса бўлди.

— Вой шумтака-ей, сенам балосан.

Мен Ҳилоланинг кўнгли ёзилганидан, яна кула бошлаганидан хурсанд эдим.

Ўқитувчиларнинг ҳаммаси Ҳилолани яхши кўрарди, дея олмайман. Унинг оёғидан тортадиганлар, ғийбат қиладиганлар ҳам йўқ эмасди. Юқорида айтганимдай, у икки сменалаб ишларди. Директоримизнинг таъбири билан айтганда, у дарсни “пок-покиза” ўтарди. Шунинг учунми мактаб маъмурияти ҳам ундан дарс соатини аямасди. Бу эса баъзи ўқитувчиларга ёқмасди. Юзига айтишмаса-да, ортидан ҳар хил бўлмағур гапларни гапиришарди.



— Эри бўлмаса, бола-чақаси бўлмаса, бизга ўхшаб. Битта маош битта бошига етмайдими? Намунча беш панжасини ҳам оғзига тикмаса, — дейишарди улар йўлакдами, эшик олдидами туриб олишганча кўзларини ола-кула қилишиб.

— Битта маош етмаса керак-да, молочний костюм-юбкасини олти йилдан буён кияди, — дерди улардан бири овозини сал баландлатиб.

Бу гап-сўзлар Ҳилола ҳақида айтилаётган бўлса-да, менга оғир ботарди. Ўша ўқитувчиларни ҳали-ҳанузгача ёмон кўраман.

Учинчи чорак тугаб, тўрттинчиси бошланган кунлар... Бу ёғи баҳор эмасми, мактаб ҳовлисида ишлар кўпайган. Уч-тўртта ўқувчини олиб, йиғилган макулатурани машинага орттираётган эдим, шу томонга бир-бир босиб келаётган Ҳилолага кўзим тушди.

— Хонанга борсам йўқ экансан, — деди у яқин келгандан паст овоз билан. Унинг қовоғи солиқ, кўзлари қизарган...

— Дарсингиз йўқми?

— Бугун дам олиш куним-у... — деди у ерга қараб.

— Мазангиз йўқми? Нима бўлди?

— Шунчаки, ўзим, — деди Ҳилола, кулмоқчи бўлди. Бироқ... Беихтиёр қизарган кўзларидан ёш сиза бошлади. Ҳилола базўр ўзини тутиб турганини, уйда қандайдир нохушлик юз берганини ҳис этдим. Макулатура йиғаётган болаларга жавоб бериб юбориб, унинг ёнига қайтдим.

— Кеча мен ишда вақтимда уйга совчилар келишган экан, — деди Ҳилола аланглаб, ён-веримизда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шивирлагудек бўлиб. — Ота-онам қайтариб юборишибди.

— Нега?

— Билмадим, — деди Ҳилола елкасини қисиб. Ўпкаси тўлиб бораётганлиги овозидан сезилиб турарди. — Ҳар доим шунақа қилишади.

— Яхши жойдан... яхши кишидан бўлмагани учун қайтаришгандир-да.

— Э, менга деса, балойи азим бўлмайдами? — деб бирдан бақариб юборди Ҳилола. — Менинг ёшимда эр танлаб ўтиришнинг ўзи галати-ку.

— Ҳар қалай, ота-онангиз сизга ёмонликни раво кўрмас.

— Шунақа дейсан-у, менинг ўрнимда бўлганингда, билардинг. Агар ишонсанг, уйга боргим келмайди. Мактабда ишлагим, қишлоқда бош кўтариб юргим келмайди. Уяламан. Одамлардан уяламан. Ҳамма қўлини бизиз қилиб, мени кўрсатаётгандек. “Қариқиз, ҳеч ким уни олмайди”, деяётгандек. Уйда бўлса... укаларимнинг, келинларимнинг юзига қарай олмайман. Келинларим боласини эркаласа, эрлари билан ҳазиллашиша мен ерга кириб кетай дейман. Ичимда нимадир чирт-чирт узилади. Дам олиш кунларим ҳовлида бирор юмушнинг бошини тутишим билан келинлардан бири югуриб келиб, кўлимдан олади. “Сиз кўяверинг, ўзимиз қиламиз”, дейишади одоб билан. Лекин бу сўзлар менинг кулоғимга бошқача эшитилади: “Рўзғор бизники, сиз аралашманг!” Кичкина келинимизнинг мактабда ўзим ўқитганман. Келинликка ҳам мен тавсия қилганман. Ҳозир учта болали бўлди. Мен эсам... Уларнинг олдида айбдордек юзим шувит. Ҳали ҳам қиз бола, деган номдан қанчалик уялишимни билсанг эди.

Мана шу ўзимизнинг Шомаҳмуд муаллимни биласан-а? Суюқ оёқ, қайси аёл кўзига яхши кўринса, ўшанинг кетидан қолмайди. Унинг хотинига ҳамманинг раҳми келади. Алданиб яшаппти деб. Мени эса... Ҳатто ўша аёлга ҳам ҳавасим келади. Яхшими-ёмонми эри, бола-чақаси бор... Ўзига бек, ўзига хон. Топса ейди, топмаса йўқ... Мен бўлсам икки смена-лаб ишлаб ҳам тузукроқ кийина олмайман. Уйдаги келинлардан истиҳола қиламан. Топганига кийим олишдан бошқа нима ташвиши бор бунинг, дейишларини истамайман. Маошимни тийин-тийинигача ҳисоблаб онамнинг қўлига бераман. Кат-

та рўзғорни қандай эплашни билмай боши қотган онам хурсанд бўлиб қолади. Менга шунинг ўзи кифоя...

Ҳилоланинг кўзларидан шашқатор ёш оқар, ранги докадек оқариб кетганди. Мен нима дейишни, нима қилишни билмасдим. Тилимга бир калима ҳам сўз келмасди. Йиғлаётганини Ҳилоланинг ўзи ҳам сезмасди чоғи. У беҳушдек, бир нуқтага қадалган қорачиқлари қотиб қолган, вужуди ҳам тошга айлангандек қилт этмасди...

Шу воқеадан кейин Ҳилола уч-тўрт кун худ-беҳуд бўлиб юрди. Хонамга ҳам кирмай қўйди. Ўқитувчилар хонасидами, зинапоядами дуч келиб қолсак, бош ирғаб саломлашиб ўтиб кетарди. Анча кун ўтгач ўзини ўнглаб олди шекилли, яна аввалгидек бўлиб кетдик. Тушлик қилгани, ноннинг ўртасини олиш учун яна менинг хонамга кирадиган, икковлон у ёқ-бу ёқдан олиб, чақчақлашадиган бўлди. Кунлар шувиллаб ўтиб борарди.

Бир куни у ҳазил тариқасида менга шундай деди:

— Нархинг баландлигида бирортасини ушлаб қолсангчи. Вақтинг ўтгандан кейин ўз-ўзидан нархинг ҳам тушиб кетади. Биласанми, йигитлар қизлар ҳақида нима дейишларини? Йўқми? Унда эшитиб ол: 18-19 ёшли қизларни “упаковка”даги, 20-21 ёшлиларни “прилавка”даги, ундан уёғидигиларни “утильный” дейишаркан. Бизга ўхшаб “утильный” бўлиб қолмасдан ҳаракатингни қил.

“Бизга ўхшаб” деганида Ҳилоланинг овози титраб кетди. Лаблари жилмайиб турибди-ю, кўзларида чек-чекгараси йўқ андуҳ акс этарди.

— Ҳали бахтли бўлиб кетасиз, — дея олдим базўр. Негадир менинг ҳам овозим титрар эди. Нафақат овозим, бутун вужудим безак тутгандек қалтирарди.

— Э, кўйсанг-чи, уйдагилар охири совчиларни қайтаргандан кейин хотин кўйганлар ҳам сўрамай қўйди, — деди у умидсизлик билан.

Ҳилоланинг юзига қарашга юрагим дов бермасди. Билмадим, ҳозир унинг юзи қанчалик ўзгариб кетган экан? Алланимани қидираётгандек стол тортмасини титкилай бошладим.

— Учинчи сменада ҳам иш бўлса, ишлар эдим.

Шу пайт кўнгироқ чалиниб қолди-ю, Ҳилола ўрнидан турди.

— Бўпти, мен кетдим.

Эшик оҳиста ёпилгандан кейингина, бошимни кўтардим. Қанийди, менга тушимдами, ўнгимдами Хўжайи Хизр йўлиқса. Мен ундан Ҳилолага бахт сўрардим, дея орзу қилганча неча-неча кунларни, ойларни, ҳатто йилларни ўтказиб юбордим. Ҳар куни ишга Ҳилола ҳақида бирор янгилик эшитармикиман, деган умид билан борардим. Афсуски, туну кун ўйлаганим билан, ният қилганим билан менга Хизр йўлиқмасди, Ҳилоланинг эса бахти очилмасди. Мен ҳамон ҳайрон эдим. Нега Ҳилоланинг ота-онаси келган совчиларни қайтаришади? Тан олиш қанчалик аламли бўлмасин, Ҳилоланинг ўзи айтганидек, унда танлаш имконияти йўқ-ку! Нега ота-онаси шуни инобатга олишмайди? Укалари-чи, уларни жин чалдими? Опаларининг ўлай деб ишлаб топган пуллари ни майда чайнаб еб ётиш учун оёқ туираб туришибдимкин, деган шаккоккона хаёлларга ҳам борардим.

Вақт исмли оқсоқол қария ҳассасини дўқиллатганча ўтиб борарди.

Бу орада мен ҳам оилали бўлдим. Уч марта туғруқ таътилига чиқиб, уч марта таътилдан қайтдим. Ҳилоланинг эса ҳамон боши очиқ эди. Лекин у жуда ўзгариб кетганди. Энди илгаригидек пана-панала йиглаб-сиқтамас, нола қилмас, ота-онасини ёзғирмас, аксинча, аёл ўқитувчилар ўзаро эрлари, бола-чақалари ҳақида гапиришаётганларида у ҳеч ҳам тап тортмасдан:

— Бизгаям бирортасини топинлар-ей. Юраверамизми, итнинг кейинги оёғи бўлиб, — деб қоларди шартта.

Аввалига аёллар жуда ноқулай аҳволда қолишди. Ҳатто унинг бу қилиғини шармсиликка йўйганлар ҳам бўлди. Лекин кун-кунора шу гап такрорланаверганидан кейин ўқитувчилар ҳам кўникиб қолишди. Энди улар аввалгидек лабларини тишлаб, юзларини чимчиласди. Энди улар секингина бир-бирларини туртиб, им қоқишар, Ҳилола сал нари кетгач, гишавани бошлашарди:

— Ёши ўтгандан кейин қиз боланинг ҳам юзи очилиб қоларкан. Уят бўлар ҳам демайди-я. Ота-онаси қандай қилиб бунинг насоғига чидаб ўтиришибдийкин?

Шу ва шунга ўхшаш гапларни баъзи бетгачопарлар Ҳилоланинг олдида ҳам айтишарди. Лекин у парвойига ҳам олмасди. Негадир ўзини қувноқ кўрсатишга ҳаракат қилар, тинмай, лабилабига тегмай гапирарди. Унинг ўзини тутиши мени танг қолдирарди. Вақт ўтган сайин у ўз тенгқурларига нисбатан ҳавоироқ бўлиб бораётган эди. Тўрт-бешта боланинг, эрнинг, рўзгорнинг ташвишини тортавериб қаримсиқ бўлиб қолган дугонасини мазақ қилаётганини ўз қулоғим билан эшитганман.

— Шошиб-пишиб эрга тегволиб, энди жазангни торта-япанми? Эр қочиб кетармиди? Муштдай бошингдан бировнинг эшигига чўриликка бориб нима каромат кўрдинг? Қариб, адойи тамом бўпсан-ку. Сочларинг ҳам оқариб кетибди. Нима бало, эрдан ёлчимаганмисан?

Чиндан-да сочлари оқариб кетган, чиндан-да юзларига ажин тушиб қаримсиқ бўлиб қолган дугона инсофли экан, Ҳилолага жавобан лом-мим демади. Ҳа, энди шу-да, дегандек синиққина жилмайиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам у қаримсиқ эди. Лекин Ҳилоланинг гезарган, изтиробли юзидан фарқли ўлароқ, унинг қарашлари хотиржам ва сокин эди. Тақдирдан қониқиш ҳисси юз-кўзларида аниқ-тиниқ акс этарди. Ҳилола очиқ-ошқора виқор билан унинг ёнидан ўтиб кетди. Ҳатто дугонаси билан хайрлашмади ҳам.

Ҳилолага нима бўлди?

Нега у ўзини бундай тутяпти?

Қачондан буён бу қўйга тушиб қолди?

Саволлар, ҳар хил ўйу фикрлар миямда гужғон ўйнар, бир лаҳза бўлсин тинчлик бермасди. Сўнгги вақтларда ўзим билан ўзим овора бўлиб қолиб, Ҳилолага эътибор бермай қўйган эканман. Аввалгидек унинг ҳасратларини соатлаб эшитиб ўтиришга менда ҳам вақт йўқ эди. Битгаю битга дардкаши мен эдим. Ёлғизланиб қолган бечора Ҳилола охири шу йўлга ўтган... қўйга тушган...

Бир куни иккинчи сменадаги дарсимга шошиб келаётиб йўлда Ҳилолага дуч келдим. У тушлик қилиш учун уйига кетаётган экан. Бир пас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турдик. Гап орасида Ҳилола дабдурустан:

— Менга қара, анави киши бор-ку, қўшнилари Сафар ака, ўшани хотини ўлибди деб эшитдим. Шу ростми? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, бечора қора сон бўлган экан. Бирданига ўлиб қолди.

— Қариндошлари Сафар акага хотин қидиришаётгандир? — деб сўради Ҳилола менга синовчан тикилиб.

— Билмадим, — дедим ҳайрон бўлиб. Ҳилоланинг Сафар акани суриштириб қолганига ҳеч ҳам тушунмаётган эдим. Ахир у олтмишга бориб қолган, келин-невара кўрган чол эди-да.

— Бир гап айтсам, ҳеч кимга айтмайсанми? — Ҳилола менга яқин келиб, нақ қулоғимга шивирлади: — Ўша кишига хотин қидиришса мени...

— Йўғ-е, — дедим сесқаниб. — Ахир у...

— Майли, — деди Ҳилола бирдан маъюс тортиб. Сўнг эшитилар-эшитилмас пичирлади: — У ёғи билан ишинг бўлмасин.

“Дод” деб юборишимга сал қолди. Базўр ўзимни босдим. Ҳилола кўлимни сиқиб қўйди. Унинг кўзларида филт-филт ёш ҳалқаланди...

Сал кам бир ой Ҳилоладан қочиб юрдим. Негадир унга

дуч келиб қолишдан чўчирдим. Мактабда, кўча-қўйда учрашиб қолсак шошиб турганлигимни баҳона қилиб жўнаб қолардим. Ўша кунги гапини кўнглимга оғир олганимни ўзи ҳам сезди шекилли, бу ҳақда қайта оғиз очмади.

Қиш чиқиб, кўклам оёқлаган кунларнинг бирида қалбимни ларзага солган қувончли хушхабар эшитдим. Эмиш-ки, Ҳилолани сўраб келган Қўйтошлик совчиларга ота-онаси розилик берибди!

Бу ҳақда биринчи бўлиб суюнчи олган одам Ҳилоланинг ўзи эди!

— Дўстим, биз ҳам элга қўшилдик, — деди у оғзининг таноби қочиб. — Ҳадемай Қўйтошлик бўламыз.

— Табриклайман, бахтли бўлинг, — дедим чин кўнгиладан.

— Поччамиз ким бўладилар, деб бир оғиз ҳам сўрамайсан-а, номард! — Ҳилола билагимдан беозоргина чимчилаб қўйди. Шу чоғда уни бир кўрсангиз эди! Ял-ял очилиб кетганди. Шаҳло кўзлари чақнар, ёноқлари лов-лов ёнар, ҳаммаша изтироб билан қимтилган лабларида юракларни ўртаб юборгучи табассум жилваланади. — Поччанг шўпир бўлган экан. Саккиз йил бурун 10 яшар болани босиб кетгани учун қамалган экан. Яқинда амнистияга учраб, қамоқдан озод бўпти. Худо оху зоримни эшитган экан. Чол бўлсаям майли, пешонамда борини кўраман, деб юргандим. Ҳар қалай ўз тенгимни топдим. Уйланмаган, бўйдоқ экан.

Ҳилола кўзларини юмиб, бир лаҳза тин олди.

— У билан гаплашиб кўрдингизми? — дея сўрадим бо-тинмайгина.

— Албатта. Бир ҳафта ичида икки марта учрашдик. Ўзи излаб келди. Уям ўзимга ўхшаган, очиққина экан. Гаплашмаган гапимиз қолмади. У менга Қўйтош ҳақида гапириб берди. Жуда маёвка боп жой экан. Мен унга сен ҳақингда гапирдим. Тўйдан кейин дугонангни маёвкага олиб чиқамиз, деди у. Борасанми биз билан?

— Албатта.

— Кейин у менга қариндош-уруғлари, онаси ҳақида гапириб берди. Уй-жойларини ҳам роса таърифлади. Ҳатто ҳовлисидан нон ёпиш учун тандир йўқлигини ҳам айтди. У қамоқдалигида онасига акаси билан янгаси қараб турган экан-да. Тўйдан кейин онамни олиб келамай, биз билан яшайди, деди. Хўп, дедим. Ўзим чиройли тандир қуриб, сизга иссиқ-иссиқ нонлар ёпиб бераман, дедим.

— Тандир қуришни биласизми?

— Вой, билмайди, деб ўйлайсанми? Шунча йилдан буён нима қилиб юрибман? Қўлбола тандир-да...

Ҳилола тўлиб-тошиб, жўшқинлик билан гапирарди. Мен ҳар доимгидек қайғу-ҳасрат билан эмас, кўнглимда ажиб бир энгиллик туйиб унинг сўзларини тинглардим.

Мен бахтиёр эдим.

Ҳилоланинг нафақат оғир дамларида ҳамдард, балки бахтли онларида ҳам қувончига шерик бўлаётганимдан хурсанд эдим.

Икки ҳафта ичида тўй бўлиб кетди. Келин дугона бўлиб Қўйтошга ҳам бориб келдим. Куёв бўлмиш, яъни поччамиз (Ҳилоланинг таъбири!) тузук йигитга ўхшайди. Оғир, вазминлиги менга ёқди. Бошқаларни билмадим-у, тўйдан кейин елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Юрагимни бир четини тошдай эзиб турган оғир юкдан халос бўлгандим.

Бироқ...

Бироқ қувончим узоққа чўзилмади. Тўйдан кейинги саккизинчими, тўққизинчими кун эди. Мактабга келсам... келганимда... эшик олдида мени шумхабар кутиб олди: Ҳилола оламдан ўтибди!

Бошимга гурзи тушгандек ўзимни йўқотиб қўйдим. Болаларнинг шовқин-сурони ҳам, муаллимларнинг гала-говури ҳам қулоғимга кирмасди. Эшик олдидан ортимга қайтдим.

Кечагина Ҳилолани бир гала аёллар кўршовида ёр-ёр айтиб

узатиб чиққан хонадонга азалик кийимида кириб бордим. Осмон ўйилиб, шу ҳовлини босиб қолгандек... Қий-чув... йиғисиги... Дод-фарёд...

Бошдан-оёқ қоп-қора либосга бурканган аёллар томонидан эшитилган “Вой, болам”, деган нола юракларни ўртайди. Бел боғлаган эркаклар томонидан келаётган “Вой, гулим”, деган фарёд бутун борлигингизни ер билан яксон қилади. Йиелаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам йиғлади...

— Ўн кунгина кунинг бор экан, шунга шунча шошдингми, болам?! — дея нола қиларди Ҳилоланинг онаси. Унинг юзлари тимдаланган, кўзларининг оқига довури қизариб кетган, қовоқлари ҳаддан ташқари шишиб, осилиб қолганди. — Ўн кунгина кунингга шунчалик ториқдингми, болам?!

Пайт пойлаб туриб ёнимдаги аёлдан:

— Нима бўлди ўзи? — дея секингина сўрадим.

Унинг юз тузилиши, қош-кўзлари Ҳилоланинг онасига ўхшаб кетарди.

— Нима бўларди? — деди аёл хирилдоқ овозда ва оғир ух тортиб қўйди. Йиғлайвериб унинг овози бўғилиб қолганди. — Касал эди шўрлик. Суюқ қон эди. Гемофилия... Ой кўрса кўп қон кетарди. Ўн тўрт ёшида дўхтирлар кўриқдан ўтказиб, турмушга чиқиши мумкин эмас, деган. Палакат-да, биринчи кечадан кейин қон тўхтамай қолиши мумкин, деб ота-онасига қаттиқ тайинлашган. Лекин Ҳилолага айтишмаган. Қанчадан-қанча яхши, тагли-тугли жойлардан совчи келди. Ҳаммасини қайтардик. Ич-ичидан куйиб юрсаям, нима десак, нима баҳона қилсак кўниб, ишониб юрганди шўрлик. Лекин бу сафар ўзи оёқ тираб туриб олди. Мен кенжа холасиман. Уришиб ҳам кўрдим, алдаб-сулдадим ҳам, кўнмади. Нима қилай?... Бир умр эшикларингда чўри бўлиб ўтиб кетарканман-да, дейишгача борди. Охири айтдик, шунақа касалсан, дедик. Майли, пешонамда борини кўраман, деди. Ноилож рози бўлдик. Ўша куни ҳаммаси яхши, деб бизга ўйнаб-кулиб жавоб бериб юборганди. Кейин билсак, ўшандан буён қон кетиб юрган экан. Бизга айтмаган, умуман сездирмаган. Бунинг устига тандир қураман деб, қирдан тупроқ ташиган. Кечкурун ҳолдан тойиб йиқилган. Эри дўхтирга олиб чопган. Етиб боргунча анча қон йўқотиб, қонсираб қолган. Дўхтирлар дарров қон қуйишган. Лекин Ҳилоланинг организми бировнинг қонини қабул қилмаган...

Яна йиғи, яна йўқлов, яна айтув авжига чиқди. Ҳилоланинг кенжа холасининг ёнида катта рўмол ёпиниб, бир бурдагина бўлиб ўтирган аёлни танидим: Ҳилоланинг қайнонаси. Бошқаларга ўхшаб бақириб-чақирмаса-да, рўмолчасини кўзига босганча айтиб-айтиб йиғларди:

— Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, болам. Тандир қуриб, нонлар ёпиб юрсанг бўлмасмиди, болам...

...Бу ерда ортиқ тура олмаслигимни, бундан буёғига дош бера олмаслигимни ҳис этдим. Бири кириб, бири чиқаётган одамларга туртиниб-суртиниб, қоқилиб-суқилиб ҳовлидан чиқдим. Шитоб билан катта йўлда кетарканман, кўларимдан тирқираб ёш қуйилар, бўғзимга тошдек нарса тегилиб, юрагим бехузур бўларди. Негадир бу ердан тезроқ узоклашгим, ҳамма-хаммасини унутгим келарди. Ортимга ўтирилиб қарашга кўрқаман. Назаримда, ортимдан бир тўда бели боелик эркаклар, аёллар дод-фарёд қилишганча қувлаб келаётгандек: Вой, болам... Вой, гулим... Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, болам...

* * *

Уч кунлик ойни кўрганмисиз?

Нозиккина, рангпар, хира ёғду сочиб турувчи ҳилол... Унга тикилаётганингизда кимдир ёдингизга тушмайдимиз?..



Зикрилло НЕЪМАТ

Муҳаббатсиз

яшаб бўлмас

* * *

*Сенга кўнглим очай, эй ёр,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас,
Ениқ ишиқим этай изҳор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Кўёшсиз нур, садафсиз дур
ва гўлсиз бир чаман бўлмас.
Менам сенсиз нетай, дилдор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Неча йилки, висолинг деб
йўлингда нола чеккайман,
Кел эй энди, кўзи хўммор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Кечиб бу дардли ишиқингдан
даво топсанг-чи эй, ошиқ,
Деманг менга эрур бекор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Олинг жисимдан жонимни,
ва лек қалбимда ишиқ қолсин,
Бу оламда ахир зинҳор
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Қаранг, Ишиқ куйида гарчи
юрак-бағрини йўмишлар,
Физон айлар кўлимда тор:
“муҳаббатсиз яшаб бўлмас!”*

*Муҳаббат — бир кўёшдирким,
анга ҳеч тик қараб бўлмас,
Гоҳи роҳат, гоҳи озор —
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Муҳаббат мавзуси асли
қадим дoston эрур, дўстлар,
Севдимю кўйладим такрор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*

*Муҳаббатга садоқатини
юрак тўрида асранг деб,
Зикрилло айтадир ашғор,
муҳаббатсиз яшаб бўлмас!*



* * *

Ай, қизларжон, бир кун гулдай очилгайсиз,
Гулинг эса шайдоси кўндир билгайсиз,
Бахтингизни кўзлаб, Сизга бир сўз айтмай,
Сингилжонлар, тингланг, асло кам бўлмайсиз,
Сўзларимни малол олманг, жон қизларжон,
Ишқ бобида доғда қолманг, жон қизларжон!

Ўн саккиздан ошган қиз мубатало бўлар,
Оҳунинг ҳам кўзи бошга бало бўлар.
Оҳу каби оҳлар чекиб қолманг, кейин,
Йўлингизда шум сайёдлар пайдо бўлар.
Муҳаббатни эрмак билманг, жон қизларжон,
Садоқатни эртак билманг, жон қизларжон!

Ўзи боймас, кўнгли бойга кўнгли кўйинг,
Оғзи моймас, кўли мойга кўнгли кўйинг,
Фақат хушнингизга шайдо хуштор эмас,
Сизга чиндан кўнгли борга кўнгли кўйинг!
Муҳаббатни эрмак билманг, жон қизларжон,
Садоқатни эртак билманг, жон қизларжон!

Муҳаббат бу – тонгдек тоза туйғу бўлар,
Севишганлар бахт-иқболи мангу бўлар,
Муҳаббатни хор айлаган юракларда –
Бир умрлик армон бўлар, қайғу бўлар.
Муҳаббатни эрмак билманг, жон қизларжон,
Садоқатни эрмак билманг, жон қизларжон!

Шижоатда Тўмарисдан шиддат олинг,
Садоқатда Кўмушойдан ибрат олинг,
Ўзим бориб ўлан айтмай тўйингизда,
Келин бўлиб қайнонадан раҳмат олинг!
Муҳаббатни эрмак билманг, жон қизларжон,
Садоқатни эртак билманг, жон қизларжон!

ТОПИЛМАС

Дунё деб ўзингдан кечма эй, инсон,
Мол-дунё топилай, инсон топилам,
Юксакларга итил, борида имкон,
Фурсат ўтиб бўлгач, имкон топилам.

Ёшлиқдир кўзда нур, белда қувватинг,
Ҳар ишга етгайдир кучу қувватинг,
Елларга совурма қалбинг шиддатин,
Вақт ўтгач, дилда бу тугён топилам.

Зийрак кўзлар бедор бўлиб нур излар,
Уммонлар остидан жавоҳир излар,
Оқиллар дуодан олтин, дур излар,
Фафлатда ётганга осмон топилам.

Бахт гули ётмагай хору хасларда,
Оқибат бўлмагай тубан, пастларда.
Нафсига қул бўлган шум нокасларда –
Меҳру муҳаббатдан нишон топилам.

Юрт учун жонингни тиккил, эй фарзанд,
Элингга борингни туткил, эй фарзанд,
Тупрогин кўзларга сурткил, эй фарзанд,
Ота маконингдек макон топилам,
Она маконингдек макон топилам...

ТИНЧЛИК УЧУН

Айланар еру фалак тинчлик учун,
Нечалаб жонлар ҳалак тинчлик учун.
Менда ҳам бор бир тилак тинчлик учун,
Туну кун ёнсин юрак тинчлик учун,
Нурга чулгонсин юрак тинчлик учун!

Жилмайиб тургай самода офтоб,
Чарх уриб учгай кабуларлар шитоб.
То абад тинчлик дея қилгай хитоб,
Бўлса диллар муштарак тинчлик учун,
Бўлса эллар муштарак тинчлик учун!

Ҳар ким Эзгуликни айласин одат,
Битсин ер юзидан уруш-қабоҳат,
Мангу бўлсин десак бахту саодат,
Мангу итилмоқ керак, тинчлик учун,
Жон фидо қилмоқ керак, тинчлик учун!

ГУНЧА ГҮЛ ОЧГАЙМУ

Гунча гул очгайму бир садпора бўлгандан кейин,
Аслига қайтарму гул, бир бора сўлгандан кейин.

Асра қалбинг гавҳари ул сирли ишқинг ганжини,
Сирлиги қолгайму сир ошқора бўлгандан кейин.

Ишқ-муҳаббат бобида ҳам сабр ила тоқат керак,
Ўйрадан ҳолва бутармиш вақти келгандан кейин.

Минг машаққатлар чекиб, дилдорга итилган кўнгул,
Бахтли бўлмай қолмагайдир бахти кулгандан кейин.

Барча чеккан нола-ю, афгонларинг бўлгай унут,
Жилмайиб кулбанг аро жонона келгандан кейин.

Дўсту ёрга қил вафо сен токи умринг борида,
Қолмагил ҳасрат ютиб дил пора бўлгандан кейин.

Ибтидо бор бу жаҳонда, интиҳо ҳам бор, ажаб,
Соғ қололгайму киши паймона тўлгандан кейин.

Лек, жаҳонда ошиқ аҳли ноласи қолмас тишиб,
Бог аро бир булбули бечора ўлгандан кейин.

Кетса ҳам Зикрилло бир кун, хониши албат қолар
Ким унутгай ишқ аро афсона бўлгандан кейин.



Иброҳим МУҲАММАД



Икки ҳафта

МУЗЛАГАН БАЛИҚЧАЛАР

Қаттиқ совуқ касриданми, тушгача сартарошхонамизга биронга ҳам миқоз қадам бомади.

Мен газета ўқиб ўтирдим. Шогирдим Маъсуд эса креслога ястаниб, кўзлари ярим юмук ҳолда мусиқа тинглар эди. Ногоҳ, деразадан ичкарига қараб турган қундуз телнакли қизга кўзим тушди.

— Маъсуд, анавига бу эркаклар сартарошхонаси, деб қўйгин, — дедим деразага ишора қилиб.

Шогирдим Маъсуд эшикни очиб ташқарига чиқди.

Қизиқувчанлик курсин, кузатиб турибман. Улар уч-тўрт дақиқа суҳбатлашиб қолди. Бир пайт Маъсуд шонмай ичкарига кирди.

— Устоз, анави қиз балиқларга жудаям қизиқаркан. Аквариумни томоша қилсам майлими, деб сўрапти. Ўзиям жуда соқотиб кетибди-да.

— Майли, кира қолсин.

Маъсуд дарров қизни ичкарига бошлаб кирди.

— Ассалом, яхшимисиз? — деди қиз менга тезгина ногоҳ ташлаб олиб.

Маъсуд дарҳол мулозаматга ўтиб, аквариум яқинига курси қўйиб берди. Қиз совқотган кўзларига куҳ-куҳлаб иситганича балиқчаларни томоша қила бошлади.

Шогирдарим ичидан шу Маъсуд сал бошқачароқ чиқиб қолди-да; ақлигина қўнғилчан, устига-устига кушлару балиқчалар боқишга жуда ҳам қизиқади. Ҳатто сартарошхонада ҳам аквариум ташкил қилган.

Маъсуд қизнинг ёнидан сира жилғиси келмай, қизнинг гапларини жон қулоғи билан тинглар, балиқчалар ҳақида берган саволларга шавқ билан жавоб беради.

— Айтганингдек, балиқчаларга жудаям ишқивоз экан-а? — деб қўйдим, қиз чиқиб кетгач.

— Ҳа-а, ростданам қизиқаркан, — деди Маъсуд. — Ҳатто тушларига ҳам балиқчалар кириб чиқаётган эмиш.

— Ўзиям ёқимтойгина қиз эканми, а? Исмини сўрамадингми, исмини?

— Сўрадим, — деди Маъсуд уялиқираб жилмаяр экан. — Исми — Салима.

— Бирпасда атрофида гирдикапалак бўйи қолдинг-а? — дея ўпка-гина қилган бўлдим. — Қиз болани кўрганда, устозни унуттиш экан-да, а? Бир кўришда жигар-пигарингдан урдими ё?

— Йўғ-э, нега унақа дейсиз, уста, — деди Маъсуд ерга қараб. — Ўзи сўрайвергандан кейин жавоб бердим-да энди. Биласиз-у, балиққа қизиққан кишини ёқтиришимни.

— Хўш, у билан нимага келишдиларинг энди?

— Салима ҳам балиқ боқмоқчи, — деди Маъсуд масрур.

Мен кулибгина қўя қолдим.

Сартарошхонамиз “Шаҳар юқумли касалликлари” шифохонасининг шундоқ биқинида жойлашган.

Эртаси кунни даволанаётган жиянини кўргани бораётиб, шифохона ҳовлисида ўша Салимани учратиб қолдим.

У музлаган йўладан тойганиб кетмай деган ҳадикда ерга қараб, мен томон кела бошлади. Шундоқ ёнимдан ўтаётиб, мен томон қараб қўйди. Нигоҳлари гамгин. Шу орада Асқар жиянимни даволоччи врач чиқиб келиб мени ичкари бошлади.

Ўнг қўлидаги бешинчи палатанинг эшиги ланг очик турган эди. Бейхтиёр палатага бир кўз югуртириб олдим. Дераза рафига қўйилган бир литрлик банка эътиборимни тортди. Ичидан аквариумда боқиладиган учта балиқча сузиб юрарди.

— Балиқчаларни аквариумда боқишса бўлмайди? Бонкада ўлиб қолмайди жониворлар? — дедим Асқарга.

— Уларни боқин учунмас, ўлдириш учун атайин олиб келишади бу ерга, — дея жиддий жавоб қилди Асқар.

— Тушунмадим, нималар деясан ўзи?

— Беморлар унга тикилиб ўтиришса, гўё “сарик”лари балиққа ўтиб, ўзлари тузалиб кетишармиш, — дея киноя ила жавоб қилди Асқар.

— Ҳалиги қиз ким эди? — дея суҳбат мавзусини туйқус ўзгартирдим.

— Ҳа-а, уми? — дея эслади Асқар. — Бир тарихчи муаллимнинг шогирди, шекилли. Домла шу ерда оғир ётибди. Тез-тез кўргани келади.

— Муаллимга нима қилган?

— Аҳволи оғир, “сарик”ни анча ўтказиб юборган, — дея афсус билан бош чайқади Асқар.

Эртасига соат ўнларда Салима яна деразамиз олдида пайдо бўлди. Маъсуд уни дарҳол ичкарига киргизди. Қиз сал исиниб олгач, тўр-халтасидан бир литрлик бўйи банка чиқарди. Маъсуд банкага аквариумдаги сувдан яримлатиб, ичига балиқчалар ейдиган хўрақдан ташлади. Кейин махсус майда тўрча билан тўртта тилла балиқчани эҳтиётлик билан тутиб банкага солди. Сўнг икковлари беш дақиқалар шивирлашиб, бир нималар тўрисида суҳбатлашдилар.

Маъсуд уйдан аквариум сувини филтрлаб турувчи аппаратни олиб келган экан. Уни қандай ишлатишни қизга яхшилаб тушунтирди. Аслида бу аппаратни ишлатиш унча мушкул эмас ўзи. Аввал иккита елим найчасини аквариумдаги сувга соласиз. Кейин аппарат еминини тоққа улайсиз, холос. Зум ўтмай, сув тубидан юқорига ҳаво пуфакчалари вижирлаб чиқа бошлайди. Маъсуднинг айтишига кўра, бу мослама сувдаги қаттиқ кислородни эритиб, юмшатар эмиш. Аквариумдаги кислород эритилмаса, балиқчалар тез орада нобуд бўлар экан. Денгиз ва кўллардаги қаттиқ кислородни сув ўзлари эритиб юмшатаркан.

Маъсуд Салимани кўча муюлишигача кузатиб қўйди. Йигитча қизга ўқтин-ўқтин термулиб қолар, ногоҳ, икковларининг нигоҳлари тўқнашар, қизариб-бўзариб кўзларини олиб қочар эди.

Тушлик пайти жиянимдан хабарлашгани бориб тағин Салимага йўлиқдим.

У йўлак адоғидаги ярим очик ойнаванд эшик олдида бир хотин билан гаплашиб туришарди. Бейхтиёр жувоннинг товуси қулоғимга чалинди.

— Эримни тинч қўй, илтимос. Наҳотки шунини тушунмасанг! Сен туфайли турмушимиз бузилиб кетиши мумкин, билдингми?!

Эртаси кун қиз сартарошхонамизга кирмади. Маъсуд тиқ этган товусдан сергақлиниб, кун бўйи деразага термулиб, қизнинг йўлига кўз тутди. Индинига тағин жияндан хабарлашши учун касалхонага борар эканман, зерикибгина ўтирган Маъсудни ҳам эргаширдим. Шогирд қувониб кетди.

Шифохона деразасидан ичкарига кираётганимизда, туйқус кўзларида жикка ёш билан пиқиллаб йиғлаб кўчага чиқаётган Салимага рўбарў бўлиб қолдик. У бизга эътибор ҳам қилмай, бегоналардек лип этиб ёнимиздан ўтиб кетди. Маъсуд у билан сўрашишга уялди, шекилли, ўйчанлик ила индамай ортимдан эргашди. “Сариғ”и ўтиб кетиб оғирлашиб қолган, ўша тарих муаллими ётган палатанинг эшиги ланг очик эди. Деразага яқин ўринда ётган беморнинг юзига кўкиш чойшаб ёпиб қўйилган. Этим жимирлаб, юрагим орқага тортиб кетди.

Ўша чиройли жувон эрининг оёқ томонида турганча ун-сиз йиғлар эди.

Жиянининг аҳволдан хабарлашгач, бироздан сўнг изга қайтдик. Ташқарига совуқ. Қори апил-тапил куралган йўлак ойнадек музлаган.

ҚАСОСҚОР ҚУШЧА

Китоб жавони устидаги тилларанг қафасда мудраётган қушча эшик кулфи шикрлаган заҳоти сергак тортиб йўлак томон тикилди. Сўнг хонадон соҳиби бўлмиш чарм камзулли йигит ичкарига киргач қушча қувонгандай сайраб юборди.

— Хушxabар олиб келганлигини дарров сездинг-а? — деди йигит оғзининг таноби қочиб. — Биласанми, дўстим (йигит қушчани дўстим деб атарди). У бугун менга тегишга рози бўлди, ишонавер, чин дилдан рози бўлди, ҳа! О, қандоқ бахтлиман-а!

Қушча гўё уни диққат билан тинглар эди.

Йигит бир зум ўйга толиб турди-да, сўнг яна маънос гап бошлади:

— Тақдиримиз ўхшаб кетаркан. У ҳам мен каби яккаю ёлғиз. Мен сингари етимхонада катта бўлган бечора! Ҳозир текистилда ишлайди, ётоқхонада тураркан...

Йигит одатда ишдан кун ботмасдан келар, қушчанинг илиб қолган сувини алмаштириб, ем қўтичасига тариқ солар, кейин деразани ланг очиб хонани шамоллатар эди. Ювиниб олгач, магнитофондан майин мусиқа таратиб диванга ёнбошлаган кўйи қандайдир китобларни берилиб ўқирди. Мусиқа гўё қушчага ҳам ёқардики беихтиёр завқу шавқ билан сайраб юборар эди.

Ўша ажойиб қиз билан танишгандан кейин йигит ишдан алламаҳалда қайтадиган одат чиқарди.

Бир якшанба ўша қиз даб дурустдан йигитни кига кириб келса бўладими. Бундай ногоҳоний ташрифни кутмагани учунми, йигит бир зум ўзини йўқотиб, довдираб қолди. Боиси у эндигина уйқудан турган, уй ичи йиғиштирилмаган, ҳамма нарса пала-партиш сочилган эди.

Қиз кўлини белига тираганча, уй ичига бир кўз югуртириб чиқди-да, кейин енгил хўрсиниб, йигитнинг ҳай-ҳайлашига қарамай хонани йиғиштиришга тушиб кетди. Дарпардаларни суриб деразани очганди, хонага кузнинг салқин ҳавоси шувиллаб кирди. Қушча бундан хўб маза қилгандай сайраб қўйди.

Қиз жавонда пала-партиш ётган китобларнинг чангини қоқиб, сўнг ҳафсала билан уларни қайта териб чиқди. Қушчага қалайсан, яхшимисан дегандай қошларини кўтариб жилмайиб боқиб, жавон устидаги чанглари нам латта билан артди. Хонани яхшилаб сушириб, сидирди. Йигитнинг “э, қўйсан-чи, одамни уялтирма”, дейишига қарамай, унинг кир бўлган кўйлагу шимларини ваннахонага олиб кириб, ювиб-тозалади.

Ошқўрликдан сўнг йигит ва қиз бир-бирларига термилган кўйи гоҳ махзун, гоҳ шодон “Меҳрибонлик уйи”да кечган болалик даврларини эслашиб, анча гурунлашдилар.

— Мен унга уйланаёман, келаси шанбада тўй, — деди йигит хурсанд кайфиятда. — Уэр, дўстим, энг қувончли кунимга сени таклиф қилолмайман. Ишхонадагилар тўйимизни кафедра ўтказиб беришмоқчи. Минг афсусе, у ерга сени олиб боролмайман. Ноқудайлигини ўзинг яхши тушунасан. Бунинг учун мендан хафа бўлмайсан-а, тўғрими, дўстим?!

Раҳматли домла ётган палата балконида яқинлашганимизда, ичкаридан ўша аёлнинг аламли эзгин йиғи товуши эшитилди. Маъсуд гўё худди шу йиғи товушидан таъсирлангандай юрмай жойида туриб қолди. Зум ўтмай, эгилиб қор устидан сарғиш тусли нималарнидир териб олди.

— Булар Салимага берган балиқчаларим-ку, ахир! — деди Маъсуд овози титраб, энтикиб.

Мен ҳаммасига тушундим: Салима ҳам ўша эски гапга ишониб, балиқчаларни домланинг дардига шифо бўлади деб, бу ерга олиб келган. Унинг ҳеч қандай балиқ боқиш нияти бўлмаган аслида. Аммо...

Маъсуд қор устида музлаб ётган балиқчаларини териб олар экан, мўнглиғ кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди...

Қушча эгасининг ноилжоллигини яхши фаҳмлагандай, гўё уни тўй билан қутлагандай сайраб юборди.

Шанба куни йигит ҳар кунгидан эрта турди. Уёқ-буёқни сал саришга қилгач, ваннахонага кириб яхшилаб чўмилиб чиқди. Қанотли дўстининг суви ва емишидан хабар олди. Сочларини қуригиб бўлгач, пўрим кийиниб “кечгача хайр, қушчам, менга омад тила”, дея жилмайиб, қувонч билан чиқиб кетди.

Қушча кун бўйи йигитни кута-кута жуда зерикди. Офтоб ботиб, хонага қоронғулик тушганда, толиққан кўзларига уйқу илиниб, пинакка кетди. Қанча ухлади, билмайди. Бир маҳал эшик шарқиллаб очилди ва дам ўтмай қоронғи хона бирдан ёришиб кетди. Чироқ нуридан қушчанинг кўзлари қамашди. Ҳадиксираб, юраккинаси потирлаб бундай қараса, йигит хона ўртасида бир қучоқ ранг-баранг чиройли гулларни бағрига боғсан латофатли жононни сархуш ҳолда кўтариб турибди.

— Эсладингми, дўстим, бу ўша, менинг фариштам-ку! — деди йигит мамнунлик билан. — Энди у бизнинг уй бекамиз бўлади.

Бу гап келинчакка ёқиб тушди шекилли, табассумлар қилиб, гулларни иккита вазага солиб, бирини стол ўртасига, бирини эса қушчанинг қафаси ёнига келтириб қўйди.

— Толиқдингми? — деди йигит секингина.

Киприklarини пирпиратиб турган келинчак ноз билан бош чайқади.

— Йў-ўқ...

— Дам оламиз бўлмаса, — деди йигит кўзлари чақнаб.

Бу нозик таклифдан келинчакнинг ёноқлари дув қизарди. Йигит мамнун иришлаганча чироқни ўчирди.

Уйланганидан кейин йигит негадир қушчага кам эътибор қиладиган бўлиб қолди. Ҳуши келса ҳар замон бир-икки оғиз гаплашади, бўлмаса йўқ. Энди у диққат-эътиборини каталакдеккина хонасига ажиб тароват олиб кирган фариштасига қаратган эди.

Асал ойн ниҳоясига етгач, йигитни ишхонасидан ўн беш кунлик сафарга юборишмоқчи бўлишди. У геолог эди. Қай бир чоғда кон қидириш керак.

Унга қаттиқ ўрганиб қолган келинчак: “Ўн беш кун сизсиз қандай чидайман энди?!” — дея йиғлаб юборди. Йигит келинчакни эркалаб, ёшларини артиб қўйди-да, иши ўзи шунақа эканлигини, бундан бу ёнига сабру бардошли бўлиши зарурлигини ётиғи билан тушунтирди.

“Мени соғиниб, ўзингни ёлғиз сезсанг, ана, қадрдон қушчам билан суҳбатлашгин, хўп. Сени учратганимга қадар мен ҳар кун у билан гаплашиб, кўнглимни ёзар эдим”, — дея хотинига тасалли берган бўлди.

Эртасига йигит тоққа жўнаб кетди. Келинчак уни кўзда ёш билан кузатиб қолди.

У беш кунни амаллаб қийнала-қийнала ўтказди. Олтинчи куни ишдан кейин кимсаеиз уйга боришга оёғи тортмади. Кўнглини ёзиш учун бироз шаҳар айланди. “Сайлгоҳ” кўчасида сайр



қилиб юрган маҳал “Болалар уйи”да бирга катта бўлган дугонасини учратиб қолди. Кўришмаганларига ҳам тўрт-беш йилча бўлиб қолганди, шу боис анчагина ҳасратлашиб олдилар.

Кейин у дугонасини қўярда-қўймай уйига судради.

Нотаниш дилбарга нигоҳи тушган қушча гўё илон хавфини сезган каби ўзини қафаснинг ҳар томонига уриб, чирқиллай кетди.

“Кун бўйи ёлғиз қолиб роса зериккан. Одамни кўрса қувонганидан ўзи шунақа сайрайверади”, — дея изоҳ берди келинчак дугонасига. “Э шунақами ҳали, фаройиб қушча экан-ку бу”, — дея меҳмон қиз кўрсаткич бармоғини қафасга тикиб у билан ўйнашмоқчи бўлди. Қушча беҳосдан унинг бармоғини чўқиб ташлади. Бундай тажовузни ҳаёлига келтирмаган меҳмон нозик бармоғининг оғриғидан воҳ-воҳлаб қолди. Келинчак ўртоғининг қонаган бармоғига дори суркаб боғларкан:

“Сендан қўрққан-да, ушлаб олади деб чўчиган-да”, — дея кулиб қўйди.

Шундан кейин дугоналар қушчанинг хавотирда чинқиринига эътибор қилмай, гурунуга берилдилар. Келинчак куёвини соғинганидан дарди ҳол қилди.

Шанба кунини кечқурун зерикканидан ўша дугонаси турадиган хужрага қўнғироқ қилиб, у билан роса ярим соатлар гаплашди. Тағин ёлғизликдан полган эди, дугонаси: “Кел, эртага паркка дам олгани борамиз”, — деб қолди. Бу таклиф унга ёқиб тушди. Эртасига соат ўнларда боғ дарвозаси олдида учрашишга келишиб олишди. Эрталаб ўша жойда уни дугонаси яхшигина кийинган бир йигит билан кутиб олди.

“Йигитим” дея сирли шивирлади қулоғига дугонаси.

Кутиб олувчилар негадир ичкарига кирайлик дейишмасди. Йигитнинг бир соатига, бир атрофга олазarak кўз югуртирганини кўрган келинчак:

— Бировни қутаяпсизларми? — деди ҳайрон бўлиб.

— Бир опналари келмоқчи эди, — дея жавоб қилди дугонаси ўзича бепарво.

Беш-олти дақиқалар ўтиб, уларнинг ёнига сочларини силлиқ тараган, зарҳал гардишли кўзойнак таққан цўримгина бир йигит жилмайганича келиб, кечикканига узр сўради. Унга кўзи тушиши билан келинчакнинг юраги шув этиб, ғалати бўлиб кетди. Боиси кечиккан йигитнинг бўйи баста эриникига жуда-жуда ўхшаб кетар экан.

Эри босиқ ва ўйчанроқ эди. Бу йигит эса жуда ҳам сермулозамат, гапга чечан, бир гашириб ўн қуладиган ҳазилкаш ва қувноқ чиқиб қолди. Сертакаллүфликда дугонасининг йигитини йўлда қолдириб кетди: боғдаги сарф-харажатларни ўз ёнидан тўлади.

Сирасини айтганда, келинчак яқин ўртада бундай маза қилиб кўнгли ёзиб дам олмаган эди.

Ёқимтой йигит уни уйига кузатиб қайтди.

Келинчак тўшакка ётаркан, бугунги янги танишининг гап-сўзлари-ю, қизиқчилигини кўз олдидан ўтказиб, масрур жилмайиб қўйди.

Эртасига ишдан кейин тағин уйга оёғи тортмай, айлангани Марказий савдо дўконига йўл олди. Аввал тилла тақинчоқлар бўлимағи кириб, ҳавасларини қитиқлайдиган сирға-ю, узукларни тамоша қилишга киришди.

Шу магазинда ишлайдиган тунов кунги таниши — сермулозамат йигит уни зимдан кузатаётганини сезмади.

Келинчак бир-биридан чиройли, бежирим матоларни кўнгли орзиқиб тамоша қиларди. Янги чиққан зарҳал бир мато, айниқса, унга жуда ёқиб қолди. Матонинг нархи жуда баянда экан. Ҳисоблаб кўрса бир ойлик маоши шугинани олишга ҳам етмайди. Пулсизликдан кўнгли чўқиб, маъюсгина бўлиб дўкондан чиқиб кетаркан, бундан кейин ёлғиз ўзи дўкон айланмасликка аҳд қилди.

Эртасига оқшом маҳали эшик қўнғироғи қисқа-қисқа жиринглади. Ҳайрон бўлиб эшикни очди. Остонада ўнг қўлида бир даста анвойи гуллар, чап қўлида эса елим халта кўтарган ўша йигит илжайиб турибди.

— Таваллуд айёмингиз билан чин дилдан табриклайман, хоним, — дея қутлади йигит ўзига хос ширинсуханлик билан.

Якшанба кунини боғда музқаймоқхўрлик қилаётганларида бир-бирларига тўйилган кунларини айтганлари келинчакнинг ёнига тушди. Бугун иш билан овора бўлиб ўша гаплар эсидан чиқиб кетганди. Келинчак қувониб меҳмонни ичкарига таклиф қилди.

Йигит хонадон соҳибига ўхшаб кетгани учунми, ҳар қалай қушча хурсанд бўлгандай аввал бир сайради-ю, кейин жимиб қолди.

— Бу мендан сизга арзимас совға, — деди йигит қоғозга ўроғлик нарсани жувонга тутаркан.

Келинчак чимирилиб, қоғозни секин очиб севиниб кетганидан йигитга ажиб меҳр билан тикилиб қолди. Йигит у ороу қилган матони совға қилиб келганди.

Йигит елимхалтадаги тансиқ таомлар билан бирпасда дастурхонни тўлдириб ташлади. Қадаҳларни коньяк билан тўлдиргач, ёш аёлни қизиқ-қизиқ гаплари-у, шеърлар билан тағин бир бора қутлади. Бу жон очувчи ширин табрик аёлга жудаям ёқиб тушди. Иккинчи қадаҳдан кейин жувон сархуш бўла бошлади.

Сал ўтиб, хона узра итальянчами, французчами майин бир мусиқа тарала бошлади. Бу соғинган юракни баттар орзиқтириб, фақат ишқу муҳаббат ҳақида ўйлантриб висолга талпинтирадиган, таърифига сўз ожиз ажойиб, маст қилувчи бир мусиқа эди! Шу ажиб куй таъсирида жувон қўлларини йигитга қандай узатганини сезмай қолди.

Буларни кузатиб турган қушча баттар безовталаниб, ўзини ҳар томонга урганча чирқилларди. Куй сеҳрига маст бўлиб, бир-бирларига ёпишиб қолган меҳмон ва мезбон бунга парво ҳам қилмасди.

Йигит сархуш аёлнинг оппоқ бўйинига тилло занжир тақиб кўярган, уни ўша кунини бир кўришидаёқ ёқтириб қолганини, энди усиз бир дақиқа ҳам туролмаслигини ахтирос ила баён қилди. Бу тенги йўқ иккинчи совға-ю, ширин дил изҳори жувонга мойдек ёқди...

Чироқ ўчгач, қушчанинг ҳам овози тинди. У тақдирга тан бергандек маъюс бўлиб, даммини ичига ютган эди.

Эрталаб хона сал ёришгач, қушча безовта-безовта сайрай бошлади.

“Қизиқ, шунинг ҳам гўштини еса бўлармикан?” — деди йигит қафасга яқин бориб.

“Э, қўйсангиз-чи, шундай безор, чиройли қушчанинг гўштини еб бўладими, ахир?!» — дея ажабланди жувон.

“Нега бўлмас экан. Бедананикни ёишпади-ку? Ошга босса, жуда мазали бўлади дейишпади. Бунинки қандоғ бўлса экан-а?”

Қафас ёнида бир зум тургач:

“Эртароқ кетмасам бўлмайди, — деди йигит алланечук хавотир билан. — Тағин мени кўни-қўшнилариңгиз кўриб қолишиб, сизни гап-сўз қилиб юришмасин”.

Бу гапдан жувон эри сафарга кетган кунги ҳолатта тушиб, кўнгли бир бошқача бўлиб кетди. У тунги оғушни қўмсаб, йигитни кетгизгиси келмай, маҳкам кучоқлаб олди... ва ютоққанча унинг юзу кўзларидан ўпа кетди.

“Бўлди жоним, бўлди, — деди йигит ҳансираб. — Энди бормасам бўлмайди, индин яна келаман”.

Опиғи кетгач, жувон бирпас тўшакка чўзилди-ю, энаб мамнун керишди. Кейин ўрнидан туриб, деразаларни очиб юборди. Қушчани овқатлантримоқчи бўлди. Қафас эшикчасини очиб, шипа идишга сув солаётган чоғ худди шунини кутиб тургандек қушча лип этиб ташқарига учиб чиқди. Чирқиллаган қўйини чарх уриб, хонани уч бора айланди-да, кейин қайтиб қафас устига қўнди. Сўнг яна тепага кўтарилди-да, сўнг шиддат ила жувон томон отилди. Қутилмаган аёвсиз хужумдан аёл юзларини чангаллаганча вой-войлаб диванга ўтириб қолди.

Бекасининг кўзини ўйиб олган қушча ўз ишдан мамнундек чўзиб бир сайради-ю, кейин очик деразадан учиб чиқиб кетди.



Сабоҳат УМАРОВА

Юрагинга олов ёққандим



Камалак ранглар ҳам мавжланмас энди,
Кўёш ҳам гўёки қиздирмас мени.
Осмону фалакка қарай олмайман,
Сенга севишимни айта олмайман.

Булбул хонишлари қулоққа кирмас,
Богларда гуллар ҳам очилмай кўйган.
Атиргулни севиб ҳидлай олмайман,
Сенга севишимни айта олмайман.

Сувман, анҳоримда оқа олмайман,
Кўёшман, шом бўлгач бота олмайман.
Сенинг кўзингга тик қарай олмайман,
Сенга севишимни айта олмайман.

Сени кўрсам, юрагим уриб кетади,
Алвон лола каби қизарар юзим.
Лабим жуфтлайману ботинолмайман,
Сенга севишимни айта олмайман.

Муҳаббат борми деб сўрсалар мёндан
Жавобин беролмай ўртанар дилим.
Садоқат-вафодан сўрсалар ногоҳ,
Ростин сўйлай олмай қийналар тилим.

Болалик чоғимда, беғубор дамда,
Оқни оқ деёлдим, қорани қора.
Мени биров таъқиб қилмади, балки
Қўл силтаб қўлдилар, дедилар, бола.

Улғайиб вояга етганим сайин,
Мен дунёни таниб бордим тобора.
Мурғакликдагидек сўзлай олмайман,
Оқ рангини оқ дея, аксини қора.

Бўғзимга тиқилса ногоҳон бир чўп,
Баъзида кўрқаман ҳатто туфлашига.
Виждон кўймаса-да, ростин айтгин деб,
Юрак ботинолмас, битта "уф" лашга.

Бақаламун бўлса баъзи инсонлар,
Кўрмагандек бўлман, оддийгина, жўп.
Уларни қалб кўзим таниб турса ҳам,
Кўзларим нафратдан кийиб олар "тўп".

Гар тепада бўлсанг қуллуқ қиларлар,
Таъзим ҳам қиларлар етти букилиб.
Пастга тушиб қолсанг, ногоҳ қоқилиб,
Маломат қиларлар тутдай тўкилиб.

Мана нечун қисиз менинг бу тилим,
Муҳаббат борми деб, сўрсалар мёндан.
Айтинг, қандай қилиб ўртанмас юрак,
Садоқат, вафодан сўрсалар мёндан.

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...
Рўзгор ташвишлари ёлғиз бошида.
Шўрттак кўз ёшлари юзидан силқиб,
Титроқ лабларида сузади изсиз...

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...
Биргина бошида шунча маломат...
Оллоҳга фарёди етмаётирму,
Ёки тақдир уни синарму чексиз?

Йўқ, у тақдирдан нолимади ҳеч,
Камни ҳам кўп деди, Оллоҳ етказса.
Бахтлиман демади, мамнун гердаийиб,
Бахтсизман демади, нолимади ҳеч.

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...
Оҳлари дунёни бузишга тайёр!
Эркази ётади майиб ва мажруҳ,
Додин эшитишига кимса йўқ, эссиз...

Бу қуилар ҳам ўтар, деёлмас аёл,
Эрказига ўлим тилолмас аёл.
Ярим бўлса ҳам у тири-ку ахир,
Унга таъзимин бас қилолмас аёл.

Аёл йиғлаётир, унсиз ва сассиз...
Торгина хонанинг бир бурчагида...
Дардин эшитишига йўқдир бирор зот,
Гўё у дунёда ёлғиз ва тенгсиз.

Шаҳина ҚУРБОНОВА



ШАЛОЛАМАН

Мен шўдрингман, тонг чоғида
Гул бағрида ухлаган.
Шалоламан, тоғ кўксини
Кўз ёш бўлиб тиглаган.
Хуш насимман, майсаларни
Илк баҳорда ўйнатган.
Кўйи ҳазин чертилганда,
Тамбулларни йиғлатган.
Муҳаббатман, олов бўлиб

Юракларни кўйдирган.
Ҳижрон ўзим, кўнгиларни
Азобларда ўлдирган.
Садоқатман, ён шаънини
Ғанимлардан сақлаган.
Фарзанддирман, Ватанимни
Ёмонлардан асраган.

Урганч.





БЕДА ҲИДИ АНҚИГАН ТУНЛАР

Ҳикоялар

УМР

(Бир инсоннинг таржимаи ҳоли)

У минг тўққиз юз олтмишинчи йилнинг баҳорида туғилди. Отаси мактабда оддий муаллим бўлиб, озгин, қорачадан келган, хушфёъл-мулоим бир инсон эди.

Онаси далада ишлар эди. Уни дала этагига ўтиргизиб қўйиб, ўзи ишига уннаб кетарди. Шунинг учун кўз ўнгида дала, тутлар, шабадада силкинган майсалар, ўт-ўланларнинг турфа ўткир ислари, сувлар оққан ариқлар, толли шийпонлар қолди.

Оилада саккиз фарзанд эдилар — беш қиз, уч ўғил. Тўнғичи у эди.

У туғилганида отаси орзу қилдики: “Қош-қўзи, гавда-си, қарашлари худди менинг ўзим... Ишқилиб, ҳаёти менинга ўхшамасин. Мен кўрган қийинчиликларни кўрмасин...”

Унга Матлаб деб исм қўйдилар.

Онаси унга шундай алла айтди:

*Юзларинга томган сувга ҳайрон бўлма, аллаё...
Бахтимга сен катта бўлгин, хазон бўлма, алла...*

(Юзига сув қайдан томди экан? Қанақа сув экан? Нега томган экан? Буларни у катта бўлгач тушунди, тушунганида эса кеч бўлган эди, наинки кеч, баъзан ўзи ҳам фарзандини кучоғида олиб ўтирганида кўзи намлангану бир-икки томчи ёш ота кучоғидаги беташвиш болакайнинг юзига томган бўлса, не ажаб?)

Матлаб ўзи тенглош болалар билан бирга, иссиқ кумкўчаларда ялангоёқ ўйнаб катта бўлди. Лойқа сувларда чўмилди, иссиқдан кумга кўмилиб олган чумолиларни томоша қилди, қўй-сигир боқди — теварақдаги ҳамма ўт-ўланларнинг исмини ва хусусиятларини билиб олди.

Чунончи, чирилдоқ ўт сал шабадада ҳам чириллайди. Чириллашининг сабаби — иссиқда куриб қоладиган майда шокиллари бўлади. Шабадада шокиллалар бир-бирига урилиб чириллаган овоз чиқаради.

Етти ёшида уни мактабга бердилар. Мактаб эски бир бинода жойлашган эди, полтахталари қийшайиб кетган, қишда бақалоқ голландка печка ёқилар, болалар совуқ кунлари ўқитувчи билан биргалашиб печкага кўмир қалаб ўтирар эдилар. Лангиллаб ёнаётган олов қошида ўтилган дарслар унинг ёдига абадиян муҳрланди.

Илм оламининг ёғдулари унинг кўзини қамаштирди.

Дарсдан кейин уйда иш кўп эди — сигирларга қарар эди, томорқада ишлар эди. Ота, кейинроқ уни далага юборди —

далада у ариқ тозалади, ягана-чопиқ қилди. Ўша маҳаллари у мевалардан беҳини яхши кўриб қолди — эгатлар орасида ўтириб ейилган беҳи таъми тоабод оғзида қолди.

Синфдошлари ҳам унга ўхшаган қора-қура болакайлар эди. Биргалашиб ўйнар эдилар. Биргалашиб митти балиқчаларни тутар эдилар. У маҳалларнинг ёзи қайноқ бўлар эди. Баҳори ёмғиру жалаларга мўл, қиши эса қаҳратон-изгирирли бўлар, дарахт шохлари куз охиридаёқ қиров-булдуруқлар билан қопланар эди.

Тиллақўнғизни тўнтариб қўйиб, унинг қандай ўнглиниб учиб кетишини томоша қилишарди. Капалакни ипга боғлаб, ариқ лабида ўлжа кутиб ётган қурбақани алдар эдилар. Иссиқда, буталар остида ўзига чуқур ясаб, тубида кумга кўмилиб олган чумоли шерини лақиллатишар эди — кичкина чўп бўлгани чуқурга ташлашса, чумоли шери кум ота бошлар эди, ахйри чарчаб жимиб қоларди, шунда кумни титиб уни тугиб олишарди-да товонларига суртиб чопафонликка пойга ўйнардилар.

Улар тўрт ажралмас ўртоқ эдилар...

Тўртинчи синфда ўқиётанларида уларни биринчи бор пахта теримига олиб чиқишди.

Гўдаклигидан далада чиниққан эмасми, пахта терими уларга оғирлик қилмади. Кечгача у йигирма кило пахта терди. Бир ҳафтадан сўнг унга уч сўм пул бердилар. У пулни онасига тутқазди. Онаизор йиғлади. Боласини бағрига босиб узоқ йиғлади. Кейин рўмолининг учи билан кўзёшларини артарта, пулни боласига қайтариб берди.

— Ма, болажоним, бобонгга бер. Ўзим ишлаб топгандим, бу пулимга гўшт олиб қайнатма шўрва қилиб ичинг, деб айт.

У шундай қилди. Юз ёшга кирган чолнинг ҳам кўзлари намланди. Неварасини бағрига босди, узундан-узоқ дуо қилди. — Мен етмаганларга сен етгин, илоё, — деди. (Бобоси оламдан ўтганда, унинг ёстиғининг остидан рўмолчага тугиган уч сўм пул чиқди. Ўша уч сўм пул).

Кунлар ўтди. Улар тез ўлғая бошладилар. Тўрт ўртоқ кечалари бедазорга қоровуллик қилар эдилар. Осмон тўла юлдуз эди.

Хаёллар учқур эди. Беда ҳиди анқиган тунги далада чалқанча ётволиб, юлдузларга, сомон йўлига, ойга узоқ-узоқ термилар эдилар. Юлдузлар қўл узатса етадиган даражада яқин, ой эса ғоят улкан қизил баркаш булиб кўринар эди.

Ерга энг яқин юлдуз — Сурайё юлдузи эди.
Ерга энг яқин сайёра — Миррих эди.
Сомон йўли гўё ёрқин келажақ йўлидай туюларди.

* * *

У фалакиёт илмига жуда қаттиқ қизиқиб қолди.

Ажабо, деб ўйлар эди у, қурраи заминдан узоқ-узоқларда, фазо қўйнида яна бизларга ўхшаган одамлар бормикин? Балки қайсидир бир юлдузда қанақадир бир йигитча ҳам ўз осмонига — юлдуз каби чарақлаб турган Ерга боқиб, “ўша ерда ҳам ҳаёт бормикин?” деб ўйлаётгандир? Юлдузлар нима учун яратилган экан? Ой-чи? Сайёралар-чи? Куёш атрофидаги тўққизта сайёрадан фақат Ердагина ҳаёт бор дейдилар, унда, қолган сайёраларнинг мавжудлигининг ҳикмати нима?

Мактаб кутубхонасидаги астрономияга оид китобларнинг барини бирдай ўқиб чиқди. Қизиғи шундаки, фанларнинг ичига киргани сайин фанлар бир-бири билан қўшилиб кетаверди. Фалакиёт илмида кимё ҳам, математика ҳам, физика ҳам муҳим эди. У тўққизинчи синфдагидаёқ фотонларнинг — ёруғлик ташувчи зарраларнинг табиатини билиб олди, куёш шамолининг нима эканлигини ўрганиб олди. Миллионлаб чақирим узоқда бўлган Куёшнинг ёруғлиги Ерга саккиз дақиқада етиб келишини билганида, масофанинг ҳайбатидан ақли шошди, шунчалар узоқдан туриб қурраи арзни бу қадар исита оладиган қудрат қаршисида ҳайратларга чўмди.

Синфдошлари уни хаёлпараст дер эдилар.

* * *

Йигитлар балоғатга етдилар. Мўйлаблари сабза урди, овозлари дўриллади. Кучлари вужудига сиғмади. Кечалари кўзларидан уйқу қочди.

Мактаб тугади. Қадрдон муаллимлар уларга оқ йўл тилалар.

- Мен ҳарбий бўламан, — деди Сафар.
- Мен дўхтир бўламан, — деди Равшан.
- Мен эса учувчи бўламан, — деди Раҳим.

Матлаб эса олим бўлмоқчи эди. Қайси фандан олим бўлишини ўзи ҳам билмасди, аммо теварақдаги бу тирикликнинг моҳиятига етмоқчи эди. Молекулалар ҳаракатини кузатмоқчи, бу ҳаракатни ўзгартириб кўрмоқчи, олис фазоларга боқмоқчи ва борлиқнинг яширин сирларини ўрганиб олмоқчи эди.

Аммо...

Ўқишга отланаман, деганида отаси касал бўлиб ётиб қолди. Умуртқасида ўсма бор, дейишди дўхтирлар. Тўнгич ўғил эмасми, икки ой отанинг бошида ўтирди. Ота тузалишга тузалдию, тўшакка миҳланиб қолди. Рўзгор юки Матлабнинг гарданига тушди.

Шу йилча бир амаллаб туради, янаги йили албатта бораман, деб аҳд қилди у. Олти ойлардан кейин ота ўрнидан туриб, ҳасса билан юрадиган бўлди. Матлабнинг севинчи ичига сиғмади. Худойим сўраганларимни берди, энди буёғига ишлар юришиб кетса, баҳор адоғида албатта ўқишга бораман, деб аҳд қилди у.

Баҳорда эса ҳарбий хизматга кетди.

* * *

Хизматдан қайтгач, яна ўқишга киришга уриниб кўрди. Кира олмади.

Қишлоққа қайтганида, ота уни ёнига ўтиргизиб, уйланиш маслаҳатини қилди. Ўқишнинг бўлса қочмас, уйлангандан кейин ҳам бораверарсан, кўзим очиклигида сизларни уйли-жойли қилиб олай, ҳали орқанда уканг ҳам турипти, дегаҳ, ноилж кўнди.

Қишлоқдаги Ҳабиба деган қорамангиз қизга уйланди. Ҳабиба ундан икки синф қуйида ўқиган, эсли-хушли қиз эди.

Тўйдан уч ой ўтгач, ота унинг рўзгорини бўлак қилиб қўйди. Қишлоқнинг кунчиқаридаги бедапоё адоғида томорқалари бор бўлиб, ўша ерга бир уй, бир даҳлиз қилиб иморат солинган эди. “Энди ўзингнинг аравангни ўзинг торт, чонгинг етса ўқи, етмаса сабр қил... Мен энди укангни уйлантиришим керак,” деди ота.

У рўзгор ташвишларига кўмилди, баҳорга чиқиб эса, ўғилли бўлди.

Рўзгорни тебратиш, кучдан кетган ота-онага қарашин керак эди — у ижарага ер олди, кўкат, карам экди. Ҳосил олди, сотди. Қора қозон қайнади. Ота-онаси севинди, ёнимга кириб қолдинг, суянчигим бўлдинг деб алқади, илоё умринг узоқ бўлсин, деб дуо қилишди.

Ўғилчиси бир ёшга тўлиб, иккига ўтди. Баҳорнинг илиқ кунларида тупроқ ўйнади. Атак-чечак юра бошлади.

Шу кунларда ота оламдан ўтди.
Тупроққа топширдилар.

Матлаб энди укаларига ота ўрнида эди. Она ёлғизланиб қолди, Матлаб унга суянчиқ бўлди.

* * *

Йиллар ўтаверди.
Фарзандлар туғилди...

Кечалари Матлабнинг уйқуси ўчиб кетадиган бўлди. Узун-узун хаёллар уни оғушига тортиб кетарди.

Бир куни ана шундай хаёл суриб ётиб, болалик ўртоқларини ёдга олди.

Ҳарбий бўламан деган Сафар ҳозир ҳайдовчилик қилади. У ҳам алоҳида уй-жой солиб, рўзгорини бўлак қилиб олган. Учта боласи бор, катта қизи бўйига етиб қолди. Насиб қилса, яқин кунларда тўйлар кўради, куёвли бўлади.

Дўхтир бўламан деган Равшан ҳозир тракторчи. Унинг ошиғи олчи. Ер ҳайдаладиган пайтда унинг қадри ошиб кетади, “бизнинг кўчада ҳам байрам бўпқолди” деб ҳазиллашади. Униям боласи учта.

Учувчиликни кўзлаган Раҳим эса қурилишда, гишт таради.

Матлабнинг уйқуси тамомила қочиб кетди, хўрсиниб, ёнбошига ағдарилди. Қараса, ой ҳаволаб кетибди, теракларнинг қорамтир қўланқаси ортидан чиқиб, топ-тоза осмонда барқашдай бўлиб турипти, булутлар ой ёғдусига чўмиб, янаям оқариброқ кўринаётир...

Хотини ҳам ухламаётган экан:

— Нимага ухламай ётибсиз? — деб сўради.

— Э, сўраб нима қиласан, — деди хўрсиниб Матлаб.

— Ухлайқолинг энди, — деди хотини. — Ҳали-замон тонг отади.

У барибир ухломлади. Ўйланиб ётаверди.

Ҳамма нарса кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Бобоси, отаси... Баҳорнинг тошқин селлари, қумга кўмилиб олган чумолилар... Беда иси анқиган тунги дала, юлдузлар. Мактаб. Битирув кечаси...

— Қанақанги орзулар қилардик-а, — деди у бир маҳал, хаёлчан. — Ажойиб даврлар бўлган экан, қадрига етмабмиз. Ҳа аттанг-а!



— Ҳа-я, — деди хотини. Эрининг кайфияти унга ҳам ўтган эди.

— Афсус, етишолмадим, — деди Матлаб. — Бўлмади...

— Нимасига афсусланасиз, — деди хотини. — Ундан кўра шукр қилсангиз-чи.

— Йўқ, сен менга айт, — деди Матлаб. — Болалигингда нималарни орзу қилган эдинг?

— Нимага унақа деяпсиз? — деди хотини, ҳайрон бўлиб.

— Айтақол, қизиқиб қолдим, — деди Матлаб.

— Менми? — деди Ҳабиба, овози алланечук ўзгариб. — Мен малика бўлишни орзу қилар эдим. Худди эртақлардагидай...

Орага жимлик чўкди.

— Болалик ҳам ортда қолиб кетди, — деди Матлаб, анчадан кейин. — Рўзгоримиз тинч, болалар соғ-омон катта бўлсин, Худойим сен билан менга соғлиғи умр берсин, шунинг ўзи етади-да битта мардуми мусулмонга, нима дединг?

— Тўғри айтасиз, — деди хотини, меҳри товланиб, эрининг пинжиги суқилиб.

Матлаб ойга термилганича яна узоқ жимиб қолди. Кейин:

— Болалар, — деди, — сен билан мен етмаганимизга болалар етишсин, илоё.

— Илоё, — деди хотини ҳам, сидқидилдан.

Матлаб ҳозир қирқ уч ёшда.

У сув ҳўжалиги идорасида мироб бўлиб ишлаяпти. Идоранинг ери кўп. Бир қисмини у ўзига олволган. Экин экади, ҳосилини йиғиб, ўрнига жўхори экади, кузда эса бугдой сепади.

Уйида иккита сиғири, битта новвоси, учта қўйи бор.

Уй-жойи бут. Томорқа адоғидан яна битта иморат бошланган. Янаги йили, худо хоҳласа, томини ҳам ёпиб олмақчи.

Унинг учта фарзанди бор.

Рангли бўлмаса-да телевизор бор. У дунё воқеаларига жуда қизиқади. Айниқса, космик кемаларнинг учишини ёки фазо бағридаги фазогирларни кўрсатишганида, унинг кўзлари чақнаб кетади, жон-дили билан берилиб томоша қилади.

Озгина бир нима жамғариб қўйган, Худо хоҳласа, янаги йили эскироқ бўлса-да бир машина олиш ниятида.

Матлабнинг катта ўғли жуда ақлли чиққан. Кўзлари маъноли, ўзи жиддий. Зеҳни жуда ўткир. Тинмай жўғрофияни, биологияни ўқийди.

Кичкинаси темир-терсақка ишқибоз. Бир нималар яшашга овора бўлиб урингани-уринган.

Қизалоғи эса китобдан бошини кўтармайди. Нуқул эртак китобларни топиб ўқийди.

Фарзандларидан Матлабнинг кўнгли тўқ. Дейдики, бизники энди бўлди. Бизлар шу ергача келдик. Энди шулар етсин биз етолмаганларга.

Илоё!..

2001 йил, октябр

БОҒИ ЭРАМ ҲИКОЯЛАРИ

I

Уйимизнинг орқа томонидаги бедазорда иссиқда ўт-ўланлар орасига тушиб қолган асаларилар бўғиқ гўнғиллар эди. Бедазорнинг ниҳоясидан зилол сувли ариқ оқиб ўтган эди. Ўртоғим иккаламиз онам ёлган нонлардан бирини олиб қочиб, ариққа оқижаётган эдик. Шундоққина ёнимиздаги томорқа девори бир маҳаллар ағанаб тушган эди, ҳосил бўлган каттакон дарвозадан тупроғи ўйнаб кетган кўчамиз кўриниб турар, кўча четидан оқ ятакли, оппоқ соқолли бир чол ҳассасига таян-таяна шу ёққа қараб имиллаб қадам ташлаб келаётганди.

Адашмасам, ўшанда мен саккизи-тўққизи яшар эдим. Ёки етти яшармикинман... хуллас, эсимда йўқ. Аммо чолнинг кимлиги аниқ эсимда — кўчанинг бошида, лойсувоқ уйининг олдида доим куёшда исиниб ўтирадиган Холмуҳаммад бува эди у. Бизлар ўйинга овора бўлиб унинг яқинлашганини сезмабмиз ҳам. Чол ёнимизга келиб, ўйинимизга пича термулиб турди. Салдан кейин эса унинг кўзларининг ёшланганлигини кўрдик.

— Нимага йиғлаяпсиз, бобо? — деб сўрадим мен.

Чол соқоли титраб:

— Бир маҳаллар мен ҳам онам ёлган нонни шунақа оқизиб ер эдим, ўшани эслаб йиғлаяпман, болам. Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим... — деди. Нон егиси келяпти, деб ўйладимми, ҳар ҳолда ўзимнинг сувга бўккан нонимни олиб, унга узатганим эсимда. Чол бўлса нонни олдиди ҳеч уялиб-нетмасдан хўнграб йиғлаб юборди.

Бизлар анграйиб қолдик.

Чол, қўлида бир бурда нон, кўзида ёш, яна имиллаб йўлида давом этди.

Унинг ортидан қарайман деб ариқдан ҳатладиму чол ҳам эсимдан чиқиб, кўзларим бақрайганча қотиб қолдим. Нимани кўрдинг денг? Қопқалари тилладан, тутқичлари биллурдан бўлган бир боғнинг қаршисида кўрдим ўзимни! Қопқа ёнида, биллур ҳалқани тутиб турган мен қатори бир болакай менга қараб кулар ва ичкарига имлар эди.

Олдинга икки қадам босиб, боққа мўраладим. У ерда нималарни кўрганимни айтолмайман, айтганим билан қанақадир заминий нарсаларга ўхшаб қолаверади. У ердаги дарахтлар, бизнинг кўрганимиз одатдаги дарахтларга ўхшаб кетгани билан, муғлақ бошқача эди. У ердаги қушлар, сувлар... Бу боғ самовий эди! Ғоятда гўзал эди! Бу гўзалликка мос таъриф тополмай ўртанаман.

Боғ мени ўзига шу қадар мафтун этдики, олдинга беихтиёр яна бир қадам қўйдим. Тагин бир қадам қўйсам, боғ ичкарисиданман. Ҳилпираб учаётган олтин ниначиларни тутиб олишим, ҳув анани зар қанотли Семурғ билан суҳбатлашишим ҳеч гап эмас.

Қопқанинг шундоқ ёнгинасида жудаям улкан бир яшил дарахт бор экан. Шоҳлари булутлар орасида кўзга кўринмай кетган. Ҳар замон-ҳар замонда унинг шоҳларидан япроқлар узилиб тушаёттир. Мана, шундоққина оёғим остига саргайган бир барг келиб қўнди. Мен эгилиб қараб, баргда ёзув борлигини кўрдим. Сарғиш томирчалари бўртиб турган япроқ сиртига “Холмуҳаммад Зиё ўғли” деб битилган эди.

— Ия? — дедим мен ҳайрон бўлиб. Дарбон болакай кулиб бош чайқайди. Ундан бир нимани сўрамоқчи бўлиб турганимда ортимдан, негадир узоқ-узоқлардан онамининг мени чақирган ташвишли овози эшитилди-ю худди уйқудан уйғонгандек бўлдим. Кўзимни очсам, ранги оппоқ оқариб кетган онамининг тиззасиданман. Тепамда ўртоғим ҳам ҳиқиллаб турипти. Онам йиғлаганча мени бағрига босди:

— Вой болажоним, нима бўлди сенга? Қўрқитиб юбординг-ку, жоним болам!?

— Кўрдингизми, сиз ҳам кўрдингизми? — дедим ҳаяжонда, тилим зўра айланиб. — Боғни кўрдингларми?

— Қанақа боғ? — деди онам ранги яна ўзгариб. — Қанақа боғ, ўғлим?

Кўрганларимнинг барини онамга айтиб бердим. Онам ҳеч нима демади, лекин ўша куни кечга яқин оппоқ соқолли бир қария уйимизга келиб, менга дам солди.

Мен ҳайрон эдим — ўша ажойиб боғ ва баҳайбат дарахт ҳақида гапиришим билан менинг ота-онам, балки бошқа катта ёшли кишилар ҳам кўрқишар, ёқаларига туфлаб тавба қилишар, баъзилари йиғлар эдилар. Онам-ку жуда ҳам кўрқоқ бўлиб қолди: ҳалеб “Сени ўша боққа ҳеч ким қақирмадим? Кўрганингда боғнинг ичкарисига кирдингми, йўқми?” деб сўрагани сўраган эди.

Кейин билишимча, ўшанда мен ариқдан ҳатлабман-да, турган жойимда анграйиб қотиб қолибман. Ўртоғим келиб турткиласа ҳам, қақирса ҳам қимир этмасмишман. Шунда у жонҳолатда югуриб онамни қақириб келипти. Шундаям ҳолатим ўзгармай ўша жойимда турганмишман... Онамнинг ортидан дадам ҳам етиб келипти, улар мени кўтаришиб айвонга обориб ётқизиштипти. Анчадан кейин ўзимга келибман...

Йиллар ўтди, улгайдим. Оллоҳ насиб этиб ўғилли бўлдим. Ўғлимнинг чулдирларини, алпанг-тўлпанг юришларини кўриб, ўзимни еттинчи осмонда юргандай сезаман. Гўё оламда мендан бошқа бахтиёр ота йўқдай. Онам боламни мендан баттар авайлайди. Бир нималар деб қалдирғочдай чуғиллаганида, яшнаб кетади!

Уйимиз ортидаги безазор ҳалиям бор. Аммо у кичкинагина бўлиб қолган. Безазор ниҳоясидаги ариқ эса кўмилаёзган.

Баҳор келиб, гилослар қоп-қорайиб пишди. Ўғлимнинг ҳали тили чиққани йўқ, аммо гилосхўр бўлиб қолди. Қишлоғимизнинг қунботар тарафида катта бир боғ бор эди, у ерда гилослар кўп эди. Ўғлимни елкамга миндириб ўша боққа бордим. Бир гилоснинг шохини эгиб, дўпписига тўлдириб солиб бердим. Тепароқдаги шохчадаги гилослар янаям шира боғлаб пишгандай кўринди кўзимга. Интилиб ўша шохчани ушлаганимни биламан...

Гилос шохлари орасидан яна ўша сирли боғ намоён бўлган эди. Ўша-ўша! Қопқалари тилладан, тутқичлари марвариддан... Эшик олдида қоп-қора соқол-мўйловли ёшгина дарбон менга кулиб қараб турар эди. У мени таниган эди, мен ҳам уни танидим. У имо қилиб, ичкарига чорлар эди.

Боғ қопқасининг иккала тавақаси ҳам ланг очик! Ичкарида ўша мен кўрган манзара барқ уриб турибди. Кўз ўнгимда гуллар гунчалаб, ўша заҳоти очилаётир, бу гуллар аслими ёки тилладанми — фарқлаш қийин. Дарвоза ёнида баҳайбат бир дарахт юксалиб турибди, япроқлари чирт-чирт узилаётир. Кўнглимдаги бир сас “бу Тубо дарахти эмасмикин”, дея уқтираётир. Узоқ-узоқларда бир нима кўзни олгудай бўлиб ярақлаб-жилвалаяпти. Жилваси шу қадар гўзал ва нафиски, унга бир боққан одам умр бўйи кўз узолмай қолиши аниқ.

Шундоққина оёғим остига узилиб тушган япроққа қарадим... унинг сиртида падали бузрукворимнинг исми битилганини кўрдим!

Шу маҳал қулоғимга ўғлимнинг чириллаб йиғлаган товуши урилди.

Хушим дарров ўзимга келди. Жонҳолатда ўгирилдим, қарасам, эмаклаб бориб сал наридаги саёзгина ариқчага тушиб кетипти, сувнинг муздайлигидан кўрқиб йиғлаётган экан. Уни кўлимга олдим маҳкам бағримга босдим.

Сезганимдек, қайтиб қараганимда боғ яна ғойиб бўлган эди. Ўғилчам жажжи қўлчалари билан боғ ғойиб бўлган томонни кўрсатиб ўзининг тилида алланамалар деб чуғурлар эди.

Кейин ёдимга боғдаги дарахт, ундан узилиб тушган япроқ келди. Шоша-пиша уйга югурдим. Юрагим бир нимани сезгандай потирлаб урарди. Муюлишдан кўчамизга бурилдим тиззаларим бўшашиб кетди. Дарвозамиз олдида маҳалламиз кишилари тўпланган эдилар.

Отам... Белининг қувватини, умрининг энг масъуд дамларини, ёшлигини бизларга бахш этган, бизларнинг соғлом ва хушбахт бўлиб улғайишимиз учун ўзини ўтдан-чўққа урган отам... оламдан ўтипти!

Шундан кейин бу боғдан чўчийдиган бўлиб қолдим.

Тушларимга кириб чиқарди бу синоат боғи! Эшик олдидаги дарбон мулойим нигоҳини менга тикиб жим турарди. “Яна нима керак сенга?” — деб қичқирардим мен унга тушимда. “Мендан нима истайсан ўзи? Тинч қўй мени, истамайман сенинг боғингга киришни!!!” Алаҳсираб уйғонганимда ҳам тушимдаги манзаралар кўз ўнгимдан сира кетмас эди.

Умр эса бир маромда ўтар, аста-секин бу боғ кўрқуви дилдан чекиниб борар эди.

* * *

Боғни учинчи дафъа кўрганимда ёш анчага борган, сочсоқол оқарган эди. Унинг бу галги зухуротидан ғалати бир ҳикмат туйдимки, бу ҳикматнинг тубига ҳали-ҳали етолмайман.

Ахир, умр... умр ўтиб бормоқда эди.

Осмонга булут чиқса суякларим симиллаб оғрийди. Кўзим ёшланади. Кўпинча, дарвозам олдидаги супада куёшда исиниб ўтираман. Олтин куз офтоби вужудимга хуш ёқади. Қалбим ҳам куз сувлари каби тиниқ, сокин.

Бу сафар ҳам супага чиқаётган эдим, пастак девордан қўшнимнинг томорқасига кўзим тушиб қолди. Қўшним бу йил томорқасига беда экибди.

Безазорнинг адоғида эса яна ўша манзара.

Бу сафар эшикдаги дарбоннинг ҳам сочларига оқ оралаган эди. Боғ ичи куз эди, эрта куз. Кузнинг бунақа гўзаллигини ҳеч қачон кўрмаганман. Дарвоза қаршисидаги дарахтдан олтин япроқлар мунгли бир жаранг билан бандидан узилиб ерга соллана-соллана қўнар эдилар. Узилиб тушаётганлари сонсаноксиз эди, ернинг бети кўз етгунича қадар япроқлар билан қопланган эди.

Ахир, ҳар бир япроқда бир исм ёзилган эмасмиди?

Бу сафар оёғим остига келиб тушган япроқда дўстимнинг исми ёзилган эди. Бизлар тенгдош эдик, болалиқдан бирга ўйнаб катта бўлган эдик. Бир вақтда уйланган эдик, кўп жиҳатдан тақдиримиз ҳам бир-биримизникига ўхшаб кетар эди.

* * *

Бу саодат боғини тўртинчи дафъа кўрганимда...

Безазор. Сал нарида иккита болакай ариқда нон оқизишяпти. Шу икки болакайга қараб турипману кўз ўнгимдан болалигим, отам, онам, қайноқ нонлар лип-лип ўтаётир. Кўздан эса милт-милт ёш оқаётир. Қандайин қайноқ, ҳовурли эди у нонлар. Онагинимнинг бағридай тафтли эди-я. Қандай эдим-а. Қандай эдик-а, биродарлар?..

Қараб турипману ҳеч нари кетолмайман. Болакайларнинг бири мени кўриб қолди. Бу бобой нега йиғлаяпти, деб ҳайрон бўлгандек кўзларини пирпиратиб қараб турди-да:

— Нимага йиғлаяпсиз, бува? — деб сўради.

— Воҳ болам-а! Нега йиғламайин, кўнглимдан ўтганини қандай қилиб айтмайин? Ахир мен ҳам бир маҳаллар онам ёпган нонларни сизлар каби ариқда оқизиб ер эдим... Эвоҳ, ўзим ҳам шу ариқдаги нондай оқдим-кетдим-ку!!!

Шуурида ўша — болалигим, бизларга қараб йиғлаган Холмуҳаммад буванинг қиёфаси, тилимда эса ўша жавоб, дилимда эса бу ғалати чархпалакнинг ҳайбатидан кўрқув.

Болакай узатган нонни олдим ҳеч ўзимни тўхтатолмайман. Кўзимдан тинмай ёш оқди, умрининг нурли ва армонли лаҳзалари лип-лип ўтади.

Ана шунда...

Ана шунда, мен у боғни яна кўрдим. Эшик олдидаги дарбон ҳам мен каби қартайибди. Асосига суяниб, ҳорғин термулиб турипти. Боғнинг қопқалари ланг очик. Ичкарида эса ўша — шохлари булутлар орасида кўзга кўринмай кетган баҳайбат дарахт. Шохлардан ҳануз япроқлар узилиб тушаётирлар...



Ажабо, бу сафар узилиб тушадиган япроқда кимнинг исми ёзилган экан? Менинг исмишимми?

Дарбон иккимиз бир-биримизга узоқ термилиб қолдик. Ниҳоят, у ҳассасига таянган кўйи, ҳорғин овозда:
— Энди кирақол, етар, — деди.

Ортимга карадим. Аммо ҳеч нарсани кўрмадим — ёш пардаси кўзларимни тўсиб кўйган эди. Қадам кўярканман, кафтимда бир нарсанинг тафтли ҳароратини ҳис қилдим. Карадим — боягина бедазордаги раҳмдил болакай кўлимга тутқазган, сувга бўккан бўлса-да, тафтини йўқотмаган бир бурда нон...

II

Кишлоғимиз адоғида улкан бир боғ бор. Боғнинг нарёғи эса қабристон. Боғбонлик ҳам, қабристоннинг шайхлиги ҳам Юнус буваннинг зиммасида. Кексалар айтадиларки, Юнус бувани болалигида дарёда катта бир балиқ ютиб юборган экан. Ўша атрофда юрган кишилар кўриб қолишиб, балиқни тутиб, қорнини ёриб уни қўтариб олишган экан. Юнус буваннинг юзида тиш изларига ўхшаган чандиқлари бор эди, буни кўриб бизлар уни ростдан ҳам балиқ ютиб юборганига ишонар эдик.

Кишлоғимизда кимдир оламдан ўтса, уни лаҳадга кўйганларидан сўнг, қабр бошига албатта бир дарахт кўчати ўтқазилган бор эди. Юнус бува мени кўпинча “ўрик олиб бераман” деб боққа олиб кирарди, кейин ҳар бир дарахтни кўрсатиб, изоҳлардики “Мана бу кўшнинг Мамадали буваннинг ўриги, ўғлим. Қара, қандай катта бўлган. Сал нарироқдагиси эса Зулфи кампирнинг беҳиси. Анови қийшайиб ўсгани эса Мамажон буваннинг олмаси.”

Бобомнинг, Зулфи кампирнинг, Миржон буваннинг, Лаззат холанинг дарахтлари. Улар шу қадар кўп мева қилган эдиларки, қараб кўз тўймасди, шохлари эгилиб-синиб ётарди. “Еяқол, ўғлим, — дер эди Юнус бувам. — Шулардан есанг, раҳматликларга савоб тегади. Янаги сафар келганинда ўртоқларингни ҳам бошлаб келгин, ҳаммалари ейишсин.”

Боғнинг кираверишида, чап томонда митти навнихоллар, худди эгалари каби, сал шабадада ҳам қалтирабгина турар эдилар. Юнус бувам дер эдики, “Мана бу ниҳол — Асрор муаллимнинг сувга чўкиб ўлган ўн икки яшар қизчасининг ниҳоли. Буниси эса Садир сўфининг норасида неварасиники.”

Боғ ичкарасига қараб кетилгани сайин дарахтлар ҳам қариб борар эди, мен ўзим кўрмаганим инсонларнинг дарахтларини кўрар эдим — Тошбуви энамнинг, Исмоил бобомнинг, Зиё буваннинг дарахтлари. Менга ҳар бир дарахт Умар Хайём бўлиб бир ривоят сўйлар эди, ғунчалигида хазон бўлганларнинг навнихоллари соҳибларининг орзуларидан сўйлаб, мени қон-қон йиғлатар эди. Боғ ичкарасига қараб кетганим сайин худди мозийга қараб кетаётгандай туюлар эди. Назаримда, боғнинг нарёғига Юнус бува ҳам киролмаган эди, нарёғида жуда қадимий чинорлар, садалар, ёнғоқлар чангалзор каби шовуллаб ётар эди.

Назаримда, бир журъат қилсаму боғ ичкарасига қараб йўлга чиқсам, унинг адоғида Одам Ато билан Момо Ҳавога ўз япроғидан берган анжирни-да кўрадигандек эдим.

Буларнинг бари менинг қошимда тилга кирар, ўз ўтмишидан, қувончларидан, армонларидан ҳикоятлар сўйлагудек бўлар эди.

Раҳматлик Юнус бувам дер эдики: “Той болам, мен ўлганимда сен катта йигит бўласан. Ўшанда болаларинг билан келиб менинг дарахтимнинг меваларидан ҳам енглар, хўпми, ўғлим.” Мен “Хўп, бобожон”, дер эдим. Юнус бува менинг жавобимдан ёш боладай севиниб кетар эди, белбоғининг қатидан попуққанд олиб тутар эди.

Еттинчи синфда эканимда, эрта баҳорда бобом вафот қилдилар. Шунда мен кейинчалик ўзим англаб етган ҳақиқатнинг тамали деса бўладиган бир воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Бобом ётган тобутни кўтариб, қабристонга кетдик. Бобомни тупроққа топширдик. Эртасига дадам уйимизда ўсиб

турган олмалардан бирини кўчирди, машинага ўтириб, бобомнинг қабрига бордик. Дадам чуқур қазди, кўчатни экдик, мен пақирчада сув опкелиб кўйдим. Бу кўчат баҳорда гуллади, тутиб кетди, мен унга ўзимча “Бобомнинг ўриги” деб ном бердим.

Кунлар ўтди.

Вояга етдим, туйгуларим ўзгарди. Қишлоқ кўзимга торлик қилиб қолди. Муҳаббат саболари кўнглимни жимирлатиб эсди. Талаба бўлдим, узоқ ва бегона шаҳарлар сари талпиндим.

Мен ўтқазган дарахтлар улғайди.

Мен кўрган дарахтлар қартайди.

Талабалигимнинг сўнг йилларида Юнус буваннинг ёнига бордим. Юнус бува ҳам қариган, юзи, қўллари, гавдаси бир тутам бўлиб қолган, қошлари ўсиб кетган эди. Кўрдиму юрагим бир увишди.

Юнус бува мени яна боққа олиб кирди.

“Қара, болам, — деди. — Баҳорда Муҳаммадамин буванг оламдан ўтди. Мана, болалари кўчат экишибди. Мевасидан ол, оғзингга сол, савоб бўлади.”

Нарироққа бордик.

“Бу Миржон буваннинг гилоси, — деди Юнус бува. — Ўтганига беш йил бўлди. Рамазон эди.”

Янаям ичкарироққа кирдик.

Бобомнинг ўриги-ку!

Энамнинг ноки.

Холжўра буваннинг олчаси.

Юнус бувага ялт этиб карадим. Шууримда бир нима ярқ этиб очилиб кетгандай бўлди. Жудаям улкан бир қонуниятни тушуниб етгандай бўлдим.

“Мана бу эса дадангнинг ойисининг олмаси, — деб давом этди Юнус бува. — Сен туғилган йили вафот етган эди раҳматлик. Бу ерларга тез-тез келиб тур, эсингдан чиқариб кўйма.”

Мен эса... Болалик хотираларим шууримда бўрон каби ўйнар, чехралар, қиёфалар, айтилган сўзлар, жилмайишлар, кимларнингдир қўлларининг азиз тафтлари, бари-бари юрагимда мислсиз бир ларза бунёд етар ва кўзларимдан оққан армонларнинг, хотираларнинг қайноқ томчилари юзимни куйдирар эди.

“Энди етар, — деди Юнус бува, сокин овозда. — Сен озми-кўпми китоб ўқиб, узоққа кетдинг. Билки, бу ердаям ақлию илми билан дунёни ўзгартиришга қодир одамлар бўлган. Аммо кетишмаган. Билиб кўйки, сенинг вазифанг — ўз оилангдан кимдир ўтса, дарахт қадаш. Яна билки, ўғлим, вақтисоати келиб бу ерда сенинг ҳам ўз дарахтинг бўлиши керак.”

Яна айтдики: “Бу боғнинг ҳикмати эди англагандирсан, ўғлим? Сен болалигингда меваларидан келиб еганинг шу боғнинг қандай бунёд бўлганини энди тушунгандирсан?”

* * *

Яна умр деган шамолнинг гирдоблари ақлу ҳушни шошириб эсди, ойлару йиллар зув этиб ўтди.

Ҳозир мен туғилиб ўсган юртда ҳўв ўша — олис болалигимнинг нуроний қарияларидан ҳеч ким қолмаган. (Уларни фақат фарзандларининг юз-кўзларию қабристондаги дарахтлар эслатиб туради, холос).

Ўша маҳаллар навқирон ва азамат бўлган кишилар энди кексайганлар. Энди улар ўша маҳалдагидай кўчани тўлдириб юрмайдилар, қаҳқаҳалари оламни бузмайди.

Уларнинг армонлари ҳам бўлакча. Масалан, Рўзимат ҳожи бу йил етмишни қоралади. Баҳорда хасталаниб ётиб қолди. Бизлар у кишини кўргани кирдик. Гап айланиб, унинг ҳаж

сафарида вафот этган дўсти Собир ҳожига бориб тақалди. Шунда Рўзимат буванинг айтганлари менинг шууримда уйилиб қолди:

— Ҳа-а, Собир болади, — деди у ҳавас билан. — Ҳамани доғда қолдириб ўша ёқда омонатини топширволди, баччағар...

Кечаги болакайлар, яъни бизлар бугун шу қишлоқнинг олди эркаларимиз. Бугун кўчаларни бизлар тўлдирамиз, бизнинг қаҳқаҳаларимиз оламни бузади. Ортимиздан улғайиб келаётган болакайлар бизларга ҳавас билан қараб қоладилар...

Бизлар-чи, эрта бир кун келиб қай биримизга ҳавас қиларканмиз?

Қай биримизнинг дарахтимиз олдин гулларкан?..

МЕНИНГ ГУЛИМ

Эрта баҳор эди.

Кўнгил боғимдан бир ниҳол униб чиқди.

Намуш, қорамтир тупроқдан ипдайгина бўлиб осмонга — булутлар диёрига буй чўзмоққа чоғланган бу жажжи жонга аввал-бошда кўп эътибор қилганим йўқ. Боғ катта, гуллар кўп, шу ожиз вужуднинг ёнгинасида карнайгул тарвақайлаган, унинг нарёғида ёшли кўзчаларини гулбарглари ила пана қилганча намозшомгуллар ястаннишган, сўнроқда эса қизил, сариқ, кўк, пушти рангларнинг тўфонини ҳосил қилиб беоргуллар барқ урганди, уёғида эса печакгуллару атиргуллар бори тароватини кўз-кўз қилиб безанган, ястанган, ўрлаган, чирмашган, хуллас — яшар эдилар.

Бу жажжи ниҳолча катта бир кесак ёнидан униб чиқипти. Шу қадар кўпол, ғадир-будир маконни танлаганига ҳайрон қоласиз. Ипдай гавдаси билан ҳатто кесактоғни хиёл ўрнидан жилдирипти ҳам — қайсаргина, ўжаргина, ўзбилармонгина экан бу ниҳолча.

Бир-икки кундан кейин ёмғир ёғиб, кесакларни ивйтиб юборди, улар лойқа-бўтана бўлиб, гулча пойига ястандилар. Осмон жудаям баланд, кўм-кўк... ғалати эди, бу навниҳол осмонга маҳлиё бўлгани боисми, шундан кейин бирам гуркираб ўсдики, асти кўяверасиз. Ўсгани сайин ўз тароватидан ўзи маст бўлади: гоҳ нозик нимяшилл япроқларини ёйиб юборди, гоҳ бир ҳимраниб, бешбаттар ўжар бўлволади. Ўзи миттигинаю тикончалариям бор. Бу тикончалар ҳали қотмаган, санчилиш уёқда турсин, қадаласаям қайрилиб кетади, аммо бу боғ қайсари яқинлашган жон зотиға тиканларини кўз-кўз қилишини қўймайди.

Шу қадар ажойиб, хуш бир гул. Бир ой ўтиб-ўтмай, иккита гунча тугди — гунчасиям ажиб: яшил тўн кийган, тўнининг остидан пушти қабоси хиёл кўриниб турипти, қабонинг четлари нозик нақшлар билан мунаққаш булган. Бундай либос оламдаги ҳеч бир гулда йўқ.

— Эртага қушчага айланиб учиб кетиб қолмайсизми? — деб сўраб қўяман эркалаб.

У мағрур, ўзига жуда бино қўйган — жавобни-да раво кўрмайди.

Тарвақайлаган карнайгулларни, жой танламас беоргулларни ёмон кўрдим. Иккитасини тағ-туғи билан кесиб ташладим. Натигада қайсарим теграси анча кенгайди. Эртасига атиргулларнинг нарироққа сурилиб олишганини кўрдим — улар ҳамма нарсадан ҳам ўз жонларини асраб-авайлашларини мен билмасам экан?!

Ўжарим атрофида хур-хур еллар айланиша бошлади. У эса буларга парво ҳам қилгани йўқ — гунчалари озод, гулбарглари тик, қомати адл — ҳамон ўзига-ўзи маҳлиё.

Шу гулни яхши кўриб қолдим.

Бирам қизғанама денг. Ҳали очилмаган гунчалари исидан маст бўлиб гўнгилаётган асалариларни кўрсам ҳам тепа сочим тикка бўлиб кетади. Гоҳ-гоҳ нарироқдаги карнайгул баргига

* * *

Қишлоғимизнинг адоғидаги боғ ҳозир ҳам бор. У тобора кенгайиб бораётир.

Қишлоқ одамлари бу боғни кўз қорачиғидек асраб-авайлайдилар.

Бу боққа одамлар Боғи Эрам деб ном берганлар.

Биламанки, бир кун келиб, мана шу боғда менинг ҳам ўз дарахтим бўлади. Уни менинг пушти камаримдан бўлган зурёдим — ҳозирда эндигина бийрон-бийрон гапиришни ўрганган ўғлим қадайд.

Бу кўчатнинг тутиб кетишидан, гуллаб-мева беришидан ҳамда меваларидан турли-туман қушларнинг, шўх-шодон болакайларнинг олиб ейишларидан мен ҳам умидворман...

потмачумчүкми, тўрғайми келиб, ўзининг саҳройи қўшиғини куйлаб қолади. Бундан баттар аччиқланаман. Яна кулиб ҳам қўяман: хўв нодонлар, бунинг қанақа қайсар, қанақа ўжарлигини билсаларинг, юз чақирим наридан қочардинглар, дейман.

Ўзи-ку бу гул бир ширин хаёл, аммо мусиқани ҳам ёқтиради! Бунга тасодифан пайқаб қолдим. Айвонда эски бир радио бор эди. Шунинг қулоғини бурасам, қитир-қитир этиб турди-да, бирданига овози тиниклашиб, “Чўли Ироқ”ни куйлаб юборди. Боғни шу куй тутди. Саҳнни айланиб, қайсарим ёнига келдим лол қолдим: мунгайиб олипти! Нозик бандларида митти-митти томчилар... Ўксинибгина турипти...

— Бу қандай куй!? — деб шивирлайди баттар ўксинади.

— Бир озгина дунё ғами... — деб шарҳлаб қўяман мен.

“Чўли Ироқ” баттар фарёд уради, гирия қилади, гулим эса мотамсаро, ғамзада, япроқлари очила бошлаган гунчалари, бутун вужуди дир-дир титрайди.

Нақадар мунис, нақадар маъюс... ғам чекиб турган чоғидаям шунчалар масъума, латиф кўриндики, ўзимни тутолмадим, энгашдим-да:

— Мен сизни севаман! — деб пичирладим.

Пичирлаб не зарил эди? Титраб турган вужуд яна адл бўлди, гунчалар яна баланд кўтарилди, япроқлар ростланди, бечоралиқдану ўксинишдан асар ҳам қолмади. Аммо лом-мим демади — сўз қотишни-да ўзига раво кўрмади. Мен-да индамадим, изхори дилимдан пушаймон бўлиб, айвончага қайтдим.

Гулга дил бериб не маломат истаб эдинг, Одамсан, одамга кўнгил қўйсанг бўлмасмиди, дейману қалб чирқирайди: “Оламда бундай гул тагин борми? Бундай дил тагин борми? Бир дафъагина менинг раъиймга боқсанг-чи, соҳибим?!”

Бу надоматларнинг сабабчиси эса ҳануз мағрур, ҳануз кибор! “Чўли Ироқ” ғамидан минг тўлғанадию, ёнгинасида шу куйни ортда қолдирадиган дил дардидан гўё беҳабар!

* * *

Баҳор адоқлаб, ёз келди. Карнайгуллар баттар тарвақайлаб, ёнларидан икки-уч бачки шохчалар чиқариб юбордилар. Намозшомгуллар қартайди, беоргулларгина ҳануз ранглари айниган гулбарглари беорларча ёйиб туравердилар. Менинг гулим ўзгармади! Менинг гулимнинг таровати янада ортди! Менинг гулим ҳануз киборлигича қолди!

Шундагина разм солсам, бир пайтлар атрофида гирди-капалак бўлган асаларилар аллақачон атиргулларга ёпишиб



олишипти, потмачумчуғу тургайтўралар карнайгулларга ошиқ бўпти — ўзлариям семирған, баргларнинг улкан гулварақлари орасидан туриб, таҳдидли сайраб қўйишади.

Менинг гулимнинг эса янги ошиқлари пайдо бўпти. Тонг пайти қарасам, субҳ ўзининг нозик қизғиш шафағини ёйиб, бир нималар деб сирли пичирлаётгир. Пешин маҳали қарасам, қайнаб-тошган қуёш ўзининг ҳароратига ўзи чидаёлмай, ишқ оташидан сўзлаётгир. Шом маҳали қарасам — занживачча оқшом ўзининг изтиробларга тўла дил дафтарини саҳфа-саҳфа очиб қўйипти. Хуфтон маҳали қарасам, юлдузларнинг бири олиб, бири қўйиб, гулим теварагида живирлашаётгир.

Аmmo менинг гулим кибор-ку! Бировигаям парво қилгани йўқ!

— Сиз яктосиз! — деб шивирладим унга. — Агар қўйингизда жон берсам, таним хоки пойингизга ёйилса, хушбахтликдан тагин тириларми эдим?

Гулим гунчасини мен томон хиёлгина эгиб, миннатдорлигини англатиб қўйди. Бу бахт, бу саодатни қай тил бирла баён айлай?

Кўнгил обод бўлди!...

* * *

Ёз жуда иссиқ келди.

Менинг гулим ҳиссиётларга жуда таъсирчан, банд-бандигача покизалик билан тўлуғ эди. Бу не саодатки, боғдан бир лаҳзага бўлса-да, ташқарига чиқишни истамасдим. Ойлаб-йиллаб шу масъума қошида ўтиргим келаварарди.

Оламни шу қадар тиниқ, соф деб билар эдики, бундайин тиниқликдан менинг одамий кўнглим лол қолар эди. Шунинг баробарида ундаги киборлик уят билан, мағрурлик тортинчоқлик билан қоришиқ эди — қаршисида соатлаб тиз чўкиб кўнгил шарҳидан сўзлаганимда, оч қизғиш гуляпроқлари янаям қизарарди, гулкосаси қўйи эгиларди, шунда теваракка анвойи гул бўйлари таралиб кетарди. Бу илоҳий ишқнинг ўзгинаси эди — ахир, гулни фақат севиш, севиш мумкин, холос. Ахён-ахёнда тентираб ўтиб қолгувчи беқарор саболардан-да тортинар эди у. Саболарнинг гийбатчи эканини эса мен ҳам яхши билар эдим.

Карнайгуллар баттар хунуклашиб, тарвақайлаб-сўлиб борар, менинг гулим эса кўз ўнгимда очилгани сайин тароватга фарқ бўлар эди.

Бу хушбахтлик таърифини ифода этишга ҳаддим йўқ. Фароғат ичра эканимни ҳар онимда сезиб турардим, бу туйғуларнинг юксаклиги, ножиблигидан чўчирдим, гулимга термулиб негандир андуҳга-да чўмар эдим. Ақлим койирдики: «Нечук фароғатдан ғам, мусибатдан хушбахтлик истаюрсан, нолон?!» Кўнгил эса эзилиб шивирлар эди: «Ҳар қувончнинг ортида андуҳ, ҳар саодатнинг ортида ғам яшириғлиқ эмасми?!

* * *

Ёз-да адо бўлди. Куз келди.

Бу кузнинг оти Сайёд эди.

Сайёд ўз ортидан хазон сипоҳини-да эргаштириб келди.

Бу лашкарнинг нафаси сезилгани ҳамано карнайгуллар таслим бўдилар, уларнинг семиз таналари қорайди, барглари палакса-калакса бўлиб узилиб тушди, гулбандлари тупроққа қоришди. Атиргуллар япроқларини тўкиб, шумшайиб қолишди, печакгулларнинг озгин, узун таналари сарғайиб, чўзилиб ётди.

Видо онлари юз кўрсатмақда эканини иккимиз ҳам сезар эдик. Энди оламнинг энг кўҳна куйини бошқа чолғувчи — Сайёд чалмақда эди, бу куйнинг-да оти “Чўли Ироқ” эди.

Атрофдаги бор гуллару майсаларни совуқ урди, курмаклар аллақачон хазонга юз тутди, ажриқ поялари қорайиб, хилвираб қолди. Менинг гулимгина Сайёд лашкарининг тўфони аро ҳамон адл, ҳамон мағрур, ифор сочиб очилиб тураверди. Совуқдан қунишганимча гулим олдида тиз чўкиб, чашимдан ашким потраб отилаверар эди: мен уни жонимдан-да ортиқ суйиб қолган эдим! Мен усиз яшолмасдим! Гулим эса мени шивирлаб юпатар эди...

Ҳадемай қировлару булдуруқлар тушди. Мезонлар ҳам ортиқ учмай қўйди.

Бир кун ичра маҳали... гулимнинг мени чорлаётганини эшитдим. Оҳ, бу овоз!.. Ундаги илтижо, умид, илинж, муҳаббат!.. Ғаму хавотир ичра бир зарра каби бўлиб, отилиб қошига бордим. Сайёд, бу маккор, доғули Сайёд ўзининг азалий ишини адо этган, нигорим бу баттол кўшинининг кутқусига дош бера олмаган эди.

Сайёднинг гумаштаси — қирғияк шамоли бошим узра гувиллаб қаҳқаҳа отар, сочимдан юлқилар эди. Дунёнинг ўзида энг сўнги куйни чалмақда, бутун борлиқ алвидо айтиб, шу завог гирдобига чўммоқда эди. Нечун мен одам бўлиб яралдим? Нечун бир майса бўлиб яралмадим, масъумам билан бирга шу музлаган заминга бош қўймадим?

Шамолда гулимнинг нозик банди синган эди. Шу ҳолича, тупроққа қоришган ҳолича ҳам суйимли, азиз, дилбар эди.

Видо! Видо! Олам ҳамон видо марсиясини айтар эди.

Бу мазористон бошида қанча ўтирдим экан? Чунон беҳудлигимдан субҳу шомимни билмасдим. Кетиб ақл вужудимдан, пухтаю хомимни билмасдим. Бу йўлда мисли Мажнундек саранжомимни билмасдим, ажалми, оби ҳаёт — сипқарган жомимни билмасдим... Кўзимнинг ёшлари гулим бандининг синган ерига томар, ҳар томганида масъумамнинг хазон вужуди бир титраб эди...

Алҳол, ғамдан кўзларим очилди. Сарвдан тобут ясаб, гулдан кафан бичдиму қайсаримни боғим тўрига дафн этдим. Бир мармартош топиб, унга юрагимнинг қони билан шундай битикларни битдим:

“Бу лавҳа бир дилпорадан ҳусн санамига ёдгордир.

*Аё чарх, эттинг ортиқ сабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, дилмда қолди фарёд,
Ҳаётим лозаридин аординг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг...”*

Остига эса шундай деб ёздим:

“Бунда мадфун Кумушбиби бинти Марғиноний, тарихи таваллуди 1248, вафоти 1269 ҳижрий, жумодул-аввал”

Дил бўм-бўш бўлиб қолди.

Энди мен не айлай? Бу дил билан қайга борай?

Бу не боғки, ишқи бору санами йўқ?

Бу не салтанатки, фуқароси бор — подшоҳи йўқ?

Боғ энди шип-шийдам, хувиллаган, мағлуб хазонлар узра фақат Сайёд, баттолу қаттол Сайёд шумшайиб кезар эди, холос.

Алҳол, кўнглимни шунда қолдирдим ўзим Отабекка қўшилиб, Қўқон хонининг амирлашқари, қўрбоши Қаноатшоҳ кўшини билан шахид бўлмоқ учун кетдим...



Муродхон НИЁЗХОНИЙ

Кимнинг таширфидини бу кўзлар кутар?



Йўлда кетаётиб оёғим бирдан
Бўса олди тошининг пешонасидан.
Ажаб, бир лаҳзада айтиб улгурди
Оёғимга дарду ҳасратини тош.
Унинг қисматига йиглаб юбордим...

* * *

Салом.
Бу — мен.
Келдим.
Кутмаганмидинг?
Кўзларинг йўлимга тутмаганмидинг?
Деразанг остидан неча бор ўтдим,
Парданг нигоҳимдан
Титраганмиди?
Дераза ёнида, нигоҳинг пастда,
Кимнинг таширфидини бу кўзлар кутар?
Эшигинг чертилар.
Гарчи у очқ.
Хаёлингдан бир зум
Шу савол ўтар:
Яна сен?
Наҳотки?
Кетмаганмидинг?!
Менинг-чи, тўрт сўзга
Етади жоним:
Салом.
Бу — мен.
Келдим.
Кутмаганмидинг?..



ЎТТИЗ Ёшли бола орзуси

Ўттизга кирдим
Ҳамон боламан.
Кимнингдир наздида
Ёмон боламан.

Ҳали мен дунёга
Маишхур бўламан:
Мен шоир бўламан
Улғайсам, ойи...

КАШФИЁТ

Кўшни қизнинг
Деразасин
Рўпарасида
Жойлашгандир
Болаликнинг
Сўнги бекати.

* * *

Қишлоқ яхши,
Кўз юмсанг унда
Эшитганлар йўлидан келади қайтиб
Қариндошими, бегонами
Келиб йиғлайди,
Ҳеч бўлмаса... ўз дардини айтиб.

* * *

Ҳақиқат эгилар,
Синмайди лекин.
Қаддини у доим
Олади тутиб.
Баъзан бир лаҳзага
Эгилганида
Кимдир бу дунёдан
Ўтади кетиб...

ВҒАСИГА АТАЛГАН ГАП

Сени аёл, десам агарда
Олий зотга ҳақорат бўлар.
Ялмоғиз, десам-чи, ҳақоратланган
Ялмоғизлар мени еб қўяр.

* * *

Ёлғон айтишни ёмон кўраман.
Ёлғон сўзга йўқ ҳеч тоқатим.
Ҳақиқатнинг мен кўрқоқ қулиман,
Ҳақ сўзни айтишга йўқ жасоратим.

* * *

Ўйлама,
Кўз ёши тўкмайман
Вафо тилаб,
Севгисиз яшайман,
Бошим тик.
Кўксим гижимлаб.
Мен сенисиз яшайман,
Кўнглим тўқ:
Ялинмадим.
Кимга энди ҳамроҳ бўлар
Армон?
Билмадим...

ЖУМБОҚ

Худо менга ишқ дардини
Барвақт раво кўрдими?
Ё мен шошдим, англамасдан
Дардни ростдан бердимми?
Ё... сен шошдинг, ўйламасдан
Рад жавобин бермоққа.
Умр — имкон менга теккан
Жавоб излаб кўрмоққа.

"Сокин ҳайқириқ"

ЖАРАНГИ

Адабиёт майдонида юрган ижодкорки бор, ёзгани кўпчилик томонидан эътироф қилинишини, китобхонлар кўнгиллини ром этишини истайди. Аммо бунга биргина истакнинг ўзи билан эришиш мумкин эмас. Кўнгилларга йўл топишнинг икки шарты бор: истеъдод ва самимийлик. Ҳеч нарса истеъдодчаллик сўзга сеҳр, куч, мусиқа бағишлай олмайди, ҳеч нарса самимиятчаллик, одамни ўзига ром эта билмайди. Шоир Турсун Али қаламига мансуб "Сокин ҳайқириқ" тўплами мана шу икки шартта жавоб бера олади. Ва шу боис китобни ёпиб қўйишингиз билан ўқиш тугамаганлигини, балки энди бошланаётганлигини сезиб қоласиз, бир неча кун унинг сеҳридан қутула олмайсиз, хаёлингизда сатрлар айланади, руҳингизда ажиб кўтаринкиликни туясиз:

Кучоғнинг бунчалар гўзал

ўлиб ҳам

тирилиш мумкин бемалол

Фақат тушунилган, ҳис қилинган дамдагина асл нарсанинг гўзаллиги аён бўлади. Англанилмаган гўзаллик қийматсиз сармоядир. Шоирнинг гўзалликини ҳис қилиш, ҳайратланиш, эътироф этиш туйғуси шунчалар юқори ва ўткирки, бу шоирни "ўлдириб-тирилтираёттир".

Олдимда тўлиқиб, гуллар кунларим

барг ёзар сомондай сариқ боғларим.

Фараҳбахш бўлар қора тунларим,

ёришиб кетди-ей кўнгли чирғим.

Кунлар гуллаши ифодасининг ўзи ғалати. Гуллаш жараёнининг тўлиқиб кечиши эса шеърхонни ўйлантириб қўяди. "Тўлиқиб" тўлиб-тошиб, дегани. Баҳор пайтида мевали дарахтларнинг гуллашини кўз олдингизга келтиринг: кўнчиб турган будутга, улкан гулдастага ўхшайди. Атроф фақат гуллардан иборатдай туюлади. Шоирнинг мудроқ аралаш ўтаётган кунлари бир сабаб билан кескин ўзгарди, унга оппоқ ранг, тоза туйғу, баҳор нафаси, жонланиш кирди. "Олдимда" сўзи ҳам ёруғ келажакка ишончини, ҳам шоирнинг ўз ҳаётини четдан туриб кузатаётганлигини билдиради. Қора тун эса шеърятда кўпроқ ғам-қайғу белгиси сифатида қўлланилади. Келажак ўша яхши кунлар, ҳатто қора тунларни ҳам қувончга тўлдириб юборади.

Турсун Али ижодиди инсон ва табиат бир-бирига бириккан ҳолда келади, табиат инсон тасвирини яратишга хизмат қилади. "Кекса тут шохига ўхшаган қўллари-ла" дейди шоир "Шўрлик энам-а" шеърда. Кўз олдингизга дарҳол йиллар ўз муҳрини бошган тарам-тарам чизиқли меҳнаткаш қўллар келади. Ундаги қадоқлар, бўртиб турган томирлар хунук қўринмайди, аксинча, кўнгилда унга нисбатан илиқлик пайдо бўлади. Чунки "кекса тут шохига" ўхшаган қўлларда меҳр бор. Букик гавдали, қотма, аммо чайир, ҳамшиша куймаланиб юрадиган кекса кайвони ва баргсиз, мевасиз қурушқоқ жигарранг шохларини осмонга қўзиб турган, ўзи эса тобора ер бағирлаб бораётган кекса тут дарахти... Ёки "Бармоқлари узун толлар – дўстларим" дейиш билан дарахтни жонлантиради. Узун бармоқли оғоч – мажнунтол. Унинг узун, ингичка новдалари одатда сочга - қизлар кокилига, қирқта қилиб ўрилган жамалак сочларга

ўхшатилади. Турсун Али бу новдаларни бармоққа менгзаш билан шеърятга янги образ олиб кирди.

Турсун Али бутун борлиқ инсонда жамлиги ва унга хизмат қилишини англайди. Инсон ва табиат – яхлит вужуд. Шоир руҳига табиат чизган манзарани бузмаган ҳолда сўзга кўчиради, тасвир чизади, ранг беради. Рассом мўйқалам билан суврат чизгандай сўз билан руҳий ҳолат суратлантиради. Айтмоқчи бўлган нарсасини ўқувчининг кўз олдида келтириб қўяди:

У арғимчоқ учаёттир қанотлари кесилган қушдай

Талпина-талпина...

Ҳеч арғимчоқ учганмисиз? Ёки арғимчоқ учаётган одамни кузатганмисиз? Дарҳақиқат, қўллари билан арқонни чангалаб олган ва тиззаларини букиб, гавдасини олға ташлаганча арғимчоқни ҳаракатга келтираётган бола учинга интилаётган полапонни эслатади. Қўлларнинг бутун узунлиги билан эмас, тирсақдан букилганча арқонни ушлаб туриши эса кесилган қанотларга ўхшайди.

Турсун Али шеърлари ҳар сафар ўқилганда ўзгача таассурот уйғотади. Зотан, уларда тасвирланган кайфият жонли, барчамизга таниш. Бошингиздан кечган ҳодисани ҳар сафар янги тафсилотлари билан эслангиз ва таъсирланганингиз каби уларни ҳам янги ташналик билан ўқийсиз, қайтадан таъсирланасиз:

Шу қадар соғиндим сени!

Йиғлайин дейман-у, йиғлай олмайман...

Қулайин дейман-у,

Қула олмайман...

Соғинч, ҳаммамизга хос, бироз аччиқ, бироз ширин туйғу. Унинг таркиби ноаниқ; ўрташлари, қондириш қийинлиги билан аччиқ, масъудлиги билан ширин. Шоир ҳам соғинди. Кимни ё нимани эмас, айнан туйғунини соғинди. Фироқ ёки висол қалбда уйғотган ҳисларни, кўнглини жунбушга келтирган кечинмаларни яна туйғис келди. Йиғлаши керак эди, аммо бу фироқ унга унутилмас лаҳзаларни, гўзал сатрларнинг инъом этди. Қулиши, қувнаши лозим эди, висол яқин, лекин у ҳолда кўнгилда дард қолмайди. Шоирлик эса дарддан сув ичади.

Турсун Али барча қўллайдиган оддий сўзлар замирига ўзгача жозоба, сеҳрли қудрат, ёқимли оҳанг жо этишга уринади. Шеърдаги ҳар бир сўз изтироб меваси бўлиши, кўнгилда кечаётган кечинмани имкон қадар аниқроқ ифодалаш учун шоир сўз устида қаттиқ ишлайди.

Буғдойдай янчилган юрагидан

сўз чиқар ундай эланиб-эланиб.

Буғдой ун ҳолига келиши учун тегирмон тошлари орасида эзиб-янчилади. Ун кепак, тош каби ортиқча нарсаларни тозалаш мақсадида эланади. Буғдой ун бўлгунча қанча азобланса, шоир ҳам юракдаги ҳисларни сўзга эвиргунча шунча изтироб чекади. Нимадандир сиқилаётган юрагини шоир тегирмоннинг икки тоши орасида эзилиб, унга айланаётган буғдойга ўхшатади. Аммо шунча азоблар эвазига бўлса-да, шоир сўз айтиш имконини қўлдан бой бергиси келмайди. Чунки дилда қолиб кетган, ёруғ оламни кўрмаган сўз:

*Чўғ каби танамни қуйдирар,
Зулукдай сўради қонимни
Дилимди қоғозга тушмаган СЎЗ.*

Шеър битиш фақат неъмат эмас, унинг ўзига яраша қийноқлари, оғир масъулияти бор. Уларга дош бера олган истеъдодгина шоирлик даъвосини қилишга ҳақли. Шоирлик хаёлига келган ҳар нарсани, дилдан ўтган барча фикрни, туйган кечинмаларини қолдирмай қоғозга тушириш, дегани эмас. Унинг ҳам, барча соҳадаги каби, меъёрлари, бажарилиши лозим бўлган талаблари мавжуд. Фарқи: бу талаб ва меъёрлар ҳар бир ижодкорда алоҳида бўлади. Шу меъёрларга биноан баъзи туйғулар очик тасвирланади, баъзиларига эса ишора қилинади:

*Дилимда сўзлар кўп
айримларини
занжирлаб қўйган тил*

Аммо шу билан бирга шоирнинг бу меъёрлари ўзгармас ҳам эмас. Чунки ҳар қандай қолип, ҳатто у ўзиники бўлса ҳам, шоир руҳининг эркин йаровзига ҳалал бериши мумкин. Қолипга солинган шеър қўнғилдагидай чиқмаслиги, жозибасини йўқотиши, чин туйғунинг ёлғон ифодасига айланиши мумкин. Турсун Али ижодида ҳам туйғунинг самимийлиги, атай ўйлаб ясалган жимжималар йўқлигини кўриш мумкин. У сўз устида уста бўлиб эмас, шоир бўлиб ишлайди. Шоирнинг “Оху? мен телбамми? Ё... Ох у...” сатрлари фикримиз далилидир. Уч ҳарфдан иборат бир сўзни икки бўғинга ажратиб билан Турсун Али ажойиб бадий самарага эришган. Биринчи қўлланилишида кўзлар гўзал жониворини англаган “Оху” сўзи иккинчи қўлланилишида надомат (“Ох”) ва кишилик оломини (“У”) билдирган.

Оламни билиш ва оламга ўзини танитишнинг асосий усули — сўз. Қўнғилдаги қувонч, ташвиш, ғалаён, сокинлик, хавотир, меҳр сўзларда баён этилади. Инсоннинг ҳам бошқа яратилардан асосий фарқи, устунлиги сўзлай олиш салоҳияти билан тақдирлангандир. Турсун Али бу неъмат қўламини теран ҳис қилади, сўзни беҳуда исроф қилишдан чўчийди. Икки-уч сўз билан мураккаб руҳий ҳолатни ифодалай олади:

Нимадир демоқчи бўлади онам.

Бироқ айтолмайди.

Сўзлар бўғида.

Сўзлар кўзларида...

Нимадир дейишга оғиз жуфтлаб, айтолмаётган, балки ботинмаган она қиёфасининг аниқ чизгиси. Она нимадандир хавотирда, нимадандир оғохлантирмоқчи, аммо фарзанд дилини оғритгиси келмайди, тил учига келган сўзларни ютади — сўзлар бўғида. Лекин кўз қўнғил ойинаси-ку, унинг тилига чиқара олмаган сўзлари қарашларида кўриниб туради.

Турсун Али ташқи эффектларга, фавқулодда тажрибаларга ўч эмас. У деярли барча учратган ҳолатларни эътиборсизлик чангидан тозалаб кўрсата олади. Шу боис ўқувчи унинг шеърлари билан танишгач: “Ие, буни мен ҳам билардим у нега эътибор қилмаган эканман, шу ҳолат менинг ҳам бошимдан кечгандию қандай таърифлашни билмаган эдим”, - дея ажабланади.

*Қор қовурғасин қарсиллатиб
дарахтзор оралаб кезаман*

ҳамма ҳам қорли йўлда юрган, оёқ остида қор фирчиллаши кишига ўзгача завқ, кайфият бахш этишини ҳам билади. Лекин қаттиқ совуқ тушиб, қор юзи музлаган кезларда унинг фирчиллаши қовурғаларнинг қарсиллаб синишига ўхшаши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Уччала сўзнинг бир хил “қ” ундоши билан бошланганлиги ва айниқса, “қарсиллатиб” сўзи шеърда шиддат баишлайди. Кейинги мисолда ҳам барчага маълум киши манзараси шоирда бошқаларникига ўхшамаган кайфият уйғотганига гувоҳ бўлаемиз:

Қиш. Қорли сўқмоқ

Ох, қандай оғир,

Бировнинг издан юрмоқ.

Бу шеърда шиддат устунлик қилмайди. Аввал “Қиш” дея замондан, “Қорли сўқмоқ” деб макондан хабар берилади. Иккинчи мисрада норозилик сезилади: “Ох қандай оғир”. Ва учинчи мисрада унинг сабаби аниқ бўлади: қорли сўқмоқда шоирга довуриб бўлинган ва ҳаминша ўз йўли бўлишига интиладиган одам бу ҳолдан инжийди. Аслида, қалин қорда биров солган издан юриш кўпчилик томонидан маъқул кўрилади. Лекин лирик қаҳрамон кўпчиликка ўхшамайди. У — бошқача.

Турсун Али кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган ҳолатларни моддийлаштиришга, уларга бадий юк ортишга уринади:

Кўмилади кўрпага таним

Рухим кезар

Тун ичра бедор.

Ўйку — ярим ўлим, дейдилар. Шоир руҳи уйқудан, ғафлатдан чўчийди, ундан қочади. Чунки руҳ ерга алоқадор эмас, у илоҳий моҳиятга эга. Ерга тегишли жиём ором олаётган пайтда руҳ бедор кезади. У гувоҳи бўлган, содир этган ҳодисалар бизга туш бўлиб кўринади. Қисқагина умрнинг деярли ярми уйқуга бағишланиши натижасида йиллар зумда ўтиб кетади, пирлик етиб ҳам қолади:

Тун ғаройиб товушдан уйғондим

қарасам боладай чирқираб кетиб боради

сочлари оқарган умрим.

Бу шеърда ғафлатда ўтказилган умрнинг ўзигина эмас, ҳолати ва муносабати ҳам жонлантирилган. Бу хилдаги шеърый ифода ижод тажрибасида камдан-кам учрайди. Шеърятда деярли барча нарса айтилгандек, ҳамма кашфиётлар қилиб бўлингандек туюлади. Лекин астойдил изланган одам, барибир, кошфилик имконини топар экан.

Тунда туйғулар ўткирлашади. Чунки барча ниқобларини ечади, ўзининг эса қиёфасини ошкор этади. Қўрқув ҳам, қувонч ҳам, эҳтиросу лоқайдлик ҳам тунда асл ҳолича намоён бўлади. Шу боис тунда одам ўзи, ўтаётган умри ҳақида ўйлайди. Турсун Али маҳорати аини шу сингари чинал, нозик тасвирларда кўринади. Яъни у ҳолатнинг манзарасини беради. Одатда, манзара ҳаракатсиз бўлади. Турсун Али чизган манзаралар эса жонли, ҳаракатда, бир неча ўлчамли:

Оқшом. Қулушган эркак йўл юрар.

Лабида тамаки тутмайди.

Тутундай бурқсийди ҳазин дардлари...

“Қулушган” эркакнинг оқшом кетаётгани ўзи бир манзара. Лекин у шу ҳолича турғун чизги бўлибгина қолади. Эркак лабида тутаетган тамаки манзарани жонлантиради, ҳаракатга келтиради. Шоирга бу ҳам камдай туюлади. У жонланган манзарага ижтимоий-маънавий юк ҳам ортади: “Тутундай бурқсийди ҳазин дардлари...” Дардларнинг илдизи, моҳияти, қандайлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Лекин “ҳазин”лик ва “бурқсаган”лик дардларнинг табиатини англашиб туради.

Турсун Али табиат ёрдамида руҳ манзараларини чизганидай, кайфият ёрдамида табиат манзараларини яратади.

Ойдин...

Чайқалар кўл.

Балоғат

чўмилар

сочларин ёйиб

Тасвир ўзбек қизи ҳақида эканлиги ва тасвирчининг ҳам ўзбеклиги дарҳол англашилади. Чунки бўй етган ўзбек қизлари кундузи кўл ё сой каби гавжум жойларда чўмилмайди, ҳамма уй-уйига кириб кетишини кутиб, қоронғида, хилват жойда сувга тушишади. “Ойдин” — тўлин ой ҳамма ёқни сутдай ёритиб турибди. Атроф тинч, бутун борлиқ уйқуда. Фақат оғушидаги гўзалликка тоқат қила олмай, жунбушга келган қўлгина ғалаён қилади, “чайқала”ди. Чайқалган сув ой аксини парчалаб ташлади, қизнинг ёйилган сочлари уларни ўз домидан тутиб, йўқолиб кетишдан асраб турибди.



Турсун Али — ҳассос қалбли шоир. У табиат ҳодисаларидан, атрофидаги воқеалардан чуқур таъсирланади. Шоир кўнглида бетакрор кечинмалар тугилишига сабаб бўлган тоғ йитиб кетиши, кўл қуриб битиши, кўкаламзор сахрога айланиши мумкин, аммо у шеърга муҳрлаб қўйган табиат манзараларининг умри боқий, улар сўзга эврилиб, мангу яшайди. Рўй берган ҳеч нарса, айниқса, гўзаллик унинг қалбида из қолдирмай, руҳида ўзгариш содир қилмай қолмайди. Аммо:

*Қорли тоғларга термидим жим,
гулбоқларга термидим жим,
шарқираган сойларга термидим жим,
уч кунлик ҳилолга термидим жим.*

Номма-ном саналган, одатда, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган табиат манзаралари шоир кўнглини эрантира олмайди. Бунинг боиси кейинги икки сатрда аён бўлади:

*Гўзал аёл, термидим сенга
Кўзларимга тошиб келди хайқирим...*

Табиат гўзалликларини алоҳида-алоҳида кўрган шоир улардан меъёрида завқланган, жимгина таъсирланган эди. Буларнинг барини ўзида мужассамлаштирган аёлни кўрганда ортиқ сукут сақлаёлмай қолди, аммо тилига бу мукамал гўзаллик уйғотган туйғуларни ифодалашга лойиқ сўз келмади. Шунда юракдаги хайқирим, ҳаддан ортиқ гўзаллик уйғотган изтироб шоир кўзларига ёш бўлиб қуйилиб келди. Зеро, табиатнинг бутун гўзаллиги биргина аёлда жам: қорли тоғ - аёл виқори, гулбоғ - унинг истарали юзи, шарқираган сой - қулоч етмас сочлари, уч кунлик ҳилол - қошлари... Аммо бундай тўқисликнинг чиндан ҳам бўлиши мумкинмикин? Балки, бу шоирнинг орзу-хаёлларидир:

*Сен хаёлсан
Белоғи хаёл
Дунёга келмаган
Эй кўнглим уйдаги
Ёлғиз аёл*

Фақат хаёлда бўлса-да, бу аёлнинг борлиги—саодат. Акс ҳолда, шоир шайдоёи эмас, ҳамма қатори оддий одам бўлиб қоларди. Нозик туйғулар уни безовта қилмаган, инжа кузатишлар юзага келмаган бўларди.

*Гар бўлмасанг,
шаксиз гуллар сўлар кўксимда.
Кун бўйи
димомимга хазон ҳиди урилар.*

Шоир бутун олам биргина одамда барча ранглари, тўс-тўполон қуилари, бир дамлик ёмғирлари, қаҳратон совуқлари, саратон иссиқлари, ошпоқ қишларию яшил баҳорлари билан жам, деган эътиқодда яшайди. Унинг ўз қиши, баҳори бор. Гўзал аёл кишининг қишки уйқуга кетган туйғуларини уйғотади, юрагини яна ҳаяжондан потирлаб, орзулардан энтикишга мажбур этади. Усиз бу баҳорий кайфият, ҳаяжонли туйғулар сўнади, баҳор ўрнини куз, гуллар ўрнини хазон эгаллайди. Яна бу жараёнларнинг барчаси: фасл алмашинувларию гулларнинг сўлиб, хазон тўқилиши бир кунда, бир зумда содир бўлади. Аёлнинг, муҳаббатнинг қудрати шунчалар чексиз.

*Яшил майсага бош қўйиб,
сенга кўп тикидим,
эй кўзлари мовий Аёл.*

Барра майсаларга чўзилганча осмонга тикилиб хаёл суратган шоир. Кўзлари мовий аёл ким, кўнглини эгаллаган маҳбубами? Бирорта ҳам булутти йўқ беғубор мовий осмонми? Балки шоирга кўзларини қадаб турган коинотдир.

Турсун Али шеърларини қутилмаган тасвирларга қуришга уринмайди. Унинг шеърларида ифода этилган дард ҳам, туйғу ҳам оддий, ҳар бир ўқувчига таниш. Лекин жўн маиший ашёларнинг оддий тасвирларидан келиб чиқадиган поэтик маъно қутилмаган. Кафлларнинг сочларни елаши, бармоқларнинг тароқ бўлиб соч тарашни фавқуллоҳда ҳодиса эмас. Аммо бу

ҳолат “О, жон дея ипак бармоқларинг кезар сочларим ўрмонларида” тарзида ифодаланса, таниш деталларнинг бундай нотаниш талқини ўқувчи бадий завқини ҳам, тасвирнинг таъсир даражасини ҳам неча баравар оширади. Ёш, бақувват, қалин сочнинг ўрмонга ўхшатилиши ипакдай майин бармоқларнинг поэтик функциясини ҳам ўзгартиради. Бундай эврилиш туфайли бармоқлар турли жониворлар макон тутган ўрмонда бирор ўлжа илинжи ёки шунчаки сайр иштиёқида юрган жониворлар жонига қасд қилган қудратга айланади. Балки, бармоқлар соҳибаси ўрмондай қалин соч эгаси ихтиёрини, қалбини, майлини, ихтиёрини ўзига бўйсундириб оломоқчидир. Жўнгина туюлган оддий маиший деталлар қанча эркин мулоҳазаларга озиқ беради.

Шоир фикр эркинлиги, ҳаракат мустақиллиги туйғуларини қадрлайди. Бу ҳолни унинг қатор шеърларида кўриш мумкин. Кўлингиздаги китобдаги шеърлардан бирида

*Мен сенинг ортингдан эмас,
соям ортидан
юрмоқдаман дадил, мардона*

дейилган. Соя ортидан юриш тескарича илгарилашга сабаб бўлади. Яъни соя ортидан юриш учун олға эмас, орқага қадам ташлаш керак. Дадил, мардона юриш сабабларига келсак, бу йўлда хато қилиш, қоқилиш деярли имконсиз, чунки у босиб ўтилган.

Сўзни аяб ишлатадиган, ўқувчини аяб ёзадиган Турсун Али ижодида қуйидаги каби қутилмаган сатрлар ҳам учрайдики, улар шоир истеъдодининг серқирра эканлигини билдиради:

*Кўнглимни итларга талатдим,
Кўлимни кимларга узатдим?..
Тангрим,
О!*

Нимани тузатдим?!

Бутун умр нималаргадир интилиб, қандайдир мақсад йўлида жонини жабборга бериб яшаган одам бугун даҳшатда: ёшлиги, куч-қуввати, орзулари, тинчлиги, кўнгил хотиракамлиги эвазига нимани қўлга киритди? Бой берган нарсаи кўпроқми, эришган ютуғими? Манфаат илинжида шаънию инсонийлигини “итларга талатган”, таъма илинжида қай бир пасткашларга қўлини “узатган” киши ҳаётини тузатмоқчи бўлди. Нимани тузатолди?!

Йўқотганлари ҳамон шоирни безовта қилади, кўнглида оғриқ уйғотади. Буни бошқа бир шеърдаги:

*Деразамга қушчадай
ўзин урар
олис муҳаббатнинг кўз ёшлари*

сатрларидан билиш мумкин. Ҳали қанотлари чиқмаган жипи поланонинг мушукларга ем бўлиши, турли фалокатларга йўлиқиши жуда осон. Жинглиданоқ нобуд бўлган олис муҳаббат ўшандай ожиз эди. У барбод бўлса ҳам, лекин хотира — тирик. Шу боис лирик қаҳрамоннинг хаёли деразага кўзи ёшли муҳаббат ҳимоясиз поланондай ўзини уради, унуттишга имкон берамайди. Шоир улкан руҳий тўлғамлардан, покиза ҳиссиётлардан озиқланади, уни туйғулар, изтироблар, ҳаяжонлар боқади. Буларсиз у — заиф. Шоир кўнглини шаффоф дераза каби ўраб олган ғараз, таъма, бефарқлик эзгуликни, гўзалликни ичкарига қўймайди. Улар ҳам деразага ўзини ураётган ожиз қушча сингари ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ҳар қандай ижодкорни шеър ёзишга ундаб турувчи бош омил жонли туйғу, ўзига хос ифода усули ва оригинал тасаввурдир. Бусиз у шоир бўла олмайди. “Сокин хайқирим” Турсун Алининг шу фазилатларга эга шоир эканлигини кўрсатиб турибди. Ишончимиз комилки, шоирнинг “Сокин хайқирим” бошқа шеърини товушлар орасида ажралиб туради.

Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА,
филология фанлари номзоди

Абдураззоқ ҚЎШШАЕВ

УМР МАНЗАРАЛАРИ

Абдураззоқ Қўшишев Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. 1972 йилда Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетини татомлаган. “Лайлатулжадр” ва “Қушларга айтилган туш” қисса ва ҳикоялар тўпламининг муаллифи. Айни пайтда “Ғиждувон” газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида фаолият юритяпти.

Дунё ажиб қурилган.
Ақлинг тўлишган сари
Ғам босади одамни.

Қута билдим,
Ҳаммаси ўтиб кетди.
Ўмр ҳам.

Борар саргайиб,
Кундан кун
Ҳижрон.

Узоқ кутдим. Лайлатулжадр!
Шодман бу кун
Қута билганимдан.

Табиат сокин,
Кўнгил тинч.
Бўрон кутаянман.

Зирқираяпти елкам.
Кўтара олмасам керак
Бу сафар осмонни.

Афсус, келмас қўлимдан,
Ўлдириб яшаш,
Ғурурни.

Сени танидим:
Қиёфасиз
Одам.



Ёлғиз қолганимда
Қўмсай бошлайман
Яна ёлғизликни.

Болажон,
Коптоқдай сапчи кўкка,
Ерга урсалар.

Баланддан қарасам
Пастда турган одамга
Ва танисам ўз-ўзимни.

Тинглаяпман дунёни,
Англаяпман дунёни,
Шу сукутда.

Эслатар қора кунларни
Кундан-кун оқараётган
Сочлар.

Дейсан: “Пул—қўлнинг кири”
Нетай, қўлларим
Топ-тоза бўлса?!

Осон кечиршияпти
Ёвузликни.
Қандай бахтли одамлар!

Эркин замонда яшаяпсан сен.
Майли, хаёлларинг билмасин сарҳад.
Фақат сир тут уларни.





Абдураззоқ ОБРҒҮЙ

Сўроқ белгиси

САВОЛБОҶ

“Сўроқ белгиси” дейилса бас, ҳамма бирдан Шомурод Қўлмуродовичга қарайди. Нега? Биринчидан, саволи қўп, иккинчидан, гавдаси ўроққа ўхшайди. Демак, ўроқ дейилса ҳам унга қараса бўларкан-да? Йўқ, бўлмайди. Бу ерда мазмун бузилади. Мазмун моҳиятга мос бўлиши керак.

Ўзингиз биласиз, сўроқ саволдан кейин қўйилади, ўроқ иш қуроли, шиманидир ўрасиз. Қаллани ишлатиш керак, оғайни. Сўроқнинг ўрнига ўроқни ишлатсангиз, “салла” дейилса, қаллани олиб келган бўласиз. Бу жиддий масала.

Дейлик, кўчада Шомурод Қўлмуродовичга дуч келдингиз. Шунда у сизга, албатта:

– Нега салом бермадинг? – дейди.

Ўзингиз ўйланг, бу саволнинг охирига ўроқ белгисини қўйиб бўладими? Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз.

– Салом бердим-ку! – дейсиз, у:

– Қачон? – дея сўрайди, сиз:

– Ҳоҳир, - дейсиз, у:

– Ким эшитди? – дейди. Шунда асабий:

– Сўроқ белгиси! – деб юборишингиз турган гап. Қутулдим деб ўйламанг. Шомурод Қўлмуродович:

– Каттасими, кичиги? – деб сўрайди энди.

– Э, боринг-ей!

– Қаёққа?

– Катта холагизиникига!

– Қайси бириникига?

Кўрдингиз, мазмун моҳиятга мос келаяпти.

Мен бир неча йилдан буён ана шу “сўроқ белгиси” билан бирга ишлаб келяман. Бирор тадбирга борадиган бўлсак, бошлиғимиз доимо уни қўшиб юборади.

– Савол бершини билади, - дейди уни мақтаб.

Яқинда сайловга бағишланган бир тадбирда бирга иштирок этдик. Марказий сайлов комиссиясидан келган вакил сайловнинг ўзи га хос хусусиятлари, қонун-қоидалар тўғрисида сўзлаб бергач, охирида “саволлар борми?” деб залга мурожаат этди. Шунда Шомурод Қўлмуродовичга жон кирди. Қўл кўтариб савол берди:

– Депутатликка номзодларнинг оғирлиги қанча бўлиши керак?

– Оғирлигининг аҳамияти йўқ. Соғ бўлса бўлди, - деди вакил.

– Қулоғининг размери-чи?

– Эшитса бўлди, размерининг аҳамияти йўқ.

– Лабининг қалинлиги, тилининг узунлиги тўғрисида қандай стандарт бор?

Ушбу саволдан сўнг, вакил енгилди: “Тез ёрдам” етиб келганда вакил ерда “сўроқ белгиси”га ўхшаб қулаб ётар эди.

ҚУЕШ ТЎХТАБ ҚОЛГАН КҮН

Бугун офтобнинг гилдираши қийин бўляпти. Бир соат олдин шу жойда турган эди, ҳамон ўрнидан қўзғалмаган.

– Қосимов қаерда экан-а? - деди асабий Саттор Собирович.

– Қайси Қосимов? – сўради ҳамхонаси Қобил Обидович.

– “Пахтакор” чи-да.

– Э, ҳа, футболчи Қосимовни сўрайсизми?

– Ҳа-да.

– Чет элга кетган эмиш.

– Афеус, шу ерда бўлганида қуёшни бир тептирдим-да. Аллақачон ботиб кетарди.

– Қаллангиз ишлайдими, ўзи битта футболчимиз бор. Унинг ҳам куйиб кетишини истайсизми? – деди ҳазилга ҳазилона Қобил Обидович.

– Э, нима деярсиз. Ҳар ишнинг ўз йўли бор. Офтобнинг олди-дан эмас, орқасидан теп деб маслаҳат берардим, - деди топағонлик билан Саттор Собирович.

– Қойил, қойил! – деб ҳамхонасининг ҳозиржавоблигига тан берди Қобил Обидович.

– Яқинда Термизга борган эдим, - деди энди жиддий Саттор Собирович.

– Хўш, хўш.

– Хўш деганингиздан билдик, ўзбек экансиз. Тунда шаҳарни жуда чиройли бўлади дейишди. Шу боис ярим кечаси шаҳар бўйлаб яёв сайрга чиқдим. Бир пайт бир-бирига суяниб зўра иккита ширакайф киши чақириб қолди.

– Ока, - деди биттаси осмонга ишора қилиб, - анаву қуёш-а?

– Бу юз грамм ичиб, кўрмай қолибди, - деди иккинчиси кўзини бир очиб, бир юмиб. – Айттинг, осмонда ой-а?

Шунда қалгив ишгаб қолди, бўлмаса қуёш десам, ой дегани менга ташлашади. Ой десам қуёш дегани жанжал чиқариши ахримоддан ҳоли эмас.

– Кечирасизлар, оқалар, мен бу ерлик эмасман, дедим.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Идораларингизга яқинда ишга келдим, ҳалиям мослашолмадим, шекилли. Олдинги иш жойимда Худонинг берган куни мажлис эди. Мажлис бу кимдир мансабидан ўчиб кетди дегани. Фақат бошлиғимиз чекланмаган миқдорда танқид қилиш ҳуқуқига эга эди. Бу ерда бошқачага ўхшайди.

– Адашярсиз. Бида ҳам шундай. Бугун фақат қуёш бошқа томондан чиққанга ўхшаб турибди, холос.

Вақт “чиқ, чиқ” этган билан ўтиши қийин бўляпти.

– Ҳайронман, соатим негадир тошбақа юриш қилиб қолди, - деди Саттор Собирович.

– Менимча, қорнингиз оч бўлса керак, - деди ҳамхонаси Қобил Обидович.

– Қизиқсиз, қорнингиз очлигини соатга нима дахли бор.

– Ҳуда бор-да, - деди энди билағонлик қилиб Қобил Обидович.

– Қорин тўқ бўлса гап йўқ. Вақт тез ўтади. Қорин оч бўлса, ҳеч вақт ўтмайди. Менинг бир дўстим бор, деҳқон, далада ишлайди. Ҳали қуёш чиқмаси, уйдан чиқиб кетар эмиш. “Биз томонларда туш бўлиши қийин”, дейди қачон кўрмай.

– Гапингиз ростга ўхшайди, йиғилиш бошланганини кутиб тушликка ҳам чиқмабман.

– Ўзи бугун мажлис бўладими?

– Бўлиши керак. Бўлим бошлиғимиз Собит Тоировичнинг пайтавасига кўрт тушган.

– Нега?

– Хабарингиз йўқми, бир ой бўлибди, каттамит бир марта ҳам қабулга чақирмаган эмиш.

– Э, бечоранинг куни битибди-да.

– Нима қиламиз, котибадан сўраймизми?

– Юринг-чи.

Иккаласи биргалашиб қабулхона томон боради. Котиба Камолахоннинг олдида бутун жамоа йиғилишган экан.

– Бўлиши керак, - деди кимдир қатъий. – Бўлмай қолган кун бўлмаган.

– Бўлади, - деди бошқаси ҳам уни тасдиқлаб.

– Ўзларидан сўраб чиқинг-чи, - деди яна бир киши ниҳоят сабри чидамай котибага.

Котиба у ёқ-бу ёғни тўғрилаб ичкарига кириб кетди. Йиғилганлар нафасларини ичларига ютишди, атроф сув куйгандек жим. Бир насадан сўнг ичкаридан виқор билан Камолахон чиқдилар.

– Ўртоқлар, - деди-да у бир оз тўхтаб олди. – Бугун мажлис бўлмас экан.

– Нега? – барча шу саволини берди.

– Бугун ҳамма режасини бажарибди. Танқид қилишга объект йўқ эмиш.

– Энди мен нима қиламан? – деди Саттор Собирович бошпани ушлаб.

– Ҳа, нима бўлди? – сўради ҳамхонаси Қобил Обидович.

– Хотин “нега эрта келдингиз” деса, “мажлис бўлмади”, десам ишонармикан?!

Саттор Собирович ишхонадан чиққанча офтоб чўдек қизариб уфқда осилиб турарди.

ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla O'RIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON.

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-
dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 6 (198) 2004 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**NAZM***Halima XUDOYBERDIYEVA**Daraxtlar qavmida shikoyatchi yo'q..... 1**Omon MUXTOR.**Buyuk bir muhabbat. Doston..... 16***CHORSHAM:***Ayro tushmas edim sira so'zimdand..... 25**Zikrilla NEMAT**Muhabbatsiz yashab bo'lmas..... 29**Murodxon NIYOZXONIY**Kimning tashrifini bu ko'zlar kutar? 42**Abdurazzoq QO'SHSHAYEV**Umr manzaralari..... 46***NASR***Luqmon BO'RIXON**Sirli muallim. Qissa..... 4**Zulfiya QUROLBOY qizi.**Hilola. Hikoya..... 26**Ibrohim MUHAMMAD**Ikki hikoya..... 31**Isajon SULTON**Beda hidi anqigan tunlar. Hikoyalar..... 35***BIRINCHI UCHRASHUV***Sabohat UMAROVA**Yuragingda olov yoqqandim..... 34**Shahina QURBONOVA**Shalolajon..... 34***JAJI TADQIQOT***Muhayyo YO'LDOSHEVA**«Sokin hayqiriq» jarangi..... 43***ELPUG'ICH***Abdurazzoq OBRO'Y.**So'roq belgisi. Hajviyalar..... 47***Muqovalarimizda:***1-betda: Toshkentdagi 17-maktabning a'lochi o'quvchisi,
yosh xushovoz qo'shiqchi Gulhayo QURBONOVA.**2-betda: Odamzot-omonat, diydor-g'animat.**3-betda: O'zbekiston xalq shoiri Oydin HOJIYEVA.**4-betda: Kosonsoylik sahovatpesha inson, «Al-mo'min» ko'p
tarmoqli ishlab chiqarish firmasi rahbari Mo'minjon QOSIMOV.*Manzilimiz: 700000, Toshkent, Javoharlal Neru, 1-uy,
Telefon: 133-40-83.
Bosishga 20. 12. 2004 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob to bog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
izohlanishi shart.Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 321

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.